

А. ҚҰҚОНБОЕВ

ФАРГОНАДА  
СОВЕТ

ҲОКИШИЯТИНИ  
ЎРНАТИШ  
МУСТАҲКАМЛАШ  
<sup>ВА</sup>  
УЧУН КУРАШ

А. ҚҰҚОНБОЕВ

ФАРГОНАДА СОВЕТ  
ХОКИМИЯТИНИ ЎРНАТИШ  
ВА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН  
КУРАШ

Тарих фанлари доктори  
*М. Й. Йўлдошев*  
таҳрири остида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1958

## СҮЗ БОШИ

Чор самодержавиеси ҳамда буржуа-помешчик ҳукмрон доираларининг халққа қарши империалистик ички ва ташқи сиёсати 1917 йилда Россия халқларини ҳарбий мағлубият хавфи, Россияни эса парчалаб, чет эл империалистлари қуллигига тушириш хавфи остида қолдирган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Россияни бу фалокатдан қутқариб қолди. Октябрь революциясининг раҳбар ва йўналитирувчи кучи бўлган Коммунистик партия мамлакатимизни "империализм занжиридан узиб олиб, етишиб қолган ва Россиядаги барча халқларнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган энг муҳим вазифани ҳал қилди. Коммунистик партия раҳбарлик қилган рус пролетариати империалистик фронтнинг заиф жойидан қўпориб ташлаб, Россияда пролетариат диктатурасини барпо этди ва мамлакатни инсонга қирғин келтираётган ҳалокатли урушдан холос қилди. Россия шу кундан бошлаб барча халқларнинг биродарлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам сиёсатига асосланган тинчликсевар, социалистик мамлакатга айланди. Россияда меҳнатнинг капитал устидан ғалаба қилиши барча мамлакат меҳнаткашлари учун ўрнак бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясини халқаро пролетариат қўллаб-қувватлади. Қудратли революцион ҳаракатнинг кучли тўлқинлари Европага ҳам ёйилди. Осиёда мустамлака Шарқ халқлари миллий озодлик учун курашга қўзғалди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати Бутун Россия халқларининг реал истиқболини — миллий озодлик ва халқ ижодий кучларининг гуллаб-яшнаш йўлини

очиб берди. Улуг Ленин бу сиёсатни равшан ифодалаб: «турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина конфликтларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади»<sup>1</sup> — деган эди.

Россияда авж олган улуғ революцион кураш дунёнинг кўп районларига ёйилди. У, Россиядаги революцион воқеалар оммани ҳаракатга келтирган Европадан тортиб, революция империализм мустамлакаларини ларзага келтирган Осиёнинг энг чекка районларигача етган эди.

Ўрта Осиёдаги социалистик революция Россиядаги Улуғ Октябрь революциясининг таркибий қисми бўлиб, унинг қудратли таъсирида ривожланди ва унинг бир неча конкрет-тариҳий хусусиятларига эга бўлди.

Ўрта Осиё Россия империясининг чекка мустамлака ўлкаси бўлганлиги учун асосий революцион марказлардан узоқда эди. Бу ҳол алоқа воситалари ҳамда транспорт вайрон бўлган ва ишдан чиққан бир вақтда Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатга марказнинг йўлланма бериб туришини жуда қийинлаштиради.

Революция пайтида Ўрта Осиёнинг ўзига хос социалиқтисодий хусусияти тарихан вужудга келган патриархаль ва феодал муносабатлари билан (бу муносабатларни чоризм жўрттага узоқ сақлаб келди), Туркистоннинг гоят қолоқ хўжалиги билан, йирик саноат корхоналари йўқлиги ва бунинг натижасида миллий саноат пролетариятининг камлиги, унинг фоявий жиҳатдан етилмаганилиги билан характерланар эди.

Ўрта Осиёдаги аҳвол ўлка этник составининг хилмачиллиги, миллий тарқоқлик ва халқларнинг бўлиниб кетганлиги (чоризм бу халқларни асоратда сақлаш мақсадида уларнинг миллий тарқоқлиги ва бўлиниб кетганлигидан ҳар томонлама фойдаланди) билан, мустамлакачилик сиёсатининг мудҳиши қолдиқлари билан оғирлашди.

Самодержавиенинг Туркистонда узоқ йиллар ҳукмронлик қилиши, ҳалокатга маҳкум этилган эрксиз халqlарни аёвсиз эксплуатация қилиниши, чор амалдорларининг ўлкани ҳарбий-феодал усуlda бошқариши, социал

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 400-бет. Ўздавнашр.

ва миллий тенгизликка қарши ҳар қандай порозилик ларни шафқатсиз бостириш, ғус ҳукмрон доираларининг улуғ давлатчилик руҳидаги элементларини ўзларининг миллий устунликларини ҳар қадамда рўкач қилиб туришлари — мана шуларнинг ҳаммаси улуғ рус миллатига Ўрта Осиё халқларининг ишончсизлик ва шубҳа билан қарашига сабаб бўлганди. Маҳаллий миллий реакция кейинча бу ишончсизликдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди.

Социалистик революция тўлқинлари мустамлака Шарққа ҳам бориб етди. Шарқда эса, бу ердаги мамлакат халқларининг миллий тарқоқлигидан, уларнинг иқтисолдий ва маданий қолоқлигидан ўзининг қабиҳ мақсадлари йўлида ҳамда энг реакцион ва миллатчилик оқимлардан ва уларнинг лидерларидан гарбий метрополияларнинг Шарқдаги мустамлакачилигини агадий сақлаб қолиш учун фойдаланишда жуда бой тажриба ортирган Британия империалистлари ҳукмронлик қиларди.

Россияда ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ўриатилishi халқаро буржуазия ҳукмронлигини ларзага келтирди, чунончи унинг мустамлакачилик сиёсатига таҳдид солди. Бу, душманни қаттиқ газаблантириди. Халқаро империализм Россиядаги ички контреволюция билан иттифоқ тузишга шошилди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги интервенция ва гражданлар урушига Россиядаги воқеалардан алоҳида қарап хато бўларди. Ўрта Осиёдаги интервенция ва гражданлар уруши империалистларнинг Совет Россиясини бўғиб ташлаш йўлидаги умумий планининг бир қисми эди.

Бу план катта-катта мақсадларни чунончи, Россияда буржуа-помешчик тузумини тиклаш, мамлакатни чет эл империалистларига қул қилиб бериш, Россиянинг бой чекка улкаларини тортиб олишини кўзда тутган эди.

Антантанинг ёш Совет республикасига қарши ошкора интервенцияси Қизил Армиянинг асосий кучларини ўзига жалб қилганди. Буларнинг ҳаммаси империалист стратегларнинг фикрича Шарқдаги воқеаларни империалистлар фойдасига ҳал қилиши керак эди.

Мұхим Темир йўл узели, йирик иқтисодий ва революцион марказ бўлган Тошкент Совет Россиясининг Шарқдаги мустаҳкам таянчийди. Гражданлар уруши даврида

чет эл империалистлари ва улар құллаб-қувватлаган бар-ча контрреволюцион кучлар Тошкентниң құлға киритишга доимо ҳаракат қылдилар. Тошкент революцион Россия билан шимоли-шарқда темир йўл орқали боғланган бў-либ, бу йўлни оқ гвардиячиларнинг қўшинлари гоҳ-гоҳда босиб оларди. Жануб ва жануби-шарқда эса Тошкент баланд тоғлар билан ўралган эди.

Тошкентнинг шарқида Туркистаннинг муҳим иқтисодий райони бўлган Фарғона водийси жойлашган. У бир неча йилгача инглиз империалистлари қуроллантириб Совет ҳокимиятига қарши ишга солган босмачиларга қарши кескин кураш майдони бўлиб келди. Пантуркизм идеологлари, жумладан, ашаддий контрреволюционер, оқ эмигрант Мустафо Чўқаев босмачиликнинг халқа қарши моҳиятини, унинг халқаро империализмнинг хизматкори сифатидаги заарарли, қабиҳ ролини ҳар томонлама бўяб, уни синфий бўлмаган кенг миллий ҳаракат деб кўрсатишга уриндилар.

Босмачилик бошланишданоқ очиқ контрреволюцион кучга айланди. Бошда босмачиликка ифво ва демагогия натижасида деҳқонларнинг ҳам озгина қисми қўшилган эди. Босмачилик бора-бора турмушда ўзининг халқа қарши моҳиятини кўрсатди ва пировардида жиноий ҳаракатга, бандитизмга айланди. Коммунистик партиянинг, армия сиёсий органларининг меҳнаткаш деҳқонлар орасида ҳар томонлама сиёсий-оқартув ишлари олиб боришлиари туфайли ўзбек халқи босмачилар ўзининг ашаддий душмани эканини тобора кўпроқ англай бошлади. Ҳарбий куч билан бостиришни сиёсий-иқтисодий тадбирларга тўғри мослаб борилганлиги сабабли босмачилар мағлубиятга учради ва Фарғонада Совет ҳокимияти мустаҳкамланди.

Мазкур китобда Фарғонада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун босмачиларга қарши кураш тарихи ҳикоя қилинади. Бу кураш тарихига доир анчагина адабиётлар бўлишига қарамай, Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган қаҳрамонона кураш тарихи ҳали тўла ўрганилмаган. Ҳали бир қанча методологик масалаларни ёритиш, жумладан, Фарғонада гражданлар уруши тарихини даврларга бўлиб чиқиши масалаларини ўрганиш керак.

Бу бир неча авторлар томонидангина ёритиб берилиши мумкин бўлган темадир. Шундай бўлса-да, мазкур

брошюра ана шу темани ишлаб чиқишига маълум ҳисса қўшар деб умид қиласиз.

Брошюрани ёзиш жараёнида автор иттифоқ ва республиканинг энг йирик архивларидан, босмачилик ҳақида бизда ва чет элларда чиқсан кўпгина газета, журнал ва адабиётдан фойдаланди.

Совет тарихчилари босмачиликка қарши кураш тарихини ёритиш соҳасида катта илмий текшириш ишлари қилди. Бироқ, бу темада ҳалигача капитал иш яратилмаган. Бу тўғрида ёзилган ишларнинг кўпи босмачиликка қарши курашнинг айрим томонлари ва эпизодларини ёритиб беради, холос. Тарихчиларимиз Фаргона водийсидаги (Фаргона, Андижон, Ўш, Наманган) область архивларининг, шунингдек марказий архивлардан, жумладан, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти архивининг жуда бой материаллардан ҳали тўла фойдаланган эмаслар. Босмачиликка қарши кураш тарихини ўрганувчилар, гражданлар урушининг актив қатнашчилари ва жонли гувоҳларни ҳам эътибордан четда қолдириб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси айрим асарларнинг схематик тарзда ёзилишига сабаб бўлган. Бу китобларда фойдаланилган материаллар анча камбағал бўлиб, кўпинча қайтариқлардан иборат.

Айрим асарлар эса жиддий методологик ва идеологик хатолардан холи эмас. Баъзи тарихчилар босмачиликка юзаки баҳо бериб, контрреволюцион босмачиликнинг сиёсий моҳиятини тўғри очиб беролмаганлар. Улар босмачиларнинг сони ҳақидаги чалкаш маълумотларга танқидий қарамай, босмачиликни кенг кўламда қилинган ҳаракат деб билганлар.

Босмачиликка қарши кураш социал иқтисодий ва табиий-географик характердаги объектив қийинчиликлар натижасида узоққа чўзилиб кетганлигини кўрмаслик ҳам масалага бир ёқлама қараш бўлар эди. Баъзи тарихчилар босмачилик 1920 йилда тор-мор қилинган деб кўрсатмоқчи бўладилар. Бу реал тарихий фактларга зиддир. Тўғри, 1920 йил босмачиликка қарши курашда бурилиш йили бўлди, аммо биз Фаргона водийсида Совет ҳокимияти 1923 йили янги иқтисодий сиёсат ва бошқа бир қанча сиёсий-иқтисодий тадбирларни амалга оширгандан кейингина босмачилар шайкаси тўла тутатилганлигини унутмаслигимиз керак.

Биз келтирған қисқа библиографик обзор халқнинг  
босмачиларга қарши кураши совет тарихчилари келгү-  
сида янада чуқурроқ ўрганиши керак бўлган актуал  
тема әканлигидан далолат беради.

---

## ФАРГОНАДА СОВЕТ ҲОҚИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

Энгельс 1851 йил 23 майда ўзининг Марксга ёзган хатида: «...Россия Шарққа нисбатан чиндан ҳам прогрессив роль ўйнайди... Россия ҳукмронлиги Қора ва Қаспий дengизлари бўйи ҳамда Марказий Осиё учун цивилизация ролини ўйнайди!», — деб ёзганди.

Ўрта Осиёning Россияга қўшиб олиниши объектив прогрессив воқеа бўлган эди. У Туркистонни чет эл империалистлари чангалидан қутқариб қолди. Чор Россияси билан яқин иқтисодий алоқа ўрнатилиши ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига ёрдам берди; бу эса кейинчалик Ўрта Осиёда капиталистик муносабатларнинг ривожланишини ҳам тезлаштиргди. Россияга қўшиб олинганидан сўнг Туркистон жаҳон товар оборотида тобора кўпроқ қатнаша бошлади.

Туркистоннинг энг бой райони бўлган ва рус буржуазиясини кўпдан қизиқтириб келган Фаргона воийсида ҳам капиталистик муносабатлар аста-секин тараққий эта бошлади.

В. И. Ленин чор Россиясининг чекка ўлкаларини чинакам мустамлаканинг ўзи деб атаган эди. Бу мустамлакани рус буржуазияси саноати ривожланган марказий районлар учун хом ашё базаси сифатида эксплуатация қилиб келди. Туркистон ва, шу жумладан, Фаргона худди ана шундай база бўлганди.

Фаргона области революциягача: Фаргона, Андикон, Уш, Наманган ва Қўқон уездларидан иборат эди. Бу уездларнинг 1915 йилда икки миллиондан ошиқроқ аҳолиси бўлган.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асалар, XXV том, 221-бет.

1907 йилдан бошлаб Фарғона областида пахта майдонлари жуда тез кенгайтирила бошланди. 1915 йилга бориб обласстнинг ҳаммасида 400 минг десятинадан ошиқроқ ерга пахта экилиб, бу барча экин майдонларининг 45 процентини ташкил қиласади<sup>1</sup>.

Пахта етиштиришни кўпайтириш пахта ишлаш саноатининг ривожланишига олиб келди. Революция арафасида Ўрта Осиёда бўлган 235 та пахта заводининг 170 таси Фарғонада эди<sup>2</sup>.

Мустамлака Туркистоннинг экономикаси алоҳида хусусиятга эга эди. Бу ерда капиталистик муносабатлар, айниқса қишлоқда феодал муносабатлар билан маҳкам чатишиб кетганди. Феодал муносабатлар капиталистик муносабатлардан айниқса қишлоқларда устун турарди.

Капитализм тараққиёти Фарғона аҳолисини янада оғир муҳтоҷликларга олиб келди. Аҳолини энди ўз миллий ва рус эксплуататорлари эксплуатация қиласади; ҳалқ тобора қашшоқлаши.

Қишлоқ аҳолисининг синфий жиҳатдан табақаланиши дэҳқончиликда айниқса яққол кўринди. 1917 йилга келиб, Фарғонадаги ерларнинг кўп қисми бой ва руҳонийлар қўлига ўтди. Улар орасида миллионер Миркомил Мўминбоев сингари йирик ер эгалари бўлган. Андижон уездидаги энг яхши ерларнинг беш минг десятинаси Миркомил Мўминбоевга қаради.

Фарғона ерларининг учдан бир қисми аҳолининг атиги 3,5 процентини ташкил қиласади бойлар қўлида эди. Ҳолбуки, аҳолининг ярмидан кўпини ташкил қиласади ерсиз ва кам ерли дэҳқонлар барча ерларнинг бешдан бир қисмигагина эгайди. Аҳолининг 43,3 процентини ўрта ҳол дэҳқонлар ташкил этиб, улар Фарғонадаги барча ерларнинг тахминан ярмига эга эдилар.

Рус самодержавиесининг мустамлакачилик сиёсати ҳам кўп дэҳқонларни ердан маҳрум қиласади. Рус самодержавиеси ерли қирғиз аҳолисини энг яхши ерлардан ҳайдаб, бу ерларни кўчириб келтирилган рус қулоқларига олиб берарди.

<sup>1</sup> Фарғонада босмачиликнинг вужудга келиши ва авж олиши ҳақида қисқача очерк. РККА штаби разведка бошқармаси, Москва, 1922, 9-бет.

<sup>2</sup> Туркеспубликанинг хўжалик ҳаётини ҳақида очерклар. Тошкент, 1921, 56-бет.



Й. ОХУНБОБОЕВ.

Меҳнаткаш деҳқонлар бой ва судхўрларга тобора кўпроқ қарам бўлиб бордилар. 1903 йили Фарғонадаги 388 минг деҳқон хўжаликларининг ярмидан кўпи бой ва рус мустамлакачиларидан қарздор эди. Шу йилнинг ўзида 129 минг деҳқон хўжалиги батамом синиб, молмулкидан тобора кўпроқ ажрай бошлади<sup>1</sup>. Буни 1913 йилдаги (кризис йилида) деҳқонлар қарзининг миқдори тасдиқлайди. Бу йили деҳқонлар 58 миллион сўм қарз бўлган эдилар<sup>2</sup>.

Буларнинг ҳаммаси майда ишлаб чиқарувчиларни қашшоқлаштиrmай қўймади. Октябрь революцияси арафасида Фарғонада 35 мингдан ошиқ ерсиз батраклар бор эди. Хўжалиги вайрон бўлган деҳқонлар у ерларда вужудга келаётган саноат учун пролетар кадрлар бўлиб ёлланиб ишлардилар. Аммо у вақтда иичи кучлари та-

<sup>1</sup> И. Охунбобоев, «Ўзбек халқининг кураши ва ғалабалар йўли», «Совет қурилиши» журнали, 12-сон 1937, 86-бет.

<sup>2</sup> СССР Давлат Марказий Коммунистик архиви, 110-фонд, оп. 1, 163-иш, 154-бет.

лаб қиласынан саноат корхоналари жуда оз әди. Туркестонни метрополиянынг хом ашё базасигина деб қараган чоризм бу ерда саноатни ривожлантиришга қизиқмасди. Шунинг учун Фарғонада маҳаллий пролетариат кадрлари 12 мингдан сал ошиқроқ бўлиб, улар пахта тозалайдиган ва ёф заводларида ишлардилар.

Февраль буржуа-демократик революцияси Туркестон халқларининг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш ясамади. Ҳоқимият илгаригича генерал Қуропаткин қўлида қолаверди. Бу генерал 1916 йилги халқ қўзғолонини бостириб, золим номини олган әди. Март ойининг бошларида ташкил топган Ишчи депутатлари Тошкент Советининг талаби билан бу подшо амалдори ишдан олиб ташланди, аммо унинг ўрнини Вақтли ҳукуматнинг Туркестон комитетига бошлиқ бўлган кадет Цепкин эгаллади.

Цепкин миллий реакциянинг сиёсий ташкилотлари («Шўрои исломия», «Уламо») билан иттифоқ тузиб, халққа қарши ошкора сиёсат юргизди, эски тузумни ва ҳукмрон эксплуататор доираларнинг имтиёзларини сақлаб қолишга уринди.

Рус мустамлакачиларига содиқ бўлган Туркестон комитети Туркестонга автономия беришга қарши чиқди, уни ҳуқуқсиз, эрксиз мустамлака ҳолида сақлаб қолмоқчи бўлди. Турккомитет Урта Осиёда аграр масаланинг муҳимлигидан кўз юмиб, кўп сонли ерсиз деҳқонларнинг талаб ва эҳтиёжларига қулоқ солмади. У ишчиларнинг иш шароитини яхшилаш учун ҳеч қандай чора кўрмади, меҳнаткашлар талаб қилган 8 соатлик ишкуни ўрнатишга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Турккомитет 1916—1917 йилдаги қурғоқчилик ва Россиядан ғалла келтириш кескин камайиши натижасида Урта Осиёда вужудга келган озиқ-овқат танқислигини ҳам тузатолмади.

1917 йилнинг марта Туркестонда ишчи депутатлари Советлари ташкил этилди. Бу Советлар Вақтли ҳукуматнинг Турккомитетига қарама-қарши ўлароқ, меҳнаткашлар манфаатини ифода ва ҳимоя қила бошладилар.

Худди ана шу вақтда Фарғона водийси (Қўқон, Андижон, Ўш, Наманган)да ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари, кейинроқ мусулмон депутатлари Советлари (Қўқон, Андижон ва Марғилонда) пайдо бўла бошлайди.

Шу равишда, Фарғонада қўш ҳокимиятчилик вужудга келди.

Бу Советлар келишувчи партияларнинг таъсирида эди; аммо Андижон ва Қўқонда меньшевик ва эсерларнинг кўпчилик бўлишига қарамай, Советларга большевиклар (Г. М. Бильдин, Е. А. Бабушкин) раҳбарлик қилган эдилар. 23 марта «Санто» корхоналарида большевистик партия ташкилоти тузилди.

В. И. Лениннинг апрель тезислари Туркистонда революцион ҳаракатнинг ривожланишида катта роль ўйнади. Фарғона большевиклари халқни Вақтли ҳукуматга қарши ва революцияни охирига етказиш учун курашга чақирдилар. Улар меҳнаткашлар орасида В. И. Лениннинг апрель тезисларидаги банк, ер ва йирик корхоналарни национализация қилиш, ишлаб чиқариш устидан контролъ ўрнатиш, империалистик урушни тўхтатиш, ҳокимиятни Советлар қўлига олиш, Вақтли ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва шунинг кабилар тўғрисидаги асосий талабларни тушунириш юзасидан катта иш олиб бордилар.

1917 йил 29—30 марта Фарғона области ишчи ва солдат депутатларининг Андижонда бўлиб ўтган I съезди ҳарбий губернатор Иванов ва унинг ёрдамчиси Попенгутни вазифаларидан четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Фарғонадаги революцион воқеалар жараённанда Вақтли ҳукуматнинг халқа қарши сиёсати тобора фош бўлиб борди.

Империалистик уруш даврида чор ҳукумати «ички ишлар»га юборган ўзбек меҳнаткашлари Фарғонанинг сиёсий ҳаётида алоҳида роль ўйнадилар. Улар она юртларига рус ишчиларининг революцион кураш тажрибаларини ўрганиб, сиёсий ва ташкилотчилик ишларida тажриба орттириб қайтган эдилар. Улар ерли аҳоли орасида революцион агитация олиб бордилар, ўзбек революцион демократларига етакчилик қилдилар.

Большевикларнинг атрофига ерли меҳнаткашлар тобора кўпроқ бирлаша бошладилар. Фарғона водийсининг меҳнаткашлари демократик миллий ташкилотларга: мусулмон ишчи советлари, мусулмон меҳнаткашлар иттифоқига бирлаша бошладилар.

1917 йил ёзига келиб Фарғонанинг меҳнаткаш аҳолиси келишувчи партиялардан тобора кўпроқ юз ўгира

бошлади. Бу даврда Вақтли ҳукуматнинг сиёсатидан ҳафсаласи пир бўлган ишчи ва меҳнаткаш омма ўнга қарши очиқ кураша бошлади.

Меҳнаткаш аҳоли ва деҳқонлар орасида большевикларнинг таъсири бу вақтда кучайиб борди. Большевиклар халқ оммасига Вақтли ҳукумат малайларининг буржуа-мустамлакачилик сиёсати моҳиятини тинмай тушунтира бордилар.

1917 йил 27 июнда Андижонда Россияга фронт орқасидаги ишларга юборилган ва ватанларига қайтиб келган ишчиларнинг умумий йиғилиши бўлди.

5 июлда Марғilon эски шаҳар маҳаллий ишчилари нинг мажлиси ўтказилди. Бу мажлис касаба союзи устанинг проектини муҳокама қилди. Устав эълон қилингандан сўнг касаба союзларининг мақсад ва вазифалари тушунтириб берилди. Бу союзларга Россияда фронт орқасида ишлаган ишчилар бирлашган эдилар.

Большевикларнинг кенг кўламда олиб борган оммавий-сиёсий ишлари туфайли Фарғона меҳнаткашлар оммаси социалистик революция томонга тобора кўпроқ ўта бошладилар, рус ишчилари ва камбағал деҳқонлари билан, ягона иттифоққа бирлаша бошладилар. Улар рус ишчилар синфи ўзларининг содиқ иттифоқчиси, раҳбари ва устози эканлигини тушундилар.

Ҳамма жойда Советлар большевиклар қўлига ўтиб, улар кўп масалалар юзасидан большевистик резолюциялар қабул қила бошладилар. Шу даврда большевиклар «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиорни қонуний равишда яна қайтадан ўртага ташладилар. Бу шиор буржуя Вақтли ҳукуматини йиқитиб, мамлакатда бутун ҳокимиятни Коммунистик партия раҳбарлигидаги Советларга беришга чақирар эди.

Фарғонада сиёсий аҳвол кундан-кунга кескинлашмоқда эди. 1917 йил 25 сентябрда Фарғона большевикларининг раҳбарлигида темир йўлчилар иш ташлади. Фарғона гарнизони солдатлари орасида ҳам большевикларнинг мавқеи мустаҳкамлана борди. Скобель пиёда дружинасида реакцион офицерлар составини яккалаб қўйиш учун большевиклар актив агитация олиб бордилар. 1917 йил 7 (20) ноябрда Скобель пиёда дружинаси солдат ва офицерларининг 200 киши иштирок этган умумий мажлиси барча ерларни деҳқонларнинг ер ко-

рибир у аста-секин бўлса ҳам, тўхтамай кенг тус олиб ва ривожланиб бормоқда».

Съездда резолюция қабул қилиниб, унда қуйидаги пунктлар бор эди:

Жойларда ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлида бўлиши керак, унда пролетар мусулмон ташкилотларидан (агар улар бўлса) пропорционал равишда вакиллар қатнашади.

Озодлик ғалабаларини мустаҳкамлаш учун тезлик билан маҳаллий пролетариатдан Қизил Гвардия тузилсин.

Миллатларнинг ўз ҳуқуқини ўзлари белгилаши учун тезда аннекция ва контрибуция тўламай тинчлик аҳдномаси тузиш талаб қилинсин.

Ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатилсин; озиқ овқатни тақсимлашни ва ҳарбий устама фойда соликларини солишини пропорционал равишда олиб борилсин<sup>1</sup>.

Фарғона водийсининг бошқа (Андижон, Жалолобод ва Ўш) шаҳарларида Вақтли ҳукуматнинг маҳаллий орғанлари қўзғолон кўтарган меҳнаткашларга қарши кураш учун етарли ҳарбий кучга эга бўлмагани туфайли Советлар ҳокимиятни контролреволюцион кучларга қарши олиб борилган майда жанглар жараёнида, баъзан эса тинчлик йўли билан қўлга киритган эди.

28 декабрда большевик Е. А. Бабушкин раҳбарлигидаги революцион ишчиларнинг қаттиқ жангидан сўнг Қўқонда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Ўша куни Е. А. Бабушкин Совет раиси қилиб сайланди. 7 январда Наманган ишчи ва солдат депутатлари Совети ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Қуролли қўзғолон ғалаба қозонгандан сўнг Скobelев шаҳри ва Фарғона обlastидаги корхона ва фабрикаларда ишчилар ва мастеровийлар митинг ва умумий мажlisлар ўтказиб, унда Советлар ҳокимиятига ишонч билдира бошладилар.

Масалан, 10 декабря Горчаково станциясидаги Хўжаев заводи ишчиларининг умумий мажлисида ўзбек ишчилари қуйидаги резолюцияни қабул қилдилар.

«Биз, Хўжаев заводининг мусулмон ишчилари қўли-мизда бўлган барча воситалар билан солдат ва ишчи

<sup>1</sup> «Наша газета», 152-сон, 1917 йил, 11 декабрь, Тошкент шаҳри.

депутатлари Совети ҳукуматиниң қўллаб-қувватлаймиз ва унга ўзимизнинг қадоқ қўлларимизни биродарларча чўзамиш», деб бир оғиздан қарорга келдик. Биз қўлимизни рус пролетариатига чўзамиш, чунки биз авом мусулмонлар, уларнинг ишчи ва меҳнаткаш синфининг чина кам ҳимоячиси эканликларини кўриб турибмиз, улар бизни амалдорларнинг ва қулоқ-бойларнинг чангалидан халос қилдилар. Биз рус пролетариати билан қўл ушлашиб олга борамиз ва буржуазиянинг бизни ажратиб ташлаш учун қилаётган уринишларига қатъий норозилик билдирамиз.

Бизга ким дўст-у, ким душман эканлигини яхши ажратиб олдик ва энди эски тузум тарафдорларининг қармогига тушмаймиз»<sup>1</sup>

Баъзи хуолосалар. Туркистон ўлкасини, шу жумладан Фарғона обlastини Россияга қўшиб олиниши Россия капитализмининг бу ерга кириши учун йўл очиб берди.

Фарғона обlastida то Октябрь социалистик революциясигача капиталистик муносабатлар феодал муносабатлар билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Бунда феодал муносабатлар, айниқса эксплуатациянинг энг ваҳшиёна формалари авж олган қишлоқларда капиталистик муносабатлардан устун турар эди. Бу, Фарғона обlastи социал-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусияти эди. Революциягача Фарғона водийсида рус буржуазияси билан бирга маҳаллий бой ва мусулмон руҳонийлари шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам яккаю-ягона хўжайинлар эдилар. Фарғона саноат жиҳатидан яхши ривожланмагани натижасида пролетариатнинг сони кам эди. Унинг синфий сиёсий ташкилотлари февраль буржуа-демократик революциясидан кейингина вужудга кела бошлади.

Деҳқонларнинг сиёсий активлигига уларнинг иқтисодий ва маданий қолоқликлари, шунингдек реакцион мусулмон руҳонийларининг қишлоқдаги кучли мавқеи таъсир қилмай қолмади. Шундай бўлса-да, деҳқонларнинг камбағал меҳнаткаш табақаларидан оммага раҳбарлик қиласидан кишилар етишиб чиқа бошлади. Бу раҳбарлар 1916 йилги ҳалқ қўзғолонида биринчи жанговар сабоқ олган эдилар.

<sup>1</sup> «Наша газета», 151-сон, 1917 йил, 15 декабрь, Тошкент.

Юқорида келтирилган ҳолатлар Фарғонада Совет ҳокимиятининг ўринатилишини бирмунча кейинга сурди.

Фарғона областида социалистик революция рус ишчи синфининг қатъий қўллаб-қувватлаши туфайли революция жараёнида чиниққан ва мустаҳкамланган большевистик ташқилотларининг раҳбарлигига амалга оширилди. Фарғона водийсида пролетар революциянинг муҳим ўроқлари ишчи марказлари бўлиб, у ердан революция қишлоқларга тарқалган эди.

Ишчи, солдат ва меҳнаткаш деҳқонлар омаси Октябрь галабаларини кўкрак бериб ҳимоя қилдилар. Биринчи Қизил Гвардия отрядлари тузилди. Улар кейинчалик мамлакатимизнинг ашаддий душманлари, жумладан контреволюцион босмачиларга қарши курашда Совет ҳокимиятининг асосий кучи бўлди.

## «ҚУҚОН БУРЖУА МУХТОРИЯТИ» — МИЛЛАТЧИ КОНТРЕВОЛЮЦИЯНИНГ МАРҚАЗИ

Россияда буржуа-демократик революция давомида вужудга келган қўш ҳокимиятчилик икки антагонистик куч, яъни пролетариат ва буржуазия орасидаги кескин курашнинг ифодаси бўлган эди. Бу курашда пролетариат ғалаба қозониб, 1917 йилнинг октябрида ҳокимиятни ўз қўлига олди. Аммо буржуазия ҳокимиятни пролетариат қўлига жангсиз, тинч йўл билан бермоқчи эмасди.

В. И. Ленин «Пролетариат диктатураси янги синфининг қувватлироқ душманга, буржуазияга қарши энг фидокорона ва энг шафқатсиз урушидан иборат, бу буржуазиянинг кучи унинг (гарчи бир мамлакатда бўлсада) йиқитилиши натижасида ўн топқур»<sup>1</sup> ошиб кетади, деб кўрсатган эди.

Халқаро империализм кучлари биринчи ишчи-деҳқон ҳукуматининг вужудга келиши билан ўз ҳукмронлигига зил кетганини сезиб, ички контреволюцияга ёрдамга ошиқди. Улар пролетар революциясини бўғиб ташлаш учун дарҳол ёш Совет республикасига қарши фитна-ифво уюштира бошладилар. Халқаро империализм пролетар революциясининг кенг ёйилиб кетишидан ғоят қўркарди. Улар Россияни асоратга солиш ва чет эл импери-

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 31-том. 8-бет. Ўздавнашр.

алистлари мустамлакасига айлантириш планини ишлаб чиқардилар.

Совет ҳокимиятини ағдариш учун қилинган ғазабли уринишларни ва кейинчалик революцион Туркистанни қамал қилиб олинишини бир-биридан ажратиб, алоҳида алоҳида қараб бўлмайди.

Туркистондаги чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши халқаро реакция уюштирган катта фитна-иғволарнинг бир бўлагигина эди. Бунинг устига исёнчилар марказининг айримлари бир-бирлари билан яқин алоқа боғлаб ҳаракат қилганиклари ўша вақтдаёқ маълум бўлганди. Буржуа «Қўқон мухторияти»ни тузиш Туркистондаги ички контрреволюциянинг Совет ҳокимиятига қарши дастлабки актив чиқиши бўлди.

Тошкентда Совет ҳокимияти эълон қилингандан сўнг бир неча кун ўтмасданоқ, 1917 йилнинг 9 ноябрида Қўқон шаҳрининг халқаро империалистлар томонидан қўллаб-қувватланган маҳаллий буржуазияси Тошкентда ҳокимиятни Советлар қўлига ўтишига норозилик билдирган резолюция қабул қилди.

Бу воқеадан кейин бир неча кун ўтгач, 1917 йилнинг 27 ноябрида Туркистаннинг реакцион ҳукмрон доиралари тўртинчи «ўлка мусулмонларининг фавқулодда съездиди»ни чақириди ва унда Қўқонни «Қўқон мухторияти» деб эълон қилди. Тошкентда эндиғина тузиленган Туркистан Халқ Комиссарлари Советига қарама-қарши ўлароқ, Қўқонда контрреволюцион ҳукумат—«Вақтли Халқ Совети» тузилиб, унга энг йирик савдогарлар, бойлар, миллий буржуазиянинг вакиллари, ҳамда руҳонийларнинг бошлиқлари Обиджон Маҳмудов, Норбўтабеков, Шер Али Лапин, Чанишев, Носирхон Тўра, Абдуқодирбек Кушбегиев, Маҳмудхўжа Беҳбуди ва Англия, Германия саноат ва молия корчалонлари билан яқин алоқада бўлган йирик пахтафурушлар: Вадъяев, Потеляхов, Юсуф Давидовлар кирган эди. Бу ҳукуматга аввал «Шўрои исломия» номли миллатчилик ташкилотининг бошлиғи Танишбоев бошлиқ қилганди, тез орада унинг ўрнини ашаддий пантуркист Мустафо Чўқаев эгаллади.

«Қўқон мухторияти»нинг тузилиши Ўзбекистон меҳнаткашларини қаттиқ ғазаблантириди.

1918 йил 18 январда Тошкентда Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд областларида ўзбек пролетар ташкилотларининг II съезди чақирилди. Съезд антисовет «Қўқон

Мухторияти»нинг тузилишига қарши норозилик билдириди. Делегатлар мусулмон Советларини ишчи ва деҳқон депутатлари Советлари билан батамом бирлашишлари тӯғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун Туркистон ўлкасининг маҳаллий пролетар ташкилотлари вакилларининг съездини чақиришни зарур деб топдилар.

Миллий реакциянинг Кўқондан Совет ҳокимиятига ошкора қарши чиқиши бежиз эмас эди. Бунинг сабаби, бир томондан, Кўқон миллий реакция кўз ўнгидан бир вақтлар мустақил хонликнинг пойтахти бўлиб гавдаланаради ва улар уни бирмунча янгилаб қайта тикламоқчи эдилар. Иккинчи томондан, XX асрнинг бошларида Кўқон империалистик давлатларнинг монополиялари билан яқиндан боғланган миллий компрадор буржуазия қалъасига айланганди. Кўқонда пахта сотиб олувчи энг йирик фирмалар ва йирик банк бўлимлари бор эди. Буржуазия ва мусулмон руҳонийлари шаҳарнинг турли социал группалари ва ярим пролетар аҳолиси орасида ҳали ўз таъсирини йўқотмаган эдилар. Бундан ташқари, буржуазия Кўқонда кучли революцион гарнizon йўқлигини ҳам кўзда тутганди.

Тез орада Кўқон Туркистондаги барча антисовет кучларни — пантуркист ва панисломистлар, монархиячи офицерлар, туркман қабила бошлиқлари, «Алаш-Орда» номли қозоқ миллатчилари ташкилоти вакилларининг марказига айланди. Уларнинг ҳаммасини биринчи ишчи-деҳқон давлатига нисбатан ваҳшийларча душманлик бирлаштирганди. Автономия тӯғрисидаги демагогик шиор Туркистон халқларини чет эл асоратига тушириб бўлса ҳам бу ерда феодал-буржуа тузумини тиклаш учун бир ниқоб эди, холос.

Совет ҳокимиятига душман кучлар панисломизмнинг яшил байроғи атрофига тўпланишди. Панисломизм лидерлари дин ва тил умумийлигидан фойдаланиб: «Ислом динининг тантанаси учун», «Йўқолсин кофирлар!», «Улуг Туркистон сultonлигини тузиш» учун каби ва бошқа шиорлар билан чиқдилар. Панисломизм ва пантуркизм идеологияси Турк буржуазияси ва мусулмон феодал доирагарининг реакцион дунё қарашига асосланарди. «Жиҳоди муқаддас» жарчилари турли диндаги меҳнаткашларни бир-бирига қарши қўйишга уринар, бошқа диндаги халқларга, биринчи навбатда русларга нисбатан сунъий равишда адovат туғдирар эдилар. Реакцион идеологлар

турли йўллар билан халқда хурофот ва таассубни кучайтиришга, Фаргона меҳнаткаш аҳолисининг ўсиб бораётган революцион активлиги ва ҳамкорлигини бўғишга уринардилар. Улар «Туркистон турклар учун!» деган реакцион шиорни майдонга ташлаб, Ўрта Осиёни Россиядан ажратиб олмоқчи ва уни чет эл империалистлари асоратига туширмоқчи бўлган эдилар.

1917 йилда вужудга келган «Шўрои исломия» ва «Уламо» номли контрреволюцион ташкилотлар панисломизмнинг таянчи бўлган эди. «Шўрои исломия» ўзбек буржуазиясининг манфаатларини ифода қиласа, «Уламо» эса мусулмон реакцион руҳснийларни, яrim феодал-помешчикларни ва йирик буржуазияни бирлаштирган эди. «Шўрои исломия» ва «Уламо» Вақтли ҳукуматга бир неча бор ўз садоқатини билдирган эди.

Чет эл империалистлари панисломизм идеологияси ни қатъий қўллаб-қувватлади. Англия империализми бир жарчисининг мўғул қабиласидан чиққан «барча турклар, туркманлар, татарлар, жуда бўлмагандаги рус давлати ҳаробаларида ягона конфедерация тузишлари керак эди»<sup>1</sup> деган сўзлари унинг ҳомийларининг кўнглидаги орзуни ифода этганди.

Пантуркизм ва панисломизм лидерлари меҳнаткашларнинг улуғ рус халқига бўлган ишончини барбод қилмоқчи ва уларнинг онгини буржуа миллатчилик оғуси билан заҳарламоқчи бўлдилар.

Четдан берилган ёрдамдан фойдаланиб, муҳториятчилар Туркистонга автономия беришни талаб қилиб, уни Совет Россиясидан ажратиб олмоқчи ва инглизлар паноҳида қўғирчоқ «мусулмон давлати» тузмоқчи бўлдилар.

«Қўқон муҳторияти»нинг лидерлари шу мақсадда атаман Дутов билан тил бириктиromoқчи ва ундан ҳарбий ёрдам олмоқчи бўлдилар. Қавказ фронти ва Эрондан қайтаётган казак ҳарбий қисмлари Дутовнинг буйруғи билан автономияга ёрдам бериш учун жўнатилди. Оқ казак офицерларининг бошлиқларидан бири полковник Зайцевнинг айтишича, у билан «Муҳторият вақтли ҳукумати»нинг министрлари М. Чўқаев ва Хўжаевлар орасида 1918 йилнинг бошларида Чоржўйда олиб бо-

<sup>1</sup> А. Х. Бобохўжаев, «Афғон-Бухоро муносабатлари ва 1918—1924 йилларда Британия империализмининг Ўрта Осиёдаги найранглари», Тошкент, 1948 й., 159-бет.

рилган музокарадан кейин «Совет ҳокимиятини бутун ўлкада бир йўла ағдариш тўғрисида муфассал план тузиб чиқилган эди».

Бу план қўйидагича бўлган; Зайцев қўмондонлиги-даги казак полклари шимолдан Дугов қўллаб-қувватлагани ҳолда, Закаспий темир йўли орқали Тошкентга киришлари керак эди. Ана шу вақтда Қўқон мухторияти ҳам жанг ҳаракатларини бошлайди. Зайцев казакларининг Самарқандни эгаллаши Ашхобод ва Тошкентда бир кунда қўзғолон кўтариш учун сигнал бўлиши керак эди.

Контрреволюцион стратеглар адашган эдилар. Ўзининг сон жиҳатидан устунлигига берилиб кетиб (Зайцевнинг 14 юз казаклари бор эди) улар, гражданлар уруши даврида кўпинча бўлганидек, қуролли пролетариатнинг маънавий-сиёсий устунлиги ва бирлигини писанд қилмаган эдилар. Зайцев казакларининг олдинги қисмлари Самарқандга етиб келиб, 1918 йилнинг 14 февраляда Ростовцево станцияси яқинида бўлган жангда Қизил Гвардиянинг, Тошкент, Самарқанд ва атрофдаги темир йўл станцияси қуролли ишчиларининг қаттиқ қаршилигига учради. Казаклар иккиланиб қолди. Мағлубият натижасида руҳи тушиб кетган казаклар большевистик агитация туфайли таслим бўлдилар ва қуролсизлантирилдилар. Худди ана шу кунларда «Қўқон мухторияти»нинг қуролли малайлари Қўқоннинг янги шаҳарига хоинона ҳужум қилдилар ва у ерда қуролсиз тинч аҳолини қирғин қилиб, қалъани қамал қилиб олдилар. Бу қалъани бир тўдагина қизил гвардиячилар ҳимоя қилиб турган эди.

Ўз вақтида «Туркестанская искра» ва «Новый Туркестан» газеталарида босилиб чиқилган ҳисботларда Қўқондаги воқеалар тўла акс эттирилган.

11 февралдан 12 февралга ўтар кечаси Қўқон қалъасига қуролли ҳужум қилинди.

Худди шу кечаси ишчи, солдат депутатлари Советининг раиси Е. А. Бабушкиннинг уйига қуролли ҳужум қилинди. Босқинчилар қизил гвардиячи часовойни ўлдирдилар ва Бабушкин уйининг эшигини синдириб кирмоқчи бўлдилар. Аммо Бабушкин ўзининг ёш боласини кровать тагига бекитиб, хотинига ҳам револьвер бериб, душманга қарши ўқ уза бошлади. Бу жанг уч соатча давом этди. Эрталаб соат 6 да босқинчилар Бабушкин квартирасидан қочиб, ғойиб бўлдилар.

Ана шу вақтда шаҳар телефон станциясига ҳам ҳужум қилинди. Ўша куни кечаси душманлар телеграф симларини узиб, Тошкент, Скобелев ва Наманганга борадиган темир йўлни бузиб ташлаган, темир йўл кўприклирига ўт қўйган ва бузиб юборган эдилар.

12 февраль куни эрталаб Бабушкин Скобелев ва Андижонга бу воқеаларни хабар қилиб, тездан мадад сурди. Қўқон гарнizonи эса запасдаги барча солдат ва қизил гвардиячиларни сафарбар қилинганда ҳам жуда озчиликни ташкил қиласи ва бирор жиддий чора кўролмас эди.

Қўрқинчли шов-шувларни эшишиб, қалъага темир йўл ишчилари етиб келди. Улар шу ернинг ўзидаёқ бир кун илгари Тошкентдан келтирилган қурол-яроғ билан қуроллантирилдилар.

13 февраль куни эрталаб Қўқонга Скобелевдан замбарак ва пулемётлар билан қуролланган қўшинлар етиб келди. Яқин шаҳардаги қизил гвардиячилар ҳам кела бошлишди. Бабушкин бошчилик қилган Ҳарбий революцион комитет рўй берган воқеа тўғрисида Тошкентга хабар қилиб, ҳарбий мадад сурди.

«Қўқон мухторияти» раҳбарларининг сусткашлигидан норози бўлган Қўқон реакцион уламо доиралари Қўқонда ўзгариш ясад, ўз гумаштаси Эргашни (у Қўқон хони булишни истаган эди) таҳтга ўтказмоқчи бўлганда сиёсий вазият фоят кескинлашиб кетди.

18 дан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан мадад келди. Келган қўшинларга ҳарбий комиссар Перфиљев бошчилик қилган эди. Эргашга таслим бўлиш таклиф қилинди. У Совет қўмондонлигининг талабини бажаришдан бош торти.

Кундузи соат 3 ларда қалъадан биринчи марта замбарак товуши эшитилди. Ўша куни замбарак 40 марта га яқин отилди.

Тош кўприк яқинида, Комитет кўчаларида, шаҳар касалхонаси, телефон станцияси атрофи ва Хўжанд кўчасида кўча жанглари қизиб кетди. Кундуз соат бешларда шаҳарда кучли отишмалар бўлди. Мухториятчиларнинг қуролли отрядларига рус офицерлари бошчилик қилаётганмиш деган «миш-миш» шаҳарда оғиздан-оғизга ўтиб юради<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Янги Туркистон», 1918 йил, 5 март.

Қўқон фожиасини ҳарбий комиссар — «сул» эсер Перфильев ҳисоботи тўлдиради. Бу ҳисобот воқеалар рўй берган вақтда ёзилгани учун ҳам аввалги ҳисобот каби мұхимдир.

«Самарқанд қўзғолони мағлубиятга учраганлиги маълум бўлганидан кейин, контреволюция Қўқонда қўзғолон кутарди ва қалъани қамал қилиб, уни таслим булишини талаб қилди. Қалъани бир тўдагина солдатлар ҳимоя қиласа ва ҳар бир минут сайн биздан мадад кутишарди. Шу пайтда биз рус аҳолисининг ўлдирилаётганлиги, кўприклар бузилаётганлиги ва аҳолининг ваҳимага тушиб қочаётганлиги ва бошқа воқеалар тўғрисида бир неча телеграмма олдик. Биз ёрдамга шошилдик. Биз Қўқонга келганда жуда қаттиқ отишма бўлаётган, аммо қалъа ҳали қўлдан кетмаган экан. Биз келган куннинг эртасига разведкачилар икки минг исёнчилар аломони келаётганини хабар қилишди. Биз Наманган темир йўлининг 50 чақирим жойи бузилганлиги тўғрисида ҳам хабар олдик. Исёнчилар Хўжанд кўчасидан ҳужум қила бошлаган ва бизни тўла ўраб олиш хавфи туғилган пайтда мен 12 замбаракдан ўқ очдира бошладим. Биринчи отишлардан кейиноқ исёнчилар эски шаҳарга қараб қочишиди».

Перфильевнинг ҳикоя қилишича, эски шаҳарда ҳам кўча жанглари қизиб кетган экан. Жанглар исёнчиларга тажрибали оқ офицерлар раҳбарлик қилаётганлигини тасдиқлаган.

«Биз асирга олган юнкерларнинг баъзилари Қўқонга қаёқдан келдингиз деган саволга: Петрограддан Қўқон муҳтор «ҳукумати»га ҳарбий инструктор қилиб юборилганмиз, деб жавоб бердилар.

Бу шайкага разил босқинчи, каллакесар (Эргаш демоқчи,— А. Қ) бошлилик қилган эди; у мусулмонларни террор қилган; бу босқинчи қочиб кетди».<sup>1</sup>

Қўқон авантюраси контреволюцион кучларнинг шармандаларча мағлубияти билан тугади. Атаман Дутовнинг оқ казак қисмларини бир вақтда бош кўтариши (у империалистларнинг фикрича Қизил Армиянинг орқасидан зарба бериши керак эди) ва Туркистонни Оренбург орқали Совет Россиясидан ажратиб ташлаш ҳақидаги

<sup>1</sup> «Туркестанская искра», 1918 йил, 28 февраль.



Ишчи-дәқон депутатлари Құқон  
Советининг раиси  
Е. А. БАБУШКИН.

вик Е. А. Бабушкин раҳбарлық қылған эди.

Скобелев, Андіжон ва кейинроқ Тошкентдан ёрдамга келған Қызыл Гвардия отрядлари бу курашни ғалаба билан тугатдилар. Құқон күчаларида уч кун давом этган жаңг устунлик Қызыл Гвардия томонида әканлигини күрсатди.

Әргаш Қызыл Гвардия сиқувидан қочиши мажбур бўлди, «Құқон мухторияти ҳукумати» ағдарилди.

«Құқон мухторияти ҳукумати» эксплуататорларнинг ҳукмрон доираларига таянган эди. Кенг меҳнаткашлар оммаси бу ҳукуматни қўллаб-қувватламади. Ана шунинг учун ҳам у узоқ яшай олмади. Бу ҳукумат ўзининг халқ-қа қарши әканлигини тезда кўрсатди ва яккаланиб қолиб, ҳалокатга учради. Ҳукумат аъзолари Бухоро амирлигига келиб бошпана топдилар. «Құқон мухторияти» ағдарилганидан кейин Бухоро Туркистондаги барча реакцион кучлар марказига айлана бошлади.

«Құқон мухторияти»нинг ҳалокати буржуа-миллатчи контреволюциянинг қуролли қаршилик кўрсатиши тутатилганлигини билдиришас эди. Кейинча бу кураш конт-

хом хаёллар барбод бўлди. 1918 йилнинг 21 январида Қызыл Армия қисмлари фронтни ёриб ўтиб, Дутов армиясини чўлга чекинишга мажбур қилди. Дутовнинг мағлубиятга учраши бир қисм ҳарбий кучларни Туркистонга юборишга имкон берди. 1 февраль куни Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Фарғона обlastини қамал ҳолатда деб эълон қилди.

Құқон қалъасининг иккى ҳафталик мудофааси Туркистонда гражданлар уруши эпизодининг саҳифаларидан биридир. Четдан ёрдам келгунча бу мудофаага талантли ва мард ташкилотчи большевик Е. А. Бабушкин раҳбарлик қылған эди.

революцион босмачи шайкаларининг ошкора ҳужумига айланди.

Қўқон воқеалари миллий масалани ленинча ҳал қилишининг энг муҳим омили — илгари ҳукмрон миллатнинг пролетариати билан илгари эзилган миллатларнинг дехқонлари ўргасида тўғри муносабатлар ўрнатиш эканлигини кўрсатди.

В. И. Ленин узоқ Туркистондаги Совет ҳокимиятининг биринчи қадамларини дикқат билан кузатиб бориб, Туркистон большевикларининг миллий масалада йўл қўйган хатоларини тузатиш чораларини кўрди. Шумақсадда 1918 йилнинг апрелида Туркистонга Совет ҳукуматининг фавқулодда комисари П. А. Кобозев юборилганди.

Миллатлар ишлари халқ Комиссари И. В. Сталининг П. А. Кобозев номига юборган телеграммасида ўша пайтнинг муҳим вазифаси қўйидагича таърифланган эди:

«Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифаси автономияни инкор этиш эмас, балки эътироф қилишидир. Фақат бу автономияни жойларда Советлар негизида тузиш зарур. Фақат шу йўл билангина ҳокимият оммага яқин ва халқ ҳокимияти бўла олади»<sup>1</sup>.

Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди (1918 йил, апрель) халқ оммасининг талабларига жавоб берадиган Туркистон автономиясини эълон қилиб, Лениннинг тарихий кўрсатмасини бажарди. Съезд ўз қарорларида миллий совет давлатини қуришдаги асосий даврларни белгилади ва Туркистонда Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлади. Туркистонда Совет автономиясининг эълон қилиниши Туркистон ўлкаси халқларининг совет миллий давлати қуришида муҳим давр бўлганди.

Бу съезд ва Туркистон большевистик ташкилотларининг ундан кейинги I ўлка съезди (1918 йил, июнь) республикада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда жуда муҳим роль ўйнади. Улар Туркистон большевикларининг миллий масалада йўл қўйган сектантлик ҳатоларини тугата бошлаганликларидан яққол далолат берарди.

Масалан, большевистик ташкилотларнинг I съездидагерли аҳоли билан яқинлашиш ва уни совет қурилишига

<sup>1</sup> Ленин ва Сталин. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳақида. Тошкент, 1940 йил, 51-бет.

жалб қилишга қаратилган бир неча принципial мұхим қарорлар қабул қилинган әди. Миллий масалалар юзасидан область ва уезд комиссариатлари тузишиңа қарор қилинди. Барча расмий ҳужжатларни маҳаллий тилларда нашр этиш таклиф қилинди. Маҳаллий ахолидан партия ходимлари тайёрлаш учун курс очишиңа қарор қилинди Сүнгра Қызыл Армиянинг миллий қисмларини тузиш зарур деб топилди. Бу жуда мұхим әди.

Якун ясайды. Туркистанда Совет ҳокимияти ўрнатилишини душманлар жон-жаҳдлари билан қарши олдилар. 1918 йил бошидаёқ оқ казак генерали Дутов Құқонда ташкил топған контрреволюцион «ҳукумат» билан ўлқада Совет ҳокимиятини ағдариш учун бирга ҳаракат қилиш түғрисида тил бириктirdи. Бу курашда рус буржуазиясига маҳаллий буржуазия, бойлар ва руҳанийлар содиқ иттифоқчи бўлдилар. Бироқ «Құқон мухторияти» тезда ўзининг халқа қарши эканлигини кўрсатиб қўйди. Мухториятчиларнинг мунтазам армия тузиш йўлидаги барча ҳаракатлари барбод бўлди. «Құқон мухторияти» чиқарган 30 миллион сўмли зәёмни халқ орасида тарқатиб бўлмади. Икки ой ҳам яшай олмай, мухторият ишчи ва камбағал деҳқонларнинг сиқуви остида қулади. Туркистанда Совет автономияси эълон қилиниши Россия пролетариатини маҳаллий меҳнаткаш ахоли билан яқинлашишига кўмаклашди ва эксплуататор синфларнинг ниятларига қақшатқич зарба берди. «Құқон мухторияти»дан кейин босмачиларнинг бошлиги Эргаш халқнинг ғазабидан қочиб, ҳар қаерда бекиниб юрди.

## БОСМАЧИЛИК АНГЛИЯ-АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИНГ ҚАБИХ ПЛАНЛАРИДА

1918 йилнинг ёзида Совет Россиясига қарши чет эл ҳарбий интервенцияси бошланди. Украина, Белоруссия ва Болтиқ бўйи ўша вақтда Германия империалистларининг чангалига тушиб қолганди. Шимолда, Архангельск ва Мурманск шаҳарларига Англия ва Америка қўшинлари туширилган әди. Узоқ Шарқда америкаликлар ва японлар Приморьени босиб олган әди. Одессага француз экспедицион корпуси бостириб кирди. Ички контрреволюция ҳам бош кўтарди. Қав-

казда оқ гвардия армияси уюшиб, куч түплай бошлади. Сибирда Колчак бош күтарди.

Халқаро империалистларнинг планида Туркистонни босиб олиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш алоҳида ўрин тутарди.

Революция арафасидаёқ чет эл империалистлари ҳосилдор Фарғона обlastининг экономикасига суқилиб киришга интилган эдилар. Қўқон, Марғилон, Андіжон ва Наманган шаҳарларида Рус-Осиё банкасининг бўлимлари очилиб, улар орқали чет эл капитали Фарғона экономикасини ўзига бўйсундира бошлаган эди. Farb империалистлари аста-секин Фарғона саноатига ҳам қўл чўза бошлашди. Улар Қўқон, Наманган корхоналарига ва Токмак темир йўлига ўз маблағларини сарфлай бошлаган эдилар.

Урта Осиёning бойликларига фақат Англиягина эмас, балки Америка империалистлари ҳам олчоқлик билан кўз тика бошлаган эдилар. АҚШ монополияларининг босқинчилик планлари бўлганлигини президент Вильсоннинг 14 моддасига берилган маҳфий изоҳ равшан кўрсатиб беради. Америка империалистлари Ўрта Осиёни ўзларининг мандат асосида бошқарадиган териториялари деб, ўша вақтдаёқ фараз қила бошлаган эдилар. «Эҳтимолки,— дейилган эди изоҳда,— Туркистонни протекторат асосида бошқариш учун бирон давлатга чекланган мандат беришга тўғри келар»<sup>1</sup>.

Ўша вақтда Лондонда Америка ҳукумати билан Англия ҳукумати орасида музокара олиб борилган эди; бу музокарага эксперт — докладчи тариқасида «Стандарт ойл компани» вакиллари жалб қилинган эди. Бу ерда гап Ўрта Осиё бойликларини эксплуатация қилиш тўғрисида битим тузиш масаласи устида боргач эди. Агар Америкага Ўрта Осиё бойликларини эксплуатация қилиш учун тўла эркинлик берилса, у Англия ва Францияга берган қарзларининг бир қисмидан кечишга рози бўлди<sup>2</sup>.

Буюк Британия ҳукмрон доиралари ўзларининг азалдан ҳукмронлик қилиб келган районларида ташаббускорликни бирон кишига беришни хаётга ҳам келтирмас эдилар. 1918 йилнинг бошидаёқ инглизлар Туркистонга бос-

<sup>1</sup> М. Маринин. Ўтмишда ва ҳозирда Совет-Америка муносабатлари, «Новое время», 1957 й. 38-сон.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 2-опись, 148-дело, 10-бет.

тириб кириш учун жон-жаҳди билан тайёргарлик кўра бошладилар. Уларнинг ҳарбий фаолияти учун асосий майдон қилиб Кавказнинг бой нефтига яқинлиги билан англичанларни ўзига жалб қилган Закаспий ўлкаси ташланганди. Инглизлар Урта Осиёнинг дарвозаси бўлган Красноводски кўлга кирита олганларида, Совет Туркистони Боку ва Закаспий нефтларидан ажраб қолар ва душманга Закаспий йўлидан Шарққа қараб ҳаракат қилишга йўл очиларди.

Англия империалистлари актив ҳаракат қилган иккинчи район Фаргона бўлди. Туркистон воқеаларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган Кашибардаги инглиз консулини антисовет чиқишиларининг муҳим марказларидан бирига айланган эди. Бу консулликка Жертон бошчилик қиласади. Англия буржуа матбуоти Кўқонда советларга қарши «мухторият» тузилганингини зўр мамнуният билан қарши олгани маълум.

«Мухторият»нинг ҳалокати Британия империалистларининг иштаҳасини бўғмади. Улар янгидан-янги фитна-иғволар уюштиравердилар. Англия разведкаси Туркистонлари контреволюция марказлари билан бевосита алоқа боғлаш ва уларнинг ишини бир-бирига боғлаб бориш учун алоҳида миссия юборишни плаилаштириди.

1918 йил майида Чехословакия экспедицион корпусида антисовет исён кўтарилиди. Жаҳон реакциясининг пленига кўра, бу исён ички контреволюцияни активлаштирувчи сигнал бўлиши керак эди. Туркистон Совет органдари билан муносабат боғлашни баҳона қилиб, Америка резиденти Тредуэллнинг худди ана шу куни Тошкентга келиши ҳам бежиз эмас эди.

Тредуэллнинг кетидан 1918 йил июнида Тошкентга Англиянинг Кашибардаги собиқ консули Д. Маккертон бошчилик қилган ҳарбий-дипломатик миссияси ҳам келди. Миссия составида ашаддий разведкачи майор Ф. М. Бейли ҳам бор эди. Миссия Совет ҳокимиятига душман бўлган барча кучлар билан яқиндан алоқа боғлаб, уларни ўз контролига олиш ва Совет Туркистонини ичдан қўпоришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бу кучлар орасида подпольеда юрган ва Совет ҳокимиятига қарши ошкора чиқиш учун қулай пайт ва ташқаридан ёрдам кутиб ётган оқ офицерлар ҳам муҳим ўрини эгалларди. 1918 йилнинг январидаёқ оқ гвардиячи

генерал Л. Г. Корниловнинг укаси полковник Н. Г. Корнилов Туркистонда махфий оқ гвардия маркази тузди. Петербургнинг собиқ шаҳар бошлиғи генерал Жунковскийнинг келиши биланоқ Туркистонда махфий антисовет ҳарбий ташкилоти тузилди. Унга полковник Корнилов, генерал Кондратович, полковник Цветков ва бошқалар аъзо бўлиб кирди.

Туркистон ҳарбий ташкилоти билан Англия-Америка резидентлари тезда алоқа боғлашга шошилдилар. Бу ташкилот бутун Туркистонда исён кўтаришни планлашибадиган ҳарбий-стратегия маркази ролини ўйнаши керак эди.

Армиясиз генераллардан иборат бўлган Туркистон ҳарбий ташкилоти босмачилардан асосий зарбдор куч сифатида фойдаланишини кўзда тутар эди. Ташкилот бошлиқларидан бири бўлган полковник Зайцев бу ҳақда кейинчалик қўйидагича ҳикоя қилди:

«Бу ерда, Тошкентда етарли жанговар кучга эга бўлмаганлиги, мавжуд бир оз кучларни уюштириш, тайёрлаш ва керак пайтда йиғиб олиш имконияти бутунлай йўқлиги учун Туркистон ҳарбий ташкилоти Фарғона босмачи шайқаларидан жанговар куч сифатида фойдаланишга мажбур бўлган эди... Мусулмон чавандозларидан кўнгиллилар ёллаб Тошкент ва бошқа шаҳарлардан рус ёшларини келтириб қўзғолончи отрядлар тузиш мўлжалланганди. Бу отрядга кетадиган барча харажатларни, масалан, от ва эгар-жабдуқлар олиш, отрядни қуроляроғ ва бошқа аслаҳалар билан таъминлашга сарфланадиган маблагларни ташкилот тўламоқчийди. Отряд аъзоларининг сони ташкилотга инглизлар берадиган қурол-ярог сонига боғлиқ эди. Мўлжал — 25 минг киши эди. Бу масалалар юзасидан бош қўрбоши Эргашбой ва Эшматбойлар билан музокаралар олиб борилди. Катта бойлар ва руҳонийларнинг сўзи билан улар исёнда иштирок қилишга рози бўлишди. Музокарани полковник Н. Г. Корнилов олиб борди.

Тошкентдаги Буюк Британия ҳарбий миссияси босмачиларни қурол-яроғ ва бошқа нарсалар билан таъминлаш тўғрисидаги ўзининг аввалги битимини бажаришга тайёр эканлигини тасдиқлади. Қўйидагилар Фарғона қўзғолончилар отрядини (босмачилар шайкасини Зайцев шундай деб атайди А. К.) зарур нарсалар билан таъминлайдиган база ва қурол-аслаҳа келтирадиган пунктлар

қилиб белгиланди: а) Читрал — Гил Гитдан Муз тоғ довони орқали Қашқарга, бу ерда Эркештам орқали Үшга; б) Пешавордан Ҳайбар довони орқали, сўнгра Афғонистондан ўтиб Бухорога келиш кўзда тутилган, келтириладиган таъминот ва пул миқдори белгиланмаган эди. Англия вакилларининг айтишларича, ҳамма нарса талаб қилинган вақтда керагича, айниқса Машҳад ва Афғонистонга тўғри йўл қурилгандан сўнг етарли миқдорда бериларди.

Аммо Фарғонага келтирилиши зарур бўлган қурол-яроғ миқдори тўғрисида тахминий мўлжал бор эди; масалан: 5 минг милтиқ, 40 пулемёт ва 16 тоғ замбараги келтирилиши керак эди. Пул Қашқар банкасидан шу ердаги Англия консули орқали берилмоқчи эди<sup>1</sup>.

Уша вақтдаёқ фитначилар Англиянинг розилиги билан Туркистондаги барча антисовет кучларнинг бирлашиб ҳаракат қилишлари тўғрисида план тузиб чиқсан эдилар. Полковник Зайцев бу планни қуидагича тасвирлайди: биринчи бўлиб, Дутов армияси чиқади. У Актюбинскка қаттиқ ҳужум қиласди. Сўнгра Ашхобод фронтининг оқ гвардиячилари ва Еттисув оқ казаклари ҳужумга ўтади. Туркистон ҳарбий қўмондонлиги Актюбинск, Ашхобод ва Еттисув фронтларига мадад бериш учун ўз резервларидан фойдаланиб бўлган пайтда Тошкентда, Самарқандда қўзғолон кўтарилади ва Фарғона босмачилари ҳужумга ўтадилар, улар икки томондан ҳаракат қилиб: кичик бир қисми Қурама тоғининг Кандир довони орқали ўтиб, Ангрен дарёси бўйлаб Тошкентга юради; асосий кучлари эса Мирзаработ чўлларидан ўтиб, Қурама тоғини айланиб ўтади, ён томондан борадиган отряд Чинозга бориб Сирдарё кўпригини эгаллайди, асосий кучлар эса Тошкентга ҳужум қиласди. Ана шу вақтда Жунаидхон ўз туркманлари билан Аму дарёning ўнг қирғоғидан Дарғон отага қараб боради. У Чоржўйга келиб, Аму дарё кўпригини эгаллайди ва бу билан Закаспий фронтидаги совет қўшинларини Тошкентдан ажратиб ташлайди.

Шу билан бир вақтда Авлиё ота уездидаги исёнчилар Арисъ станциясига ҳужум қилиб, бу муҳим станцияни эгаллайди ва бу билан Актюбинск фронтидаги қизил қўйчинларни Тошкентдан ажратиб ташлайди.

<sup>1</sup> «Словецкие острова» журнали, 4-сон, 1926 йил, 35—72-бетлар.

Шундай қилиб, Туркистон Қизил Армиясининг Акюбинск ва Ашхободдаги икки группаси фронтлар орасида сиқилиб қолиб, фронт орқасида марказдан ажратиб ташланади. Шундан кейин Бухоро амири ўз қўшилари билан Ўрта Осиё темир йўлининг Сирдарё ва Амударё ўртасидаги бўлагини ишғол қиласди<sup>1</sup>.

1918 йил 3 июлида Дутовнинг Оренбургни иккинчи марта босиб олиши интервентлар ўз планларини амалга ошироқчи бўлганликларидан далолат беради.

Шу вақтда инглизларнинг Эрондан Закаспий ўлкасига бостириб кириш учун тайёргарлик кўраётганликларидан тўғрисида хабарлар келиб турди.

«Инглизлар ҳужумга тайёрланмоқдалар... Сўнгги кунларда Машҳадга зўр бериб қурол-яроғ келтиришмоқда. Яқин кунларда улар Текрондан Хурсонга жунайдилар. Маълум бўлишича, инглизлар биз билан эҳтимол булган тўқнашишга пухта тайёрланаётган эканлар<sup>2</sup>. Бу хабарлар кўп ўтмай тасдиқланди.

1918 йил 16 июлда Ашхободда контрреволюцион ўзгариш юз берди ва бунинг натижасида қўғирчоқ «Закаспий ҳукумати» тузилди. Бу «ҳукумат» инглизлардан Совет ҳокимиятига қарши курашда иштирок қилишни сўраб, илтимос қилди. 1918 йил 12 августда 2 минг кишига яқин инглиз қўшилари отряди Эрон чегарасидан ўтиб, Туркманистонга бостириб кирди. Генерал Маллисон қўмондонлигидаги бу отряд генерал Томаснинг шимолий Эрон армияси составига киради.

Отряднинг бир қисми Красноводскни, иккинчи қисми Марв-Кушка кўприги орасидаги йўлни эгаллади. Шундай қилиб Закаспий темир йўли инглизлар қўлига ўтди.

В. И. Ленин Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, Москва Совети, Москва фабрика-завод комитетлари ва касаба союзларининг қўшма мажлисида 1918 йил 29 июлда сўзлаган нутқида Британия империалистларини фош қилиб, улар Ҳиндистонда ўринашиб олиб, ёш Совет республикасини бўғиб ташлаш планларини амалга ошириш учун Афғонистон, Эрон, Туркия ва Ҳиндистонда таяич пунктлари вужудга келтиришга уринмоқдалар деб кўрсатган эди. Владимир Ильич шундай деган эди: «Кечак олинган хабарга қараганда, Ўрта Осиё шаҳарла-

<sup>1</sup> «Соловецкие острова» журнали 1926 йил, 4-сон, 55—72-бетлар.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 25859-фонд, 4-опись, 57-дело, 1,9-бетлар.

рининг бир қисмида контрреволюцион қўзголонлар бўлиб туриди, бу қўзголонларда Ҳиндистонда ўрнашиб олган.. инглизлар очиқдан-очиқ иштирок қилмоқдалар».

Сўнгра В. И. Ленин бундай деган эди: «Шу айрим-айрим воқеалар биз учун равшан бўлгандан кейин, республикамизнинг ҳозирги ҳарбий аҳволи ва умумстратегик аҳволи батамом аниқланди. Шимолда Мурман, шарқда чехословаклар фронти, шарқи-жанубда Туркистон, Боку ва Астрахань инглиз-француз империализми ясаган занжирнинг деярли ҳамма ҳалқалари бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб туриди»<sup>1</sup>.


**Якун.** Чет эл империализми ёш Совет республикасини бўғиб ташлаш ва муҳим стратегик район, табиий ресурсларга бой ҳамда йирик бозор бўлган Туркистонни босиб олиш йўлидаги ўзининг қабиҳ планларини амалга оширишда босмачилик катта умид боғлаган эди. Ўрта Шарқни ўзининг қадимдан ҳукмронлик қилиб келган райони деб ҳисоблаган ва босмачиларни очиқ-оидин қуроллантирган ҳамда қутуртирган инглиз империалистларидан ташқари, Америка резидентлари ҳам Туркистонда катта сиёсий активлик кўрсатдилар.

## ҚАМАЛДАГИ ТУРКИСТОНДА ФАРГОНА БОСМАЧИЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ (1918—1919 йиллар)

Босмачилик эъсплуататор синфлар орасидан келиб чиқди. Рус подшосининг Туркистондати ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсати маҳаллий ҳалқ орасида катта норозилик туғдирган ва умуман рус ҳалқига ишончсизлик ҳамда қаҳр-ғазаб ҳисларини уйғотган эди. Миллий буржуазия идеологлари Россия пролетариати билан Туркистоннинг деҳқонлар оммаси орасига бузғунчилик солиш, уларни чет эл ва ўз маҳаллий буржуазиясига қарши кураш учун бирлашишларига турли йўллар билан тўсқинлик қилишда бу ишончсизликдан усталик билан фойдаландилар.

Босмачиликка қарши курашнинг барча қийинчиликларини яхши тушуниб олиш учун бу контрреволюцион ҳаракатнинг авж олишига сабаб бўлган барча

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асалар, 28-том, 7—8-бетлар.



Фарғонада босмачилик. Жанговар операциялар схемаси.

шароитларни түғри тушуниб олиш керак. Бу сабаблар қўйидагилар эди:

а) империалистик уруш натижасида оғирлашиб кетган турмуш шаронтининг ёмоилиги маҳаллий аҳоли ўргасида иорозиликни кучайтириб юборди.

Ўрта Осиё Совет Россиясидан ажралиб қолганилиги сабабли Фарғона водийсига ғалла келтириш вақтинча тўхтаб қолди. Аҳоли оч эди. Пахта майдонлари қисқариб кетганилиги натижасида 1918 йилнинг баҳорида 10 минглаб дехқон хўжаликлари хароб бўлиш арафасида эди. Заводлар ёнилниши муносабати билан минглаб ишчилар ишсиз қолган эдилар. Ана шу қийинчиликларни рўкач қилиб, халқ душманлари ишчи ва дехқонларга Совет ҳокимиятининг сиёсатини иотўғри тушунтирас ва меҳнаткаш оммага ўз таъсирини ўtkазишга уринардилар;


б) революциянинг биринчи ойларида милиция бўлимлари ва Қизил Армия қисмлари заиф эди. Контрреволюционерлар бундан фойдаланиб аҳолининг бир оз қисмини қўрқитиб, босмачилар томонига ўтишга мажбур қилгандилар;

в) босмачиликни чет эл империалистлари моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар;

г) кўп уезд ва вслостларда Совет ҳокимиятига қарши ва ҳали тўла йўқ қилинмаган собиқ подшо маҳаллий маъмурият ашхарати бор эди. Улар бойларниң қўллаб-қувватлашида ҳамда камбагал аҳолининг қолоқлиги ва иқтисодий қарамлигидан фойдаланиб, ҳокимияти маҳкам ушлаб турарди.

д) босмачилар, маҳаллий буржуазия, чет эл империалистларининг агентлари ва бошқа контрреволюционерлар босмачиликка диний тус берган реакцион мусулмон руҳонийларниң ерли аҳолига бўлган таъсиридан фойдаландилар. Худди ўша «уламолар» «Жиҳоди муқаддас — газавот» деган шиорларни майдонга ташлаган эдилар. Худди ўша уламолар босмачиларни «дин учун чинакам курашчилар» деб тасвиrlаган эди;

е) Туркистоңда сақланиб келган жуда кўп ўрта аср-феодал сарқитлари, меҳнаткаш дехқонларининг сиёсий жиҳатдан уйғонишига, ўз синфий манфаатларини англашиб олишига тўсқинлик қилиб келган маданий қолоқлик пантуркист ва панисломистларининг аҳолига таъсир кўрсатини учун қулай замин бўлган эди. Мана шу вазиятдан фойдаланиб, контрреволюцион буржуазия «умуммил-



Совет Туркистани фронт ичида (1918 йил).

одатда Қизил Армиянинг ва мудофаа отрядларининг ўз кучлариға тенг келадиган отрядлари билан тұқнашишдан қочиб юрардилар.

Босмачилар аҳоли яшайдиган катта пунктларни узоқ вақт ушлаб туролмасдилар. Улар корхоналарни талаб, үт қўйиб, темир йўлларни бузиб, давлат складлари ва тинч аҳолини талаб экономикани издан чиқаарди, Совет ва партия ходимларини ва аҳоли орасидаги Совет ҳокимиюти тарафдорларини террор қиласдилар. Қизил Армияни катта кучлари яқинлаша бошласа, улар ё тарқалиб кетар ёки жанг қилиб, юриш қийин бўлган тоғли районларга чекинар эдилар. У ерларда ўзларининг ҳолдан тойған кучларини қайта тўплар, дам олар ва яна бир жойдан писиб ҳужум қилишга тайёрланар эдилар.

Босмачиларнинг устунлиги уларнинг жойларни яхши билганлигида, кенг тарқалган агентлари орқали Совет ҳарбий қисмларининг турган жойи ва кўраётан тайёргарликларидан хабардор бўлганлигида ва отрядларини тез ҳаракат қила олишида эди.

Қўрбошиларнинг маълум бир қароргоҳи йўқ эди. Уларнинг қароргоҳи тез-тез ўзгариб туради, босмачиларнинг ўзлари эса вазиятга қараб майдага группаларга бўлиниб, қишлоқларга тарқалиб кетишар ва керак бўлганда уларни қўрбошилар йигиб олар эди. Отряд сони ҳам унинг ҳаракати каби тез ўзгариб туради. Босмачи шайкалар зарур бўлиб қолгандагина бирга жанг қилиш учун бирлашмаса, асосан тарқоқ ҳолда ҳаракат қиласдилар. Масалан, қўрбошиларнинг 1918 йилнинг марта 1-даги Эргашнинг Бечкирдаги қароргоҳида бўлган йигилишида босмачиларнинг барча кучларини Эргаш қўмондонлиги остига тўплашга уриниб курилди. Эргаш «ислом армияси»нинг бош қўмондони деб танилган эди. Аммо бошлиқ бўлиш учун қўрбошилар ўртасида узлуксиз куаш боргани сабабли бу иттифоқ мустаҳкам бўлмади.

Босмачи шайкаларига аҳолини шафқатсиз террор қилиш ва демагогик ҳамда турли агитациялар йўли билан одам ёлланарди.

Буржуа миллатчилар Тошкентда 24 кишидан иборат махфий ижроия комитет туздилар; бу комитет барча диндорларни бирлаштириши керак эди. Махфий комитет аъзолари антисовет пропаганда олиб бориш учун шу ондаёқ турли областларга, шу жумладан Фаргонага ҳам жўнаб кетицди.

Улар халқа қарши иш тутиб, мусулмонларни «оллонинг хоҳишига» бўйсунишга мажбур қилар эдилар. Улар «худонинг буйруғи»ни тарқатиш йўли билан, Совет ҳокимиятига қарши халқнинг нафратини қўзғатмоқчи бўлдилар, «Жиҳоди муқаддас — фазавот»га даъват қилдилар.

Босмачи бошлиқлари халқа ваҳима солиш ва Совет ҳукумати яқин кунларда ағдарилади деб ишонтириш мақсадида: «Ленин қамоққа олинди, 12 иттифоқчи давлат эса большевизмга қарши отланди» деган мишишлар тарқата бошлишди.

Фарғона водийсида босмачиликнинг кучайиши иқтисодий ҳаётни издан чиқарди. Фарғона водийсидаги саноат корхоналарига Туркистон ўлкасининг бошқа жойларидаги корхоналарга нисбатан алоҳида вазиятда ишлашга тўғри келди. Фарғона водийсида корхоналар фақат қуролли охрана бор жойдагина, кўпроқ темир йўл районларидагина ишлади. Бошқа корхоналарни дам-бадам босмачилар талар эди.

Қўқондан олинган маълумотларда шундай дейиларди. «Сўнгги ҳафтада Қўқон шаҳридаги кўн заводларни босмачилар икки марта талаб, 300—400 миллион сўмлик чармни олиб кетишди»<sup>1</sup>.

Фарғона водийсининг меҳнаткаш аҳолиси 1918 йилнинг кузидаги жуда оғир аҳволда эди. Очиқ сиёсий, контрреволюцион тусга кирган босмачилик бутун Фарғона водийсига ёйилган эди. Бу вазиятда шаҳар ва қишлоқларда нормал ишлаш мумкин бўлмай қолди.

Турли консуллик ва ҳарбий-дипломатик миссиялар никоби остида Туркистоннинг ичкарисига кириб олганинг эл жосуллари ўз ишларини қизитиб юбордилар.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, қўйидагилар: Жером Дэвис, Жозеф Броннинг, Француз разведкасининг агенти Жозеф Костанье, лейтенант Кондевил, Бельгия «консули» Де-Стерок, Дания «делегати» Брун ва бошқалар ҳам ғарбий империалистларининг сиёсатини амалга оширишда бевосита иштирок этган эдилар. Улар Фарғонадаги босмачиликни ўзларига бўйсундириб, Урта Осиёдаги антисовет ҳаракатининг ҳаммасини ўзлари бошқариб турмоқчи эдилар. Улар босмачиларни қўллаб-

<sup>1</sup> УзССР Ички ишлар министрлигининг Фарғона область архиви, 327-фонд, 7-дело, 27 бет.

қувватлаш тұғрисида ҳар хил ваъдалар берар ва уларни пул билан таъминлардилар. Улар Туркистон ҳарбий ташкилоти орқали Фарғона босмачиларининг бошлиқлари билан битим туздилар. Бу битимга күра босмачи отрядлари чет эл агентларининг кўрсатмаси билан ҳарарат қилишлари керак эди. Бунинг эвазига чет эл агентлари босмачиларни пул, қурол, ўқ-дори ва озиқ-овқат билан таъминлаб турмоқчи эдилар. Босмачилар штабининг бошлиғи қилиб оқ гвардиячи полковник Зайцев тайинланганди. Кўрсатилган бу ёрдамлар эвазига Туркистон ҳарбий ташкилотининг раҳбарлари Туркистонни 55 йил муддатга Англияга қарам қилиб бермоқчи эдилар.

Совет қўмондонлигига: «босмачилар айрим зарбдор отрядларга уюшмоқдалар, айрим отрядлар чет эллик кишилардан... чамаси инглизлардан ташкил топаётир, улар Англия қурол-яроғлари билан таъминланмоқда»<sup>1</sup> деган хабарлар кела бошлади.

Босмачилар аҳолини қўрқитиш ва ўз шерикларини руҳлантиришга уриниб, «бизни Антанта қўллаб-қувватлаётир» дер эдилар.

«Биз четдан катта мадад олаётганимиздан хабарингиз борми»<sup>2</sup>, деб мақтанишарди босмачиларининг агитаторлари. Улар чет эл давлатлари босмачилар истаган нарсаларни керагича етказиб берадилар деб уқтирадилар. Босмачилар шайкасининг бошлиқларидан бири эса: «уларни, яъни Совет ҳокимиятини йўқ қилмоқ учун ҳамма давлатлар ўзаро келишиб,.. катта уруш очишиди»<sup>3</sup> деган эди.

Туркистонни душман қуршовидан қутқариш (гарчи бу кўп вақт ва куч талаб қилса-да) босмачиликни муқаррар топ-мор келтириш учун муҳим шарт эди.

Фарғона фронти конкрет хусусиятларга эга эди.

Туркистон республикасининг VIII фавқулодда съездига қилинган докладда (1919 йил сентябрь) бу фронт қуийдагича тасвирланганди: «Фарғона фронти бу — ички фронт. Бу ерда бошқа фронтлардаги сингари бизга

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Марказий давлат архиви, 122-фонд, 1-опись, 30-дело, 193-бет.

<sup>2</sup> ЎзССР Ички ишлар Комиссарининг Андижон область архиви, фонд с/90, 85-опись, 3-дело, 242-бет.

<sup>3</sup> ЎзССР Ички ишлар Комиссарининг Андижон область архиви, фонд 9 с/90, 95-опись, 3-дело, 206-бет.

қарши уюшган контрреволюцион күчлар йўқ. Бу ерда мухториятчи мусулмонлар ҳам (Эргашни шуларнинг вакили деса бўлади), Охунжон ва Холхўжа сингари ошкора босқинчилар ҳам, Мадаминбек каби ошкора контрреволюционерлар ҳам ва шунчаки алдаб ишга солинган Кўгар водийсининг нодон дехқон аҳолиси ҳам... бизнинг душманларимиз ҳисобланадилар. Бу турли элементлардан ташкил топган душманларимиз бизга қарши курашиш билан бир вақтда ўзаро ҳам курашмоқдалар... Бу ерда фронт линияси йўқ,— чор атрофимиз фронт»<sup>1</sup>.

Босмачиларга қарши курашда Қизил Армия қўшинлари, кўнгилли отрядлар, Совет милицияси, ўзбек жанговар партияли ва ёшлар дружиналари ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

Совет ҳокимияти мустаҳкамланганидан сўнг қуролли күчлар тузиш муҳим вазифа булиб қолганди. 1918 йил 15/28 январда Владимир Ильич Ленин Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясини тузиш тўғрисида Халқ Комиссарлари Советининг декретини имзолаган эди. Ўша йилнинг 14 февраляда эса Ҳарбий денгиз флотини тузиш тўғрисидағи декрет имзоланди.

1917 йилнинг декабридаёқ Туркистонда дастлабки Қизил Гвардия отрядлари вужудга келган эди. Бу қисмларнинг ядроси асосан коммунистлар бўларди.

1918 йилнинг январида Қўқонда шаҳар партия дружинаси ташкил топди.

Скобелев отрядининг вакили Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси ва Қизил Гвардиянинг Фарғона область биринчи съездидан Қизил Армия ва Қизил Гвардиянинг қисмлари обласатда «Маҳаллий Советнинг ташабbusи билан ҳақиқатда 1-мартда ташкил бўла бошлади... Ҳозирги вақтда бу қисмларда 350—400 га яқин киши бор»<sup>2</sup>— деган эди.

Босмачиларнинг ҳужуми кўпайиб кетгандан сўнг аҳоли яшайдиган йирик қишлоқларда гарнизонлар ташкил қилинди. Жалолобод гарнизонида Скобелевдан келганлар билан 100 киши бор эди<sup>3</sup>. Ўш гарнизонига пулемёт ва милтиққа эга бўлган 65 киши қўшилди. Наманганда Қизил Армия кўнгиллиларининг сони 140 кишига етди.

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 25859-фонд, 4-опись, 94-дело, 8-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 25859-фонд, 4-опись, 5-дело, 63-бет.

<sup>3</sup> СССР ЦГАКА, 149-фонд, 155-дело, 22-бет.



Андижон УКОМининг раиси  
Г. М. БИЛЬДИН.

Норинда 199 кишидан иборат кўнгиллилар дружинаси тузилди.

Қўқонда Қизил Армия аскарларининг сони 226 кишига етди. Андижонда 180 кишилик отряд тузилди. Бундан ташқари, Хўжанд гарнizonida 57 солдат бўлиб, ундан 20 таси отлиқ эди.

Скобелевда Қизил Армиянинг З-Туркистон полки бўлиб, унда 20 та командир, 929 та жангчи бор эди. Ундан ташқари, Скобелевда алоҳида Самарқанд қалъа ротаси ва отлиқ аскарлар турарди. Фарғона фронти қисмларининг сони 1918 йилнинг 1 сентябрида бир ярим минг кишидан ошмасди<sup>1</sup>.

Фарғона корхоналари босмачиларга қарши курашда таянч пунктларига айланганди. Сулюкта шахтёrlари, Чимён нефтчилари, темир йўлчилар халқ бойликларини жон-дили билан ҳимоя қилардилар. Ишчи отрядлари конларни, нефть корхоналарини, станциялар ва темир йўлларни қўриқлар эдилар.

Фарғона обlastининг меҳнаткаш аҳолиси босмачи шайкаларга қарши курашга актив отландилар. Ҳамма жойда милиция ва аҳоли орасидан мудофаа группалари тузилди. Босмачиларга қарши курашининг ҳар бир участкасида Фарғона меҳнаткашлари қаҳрамонлик ва саботлик кўрсатдилар. Бир неча районларда аҳоли ҳатто чўқмор ушлаб босмачиларга қарши курашдилар. Меҳнаткашлар октябрда эришган ўз озодликларини кўпинча қуролсиз, турли усувлар билан ҳимоя қилардилар. Деҳқонлар томга тош йиғиб олар ва босмачилар яқинлашганда уларни томдан туриб, тош бўрон қилардилар. Ўшда эски шаҳар ёшлиридан 600 кишидан иборат Совет милиционерлар

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 25859-фонд, 1-опись, 26-дело, 18-бет.

отряди тузилди. Бу отряд Фарғона атрофида босмачиларга қарши кураша бошлади. Андижонда мана шундай отрядга 2000 киши бирлашган эди.

Жойларда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун партия ташкилотлари Қизил Армияга ватанизнинг содик фарзандларини юборди. Улар қаҳрамонлик ва фидокорликнинг юксак намуналарини кўрсатдилар. Наманган мудофааси хотирада қоладиган эпизод бўлган эди. Наманган ҳимоячилари орасида совет активисти Бильдин<sup>1</sup> қаҳрамонона жанг қилган эди. Коммунистлар ва совет активистлари мустаҳкам ҳамжиҳатликда ва мардларча курашганликлари туфайли Наманган уездини қўлдан бермадилар ва босмачиларни шаҳардан ҳайдаб чиқардилар.

1918 йилнинг кузидаёқ босмачилар галасида баъзи ўзгаришлар рўй берди. Қўрбошилар орасида биринчи ўринга Мадаминбек чиқмоқда эди.

Мадамин ўзининг қароргоҳи қилиб Жалолобод уездиға кўчиб келган рус посёлкаларини танлаган эди. Бу посёлкаларни у 1918 йилнинг нояброда талаб, хароб қилди. Деҳқонлар қўлига тушган нарсалар билан қуролланниб, босмачилардан ўзларини ҳимоя қилдилар.

Қизил Армиянинг Жалолободга дарҳол юборилган икки отряди босмачиларни тум-тарақай қилиб юборди.

Бу эпизод ҳақида Туркистон Халқ Комиссарлари Советига юборилган хабарда қўйидагиларни ўқиймиз:

«Босмачилар шайкаси Жалолободга ва рус посёлкаларига ҳужум қилганлиги тўғрисида 22 ноябрда хабар

<sup>1</sup> Бильдин Георгий Михайлович Тошкент обlastining Никольск (ҳозирги Оржоникидзе) районида деҳқон оиласида 1886 йили туғилган. У 12 ёшида кўмир конига ишга кетади. Бильдин кон ишчилари орасида юриб, сиёсий адабиёт, варага ва прокламациялар тарқатишда қатнашиади.

Бильдин механик ихтисосини эгаллаб, 1916 ва 1917 йилларда пахта заводида ва Андижон электр станицасида ишлайди. У 1917 йилда Наманганга кетади, у ерда босмачилар қуршаб олган қалъада бўлиб, уни ҳимоя қилишда актив иштирок этади (1918 йил).

Кейинча Г. М. Бильдин Андижон УКОМининг раиси бўлиб ишлайди. У катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, пролетарларни контрреволюция ва босмачиликка қарши кураш учун Коммунистик партия атрофига уюштира олган эди. Бильдин 1919 йил Андижон мудофаасида ҳалок бўлди.

Қаҳрамоннинг хотирасини абадийлаштириш учун Андижоннинг марказий кўчаларидан бири Бильдин номига қўйилган.



Темир йўлчилар. Коммунистик отрядининг командири  
Д. С. КОНОВАЛОВ.

дан ташқари босқинчилар Жалолободдан 12 кишини олиб кетиб. Онибод қишлоғида бўғизлаб ўлдирганлар. Олинган маълумотларга қараганда, душман томонидан жангда 1400 га яқин киши иштирок этган».

1918 йилнинг охири ва 1919 йилнинг бошларида Совет Туркистони марказида тузилган оқ гвардиячиларнинг махфий марказларига бир қатор қақшатқич зарбалар берилди.

Туркистон ҳарбий ташкилотининг 1918 йилнинг октябрида мағлубиятга учраши ички контреволюциянинг мавқеини бўшаштириб юборди. Ташкилот бошлиқларининг бир қисми қамоққа олинди. Исёнчиларни Совет ҳукуматига қарши чиқишга қистаган Англия ҳарбий-дипломатик миссиясининг бузғунчилик роли ҳам ошкора бўлиб қолди. Британия расмий резидентларининг охиргиси майор Бейли ҳам батамом шарманда бўлгач, яширинишга мажбур бўлди.

келгандан кейиноқ Жалолободга Коновалов бошчилигида икки отряд юборилганлигини хабар қиласман. Қароқчилар мағлубиятга учраб: бир қисми Ўзганга ва иккинчи қисми Биринчи ва Иккинчи Сўзок қишлоқларига қочганлар.

Сўзоқда бизниклар жанг қилиб босмачиларнинг иккала шайкасини ҳам тор-мор келтирди. Уларнинг бир қисми Ойт қишлоқ орқали Бозор қўргонга, бошқа бир қисми Арслонбобога қараб қочди.

Душман томонидан жангда 80 га яқин киши ўлган, биздан қизил аскарлар ва турли посёлка гражданлари бўлиб 20 киши ўлди. Бун

Аммо оқ гвардиячи ҳарбий ташкилот заифлаштирилган бўлса-да, лекин ҳали тўла заарсизлантирилмаган эди. У мана шу мағлубияти учун қасос олишга ҳаракат қилди. Туркеспублика ҳарбий комиссари хоин Осипов билан тил бириклиши натижасида 1919 йилнинг 19 январида Тошкентда исён кўтарилиди. Осипов маккорлик билан Туркистон республикасининг бир неча кўзга кўринган арбобларини қўлга туширди ва кейин уларни отиб ўлдирди.

Тошкент пролетарлари Октябрь ғалабаларини фидокорона ҳимоя қилдилар. Исёнчилар бу сафар ҳам тормор келтирилди. Контрреволюцион қўзғолон бостирилди, исёнчилар бошлиғи Осипов қочиб кетди.

Худди шу вақтда, 1919 йил 22 январда Совет қўшинлари Дутов қўшинларига қақшатқич зарба бериб, уларни Оренбургдан қувиб чиқардилар.

Бу ғалаба (Россия билан бирлашиш бу сафар 1919 йилнинг апрелигача чўзилган эди) Совет Туркистонининг кучларини анча мустаҳкамлади.

1919 йилнинг бошларида Фарғона фронтида босмачиларга қарши бир неча жанглар қилинди.

18 январда Эргаш Бечкир қишлоғи яқинидаги қароргоҳидан қувиб чиқарилди, аммо у омон қолган чавандозлари билан Кўқон уездининг шимолий шарқ томонига қочиб, бекинди. Эргашнинг оғир аҳволга тушиб қолганини кўрган Мадаминбек 1919 йилнинг бошида босмачи қўрбошилари орасида биринчи ўринни эгаллаш учун қаттиқ уринди. 1919 йили 21 январдан 27 январгача Холхўжа ва Кўр Шермат шайкаларини тугатиш учун бир қатор жанглар қилинди. Улар Ўш шаҳрининг гарбида Мингтепа ва Аровон қишлоқ атрофларида изғиб юришарди. Босмачилар мағлубиятга учраб, Гулчадаги тоғли районларга чекинишиди.

Босмачилар бошлиқлари ўз сафларини тўлдириш учун жон-жаҳди билан уринарди. Уларнинг жосуслари Фарғона қишлоқларида изғиб, Советларга қарши хитобнома тарқатишарди. Аҳоли орасида диннинг таъсири кучлилигидан фойдаланиб, қўрбоши Муҳиддинбек ёки мурожаатномаларда ўзини кўкка кўтариб мақтанганидек «жанговар Шер Маҳаммадбек Фозий» худодан зафар сўраб, дуолар ўқирди. Унинг номидаги муҳирда: «Иншоолло тез кунда ғалабага эришамиз» — деб ёзилганди.

Махфий ҳарбий мактаблар босмачи юзбошиларини тайёрлар эди. Андижон уездиде ана шундай мактаб бор эди. Бу мактабга ёш курбоши ва уста чавандозлар қабул қилингандар эди. Ўқувчиларнинг бир қисмини Турк офицерлари ўқитар эди<sup>1</sup>.

Мадаминбекнинг 1919 йил 8 мартағи мурожаатномасидан маълум бўлишича, у оддий босмачи йигитга овқати, кийинидан ташқари ойига 1000 сўм, офицерга (яъни қўрбошига — А. К.) — 2000 сўм пул тўлаган<sup>2</sup>.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш кўп пул талаб қиласди. Босмачилар бу пулни қаердан оларди? Улар чор ҳукуматининг Қашқардаги собиқ консули Успенский орқали четдан — инглизлардан олган пулга қаноат қилмай, аҳолини шафқатсиз талар эдилар.

Босмачи бошлиқлар маҳаллий аҳолини босмачи отрядларини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаб туришга мажбур қиласдилар. Босмачи бошлиқларини гумаштаси бўлган элликбошилар халққа солиқ солиб ва ундан босмачиларга пул тўплаб берар эдилар. Маълумки, бу солиқлар меҳнаткашлар буйнига оғир юк бўлиб тушарди. Босмачиларнинг яқин кишилари солиқ тўламас эдилар. Башарти камбағаллардан биронтаси тўлашга пули бўлмай, қаршилик кўрсатмоқчи бўлса, уни отиб ташлаб, мол-мулкини тортиб олардилар.

Босмачилар бошлиғи Қозоқбой Тўхтасин элликбошига берган буйруғида шундай деб ёзган: «Исройлбек гози буйруқларига биноан, сизга ўз нуфусларингиздан дарҳол 300 минг сўм пул йигиб, мусулмон аскарлари фойдасига топширишингизни таклиф қиласман. Кечиктирсангиз... қаттиқ жазога маҳкум этиласиз»<sup>3</sup>.

Ёки яна шунинг сингари бир буйруқ: «Уйлук қисмидаги Мухтор Охун ва давлатманд бойларга шу мактубни олиш билан баҳодир ислом лашкарларига марказий бон ҳисобида бир миллион сўм ёрдам пули бериш таклиф қилинади».

Пул солиқлари солиш билан қаноатланмай босмачи бошлиқлари аҳолига натура солиғи ҳам солар эдилар. Масалан, Кўрғонтепа волостининг 63 элликбошисига

<sup>1</sup> «Правда Востока» газетаси, 1930 йил, 24 апрель, 93-сон.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 149-фонд, 51-дело, 35-бет.

<sup>3</sup> УзССР Ички ишлар министрлигининг Андижон область архиви 9c/90-фонд, 85-опись, 3-дело, 237-бет.

189 чорак (1134 пуд) маккажұхори йиғиб бериш солиғи солинган әди.

Юқорида келтирилған материалдардан қуидагида холоса чиқариш мүмкін:

1918 йилнинг ёзіда Фарғонада босмачилик авж олиб кетди, буни чет эл империализми құллаб-қувватлаб ва йұналтириб турғанды. Фарғона фронти вұжудға келди, унда душманнинг яшириниб ва тұсатдан ҳужум қилиши, жанг ҳаракатларининг тоғлик жойларда олиб бориши ва муҳими Совет Туркистонининг оғир қуршовда әканлиги ҳамда ҳарбий күчларнинг бошқа фронтларга бұлиніб кетганды — ана шуларнинг ҳаммаси ҳарбий операцияларни қийинлаштирган әди.

Ана шу вазиятда Туркистон Совет ҳукумати босмачиларға қарши курашга бошчилік қилды.

Фарғонаниң бир қанча шаҳарларыда ишчилардан Қызыл Гвардия отрядлари тузилди, коммунистик дружиналар вұжудға келди. Шу йили чет эл империалистлари билан маҳкам боғланған контрреволюцион исөнчиларнинг махфий маркази (ТВО) нинг фош қилиниши жуда катта ақамиятға әга бўлди. ТВО нинг тор-мор қилинишини ва Тошкентда оқ гвардиячи Осипов исёнининг бостирилиши (1919 йил январь) интервентларнинг қабиқ планларини барбод қилді. Оренбург пробкасини ёриб үтиш даврида Ленин раҳбарлигіда Туркистонга Совет Россиясидан ғалла ва саноат моллари билан ёрдам берилши, шунингдек рус пролетариатини маҳаллий аҳоли билан яқынлаштириш, ерли миллаттарни Совет ҳокимияти органлари ишига жалб қилиш юзасидан үтказилған сиёсий тадбирлар жуда катта ақамиятға әга бўлган әди. Бу тадбирлар чет эл босқинчилари ва ички контрреволюцияга қарши курашда рус ва ўзбек халқларининг қардошлиқ иттифоқини мустаҳкамлаган әди.

## ИНТЕРВЕНЦИЯ ВА ИЧКИ КОНТРРЕВОЛЮЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДА БУРИЛИШ ДАВРИ

1919 йилнинг баҳорида Антанта Совет Россиясига қарши биринчи поход үюштируди. Бунда 140 минглик Колчак армиясига муҳим үрин берилған әди. Колчак армияси Самарага етиб олиб, жанубдан бостириб кела-

ётган Деникин армиясига қўшилишга ва сўнгра бирлашган куч билан Москвани эгаллашга ошиқар эди. Шу вақтда Юденич Петроградга юриш қилиш учун тайёрланмоқда эди.

Колчакка қарши контрхужумга М. Ф. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бошчилик қилишди. Шарқий фронт қўшинлари душман кучларининг сон жиҳатидан устунлигига қарамай, кучларни моҳирона группалаштириш ва маневр йўли билан Колчакнинг Farбий армиясига кетма-кет бир неча қақшатқич зарбалар берди, унинг айрим қўшилмаларини ажратиб олиб, уларни якка-якка ҳолдан тойдирди.

4 августда Троицкий эгаллангандан кейин Колчак қўшинлари икки қисмга ажратиб ташланди. Улардан бири Колчак бошчилигига Сибирь ичкарисига, иккинчиси генерал Белов қўмондонлигига Туркистонга чекина бошлади.

1919 йил августда Шарқий фронт составидан мустақил Туркистон фронти ажратиб чиқди. Фронтнинг бош қўмондони қилиб М. В. Фрунзе тайинланди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, 1919 йилнинг кузида, Колчакнинг жанубий кучларига қарши кенг ҳужумга ўтилган вақтда Совет Россиясининг кураш маркази Деникиннинг жанубий фронтига кўчирилган эди. Деникин Царицин, Воронеж, Курск ва Киев остоналарида жанг қилмоқда эди. Жанубий Фронт Қизил Армиянинг анчагина кучларини ўзига жалб қилди.

Аммо ҳарбий куч ва қуролларнинг етарли эмаслигига қарамай, Фрунзе раҳбарлигидаги Туркистон фронтининг қўшинлари пухта ўйланган ёндама зарбалар билан Белов армиясини ҳолдан тойдирди ва сувсиз, кимсасиз саҳроларга улоқтириб ташлади. Ўз базаларидан ажратиб ташланган, сув ва озиқ-овқат танглигига учраган Белов армияси қуршаб олинди ва таслим этилди.

1919 йил 13 сентябрда Мугаджар станциясида Фрунзе қўмондонлигидаги 1-армия Совет Туркистони қўшинлари билан бирлашди. 1-Армия қўшинлари революцион бурчларини шараф билан адо этдилар.

Шундан кейин генерал Толстовнинг Уральск оқ казаклари армияси тор-мор қилинди. Бу армия Уральскдан ҳаётсиз саҳро бўйлаб Гурьевга чекинмоқда эди. 1920 йил 11 январда Қаспий дengиз бўйидаги Жилац Коса районида казак қўшинларнинг қолдиқлари асир туширилди.



Отоқли совет саркардаси, Түркистон фронти қўшинларининг  
кўмондони  
М. В. ФРУНЗЕ.

Бир неча офицер ва генерал Толстовгина Эронга қочиб ултура олди<sup>1</sup>.

Шонли Қизил Армиянинг бу ғалабаси жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ишчи ва деҳқонлар республикаси Оренбург чўлларининг галлакор районлари, Эмба нефти, Туркистон пахтасини қайтариб олди.

Туркистоннинг Совет Россиясига қайта бирлаштирилиши Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларининг ривожланишида бурилиш даври бўлди. Совет Россиясининг кенг миқёсдаги маънавий-сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ёрдами қизил Туркистоннинг кучига жуқ қўшди ва Закаспийда, Еттисувда ҳамда Фарғонада контрреволюция марказларини бирин-кетин тор-мор қилишга имкон берди.

Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин ташаббуси билан 1919 йил октябрь ойида тузилган Турккомиссияси Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади. Бу комиссияга В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, Ш. Элиава ва Коммунистик партиянинг бошқа атоқли арбоблари кирган эди. Турккомиссиянинг контрреволюция кучларини тор-мор қилишга қаратилган ҳарбий чораларни сиёсий ва хўжалик тадбирлар билан тўғри мослаб олиб бориши, Туркистон халқлари билан тўғри муносабатлар ўрнатишга қаратилган ленинча миллий сиёсатнинг узлуксиз амалга ошириши реакционерларнинг тарих фиддиргини орқага айлантириш йўлидаги уринишларини чиппакка чиқарди.

Туркистон Россияга қайта бирлашгандан сўнг энг катта фронт Ашхобод фронти бўлиб қолди. Красноводскни қўлга киритиш интервентларнинг Қавказ ва Эрондан келадиган йўлларини тўсиб қўйган ва Қавказнинг республика учун зарур бўлган нефть бойлигини интервентлар қўлидан қайтариб олишда катта стратегик роль ўйнаган бўларди.

Ашхобод фронтига қўшимча одам ва техника юборилди. Совет қўшинлари 1919 йил декабрида Қора қум орқали уч кунда юз километрдан кўпроқ масофани босиб ўтиб, душманнинг чекиниш йўлларини тўсиб қўйди ва Закаспий темир йўлидаги муҳим таянч пункти бўлган

<sup>1</sup> M. V. Фрунзе. Саркардалик фаолияти, Воениздат, Москва, 1951, 16-бет.



Туркистон фронти ҳарбий Реввоенсоветининг раиси.  
В. В. КУЙБИШЕВ.

Қозонжиқ станцияси атрофида оқ армия қисмларини тор-мор келтирди.

Бизнинг қўшинларимиз ҳужумни кучайтириб бориб Айдин станциясини ишғол қилдилар. В. В. Куйбишев раҳбарлигига оғир саҳро шароитларида амалга оширилган бу айланма маневрли операция ҳам Красноводскни қўлга киритишга замин тайёрлади.

Рўпарадан ва ёндан бериладиган зарбани бир-бирига қўшиб бориб, душманнинг таянч пунктларини айланиб ўтиб, бизнинг қўшинларимиз Қаспий денгизининг қирғоқларига чиқиб олди ва шиддатли жанглардан кейин 1920 йил 6 февралда Красноводскни ишғол қилди.

Закаспийни қўлга киритиш гоят катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Совет республикаси нефтга бой бу районни қайтариб олди. Совет республикаси давлат чегараларини қўриқлайдиган қўшинларнинг таянчи бўлган муҳим темир йўл магистралини ҳам бундан бўён контролъ қила бошлади. А. И. Микоян раҳбарлигига Совет ҳокимияти учун курашаётган Озарбайжон Коммунистлари билан алоқа боғланди. Чет эл империалистлари қўлида қурол бўлиб хизмат қилаётган Хива хонлигидаги реакция уяси ҳам тор-мор қилинди. 1920 йил 7 февралда Хивада Саид Абдулла хон ҳокимияти йиқитилиб, Хива Халқ Совет Республикаси тузилди<sup>1</sup>.

Фарғонадан ташқари, Еттисув ҳам контреволюциянинг хавфли маркази бўлиб қолди. Уерда атаман Анненков, Еттисув казаклари ва маҳаллий қулоқ отрядлари ҳаракат қиласарди. Қизил Армиянинг тоғли районларнинг оғир шароитларида олиб борган жанглари муваффақият билан тугалланди ва 1920 йилнинг баҳорига келиб Еттисув оқ казаклари тор-мор қилинди, уларнинг қолдиқлари эса Хитойга қочиб кетди.

## ШАРҚИЙ ФАРҒОНАДА ҚУЛОҚ-БОСМАЧИ КУЧЛАРИНИНГ ТОР-МОР ҚИЛИНИШИ (1919 йил сентябрь)

Фарғона фронтида кучлар нисбати қандай эди? Босмачиларнинг реаль кучларини аниқ белгилаш қийин эди. Маҳаллий партия ходимлари хабар беришича: «босма-

<sup>1</sup> M. B. Фрунзе, Саркардалик фаолияти. Воениздат. Москва, 121-бет.



Кулоқ-босмачи „армиясига“ қарши кураш (1919 йил) схемаси.

чилар Фарфона атрофидаги тоққа яқин районларда Фарфона водийсini шимол, шарқ ва жануб томонлардан қуршаб, изғиб юришарди. Босмачи кучларини аниқ ҳисобга олиш мумкин эмас, чунки бу шайкаларнинг состави доимо ўзгариб туради».

Харбий тарихчилар Фарфона босмачилари 1919 йилда 6—8 минг киши атрофифа эди дейдилар. Аммо бу сон ҳам доимий эмас эди. Мадаминбек йигитларининг сони 1919 йил бошларида тўрт мингга етарди. Парпининг эса шу йил февраль ойида икки мингга яқин қуролли кишиси бор эди. 1919 йилнинг кузиди Мадаминбек қулоқ «армияси» нинг бошлифи Монстров билан тил биритиргандан кейин уларнинг бирлашган армияси олти минг кишига етди.

1919 йилда Фарфона водийсида Қызыл Армия сафида 4—5 минг киши бўлиб, улар ҳар қаердаги гарнизонларга бўлинниб жетган эди. Энг йирик гарнизонлар Қўқон ва Скобелевда (1000 кишидан ошиқроқ), Федченко, Андижон ва Жалолободда (1700 та яқин аскар) гарнизонлар бор эди. Булардан ташқари айрим шаҳарларда партия дружиналари ва шахсий мудофаа отрядлари ҳам бор эди. Тез ҳаракат қилувчи душман отрядларига қарши операцияларда катта роль ўйнаши мумкин бўлган отлиқ қисмларнинг етарли эмаслиги, Қызыл Армия кучларининг кам-

лиги унинг жанг ҳаракатларини чеклаб қўйган эди. Бу даврда Қизил Армия асосан аҳоли яшайдиган пунктларни мудофаа қилиш, саноат корхоналари ва темир йўлларни қўриқлаш билангина чекланар эди. Айrim гарнизонларининг бир-бирига бўйсунмаслиги, улар ўз ҳолига ва партизанчасига ҳаракат қилиши ҳам жиддий камчилик эди.

«Ўша вақтларда,— деб ёзган эди ўз вақтида бир ҳарбий кузатувчи,— тузукроқ бошқариш аппарати йўқ эди, бунинг натижасида кўпинча айrim қисмларнинг актив ҳаракатлари маҳаллий доирадан ташқари чиқмасди<sup>1</sup>. Босмачилар мана шу аҳволдан фойдаланиб, ҳар бир гарнизонга айrim-айrim ҳужум қилардилар.

1919 йилнинг кузига келиб, қўрбошилар бошлиги бўлиб танилган Мадаминбекнинг шайкалари Фарғонада энг йирик куч бўлиб қолди. 1919 йил майда Жалолобод уездининг қулоқлари К. И. Монстров бошчилигидаги «деҳқонлар армияси»га бирлашиб советларга қарши чиқиши вазиятни янада жиддийлаштириб юборди. Бошида бу «армия» босмачилардан ўзини мудофаа қилиш ниқоби остида тузилиб, кейин тезда Мадаминбек шайкалари билан антисовет платформага бирлашиши жиддий хавф тутдирган эди.

7 сентябрда Монстров билан Мадаминбекнинг бирлашган армияси Ўшга бостириб кирди, кейин Жалолободни эгаллаб, Андиконни қуршаб олди. Шаҳар коммунистлари Уездком раиси, Г. М. Бильдин раҳбарлигига шаҳарни мудофаа қилдилар. Гарнизон штаби ташкил этилиб, уезд ҳарбий комиссари В. Н. Сидоров унга бошчилик қилди. Гарнизоннинг 1500 кишидан иборат ядренини В. А. Скуба қўмондонлигидаги 2-Фарғона алоҳида пиёда батальони ташкил қилди. Андиконни қамал қилган қулоқ-босмачилар «армиясининг» кучлари гарнизонни ҳимоя қилаётган кучлардан бир неча баравар ортиқ эди. Шунга қарамай, совет кишилари босмачиларга қарши ҳаёт-мамот учун курашардилар. Мудофаанинг энг муҳим участкаларида қўмондонлик қилиш ҳарбий комиссар В. Н. Сидировга, батальон командири Скубага (қальсадан симафор олдилигидаги темир йўл атрофи) ва ўртоқ Володинга (қальсадан гишт заводигача) тоширилган эди. Эски шаҳар мудофаасини миллий қисмлар кўнгил-

<sup>1</sup> «Военная мысль», журнали 1921 йил, 1-сон, 220-бет.

лилари билан партия дружинаси ўз зиммаларига олдилар. Бешбаш заводида пиёдалар дружинаси ва Н. П. Никифоров қўмондошлигидаги отлиқлар эскадрони ўрнашиб олган эдилар.

Туркфронт қўмондонлиги вужудга келган вазияти ҳисобга олиб, Закаспий фронтидан Андижонликларга ёрдам учун А. Л. Соколов қўмондонлигидаги Қозон полкини юборди.

Душманнинг «бирлашган армияси» ичida ўзаро низо чиқиб, уни заифлаштириди. Душман орасига кириб олган Совет агитаторлари Монстров жиной авантюрасига алдаш йўллари билан ёлланган деҳқонларга хони Монстровнинг ҳақиқий башарасини очиб бердилар. Кўп деҳқонлар ўзларининг алданганликларини тушунгач, Монстров армиясини ташлаб, уй-уйларига жўнай бошладилар.

22 сентябрда Қозон йиғма полки Андижонга етиб келди. У Владикино станциясидаёқ ўртоқ М. В. Сафонов бошчилигидаги Фарғона фронти қисмларига қўшилган эди. 24 сентябрда бирлашган Совет кучлари қулоқ-босмачи қўшинига зарба бердилар. Қозон полки душман изидан қувиб бориб, икки кундан сўнг уни Ўшдан ҳайдаб чиқарди, 30 сентябрда эса Жалолободни озод қилди.

Андижонга босмачи шайкалар кўп ҳужум қилишиди. Душман ҳужумларини қайтаришда Андижондаги Бешбаш (ҳозирги 6-ёғ заводи) заводида уюшган ишчилар отряди жуда катта қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатди.

Отряд актив мудофаа тактикасини қўлланарди. У душман кучлари тўпланди дегунча, уларни орасини



М. В. САФОНОВ.



Фаргона фронти Реввоенсоветининг  
ранси  
д. и. спасибов.

нинг Андижонга келишига халақит бериш учун қилган уринишларига зарба берди.

Шаҳарни мудофаа қилишда Қўзи Аҳмедов, П. В. Доминзубов, Ураимжон Тұхтабоев, Шиллер, М. Алимов, К. Супургебеков, А. Каравайцев, В. Захаров, А. Акбаров, Обидов, Тұлаков, А. К. Жалилов, А. Хусанбоев ва бошқа күп ўртоқлар ҳам катта хизмат кўрсатдилар. Андижонни қаҳрамонона мудофаа қилиш вақтида Г. М. Бильдин ва Фаргона фронти революцион ҳарбий Советининг раиси Д. И. Спасибовлар қаҳрамонона ҳалок бўлдилар<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Дмитрий Ильич Спасибов — Туркеспублика қуролли кучларини ташкил қилишда актив иштирок этганлардан бири, истеъододли ва жасур командир. У эндигини 25 ёшга кирганда, унинг жўшқин ҳаёти ва фаолиятини ўлим олиб кетди. Камбағал казак оиласида туғилган Спасибов 1914—18 йиллардаги империалистик урушда 5-Оренбург Казак полкининг оддий солдати сифатида иштирок

булиб юборар ва қувиб кетарди. Отряд Андижондан анча нарида Мадамин ва Холхужаларнинг кўп сонли кучларига қарши бир неча марта жанг қилган ва ҳатто 1919 йилнинг майи юнида Мадаминбекнинг Жалолобдга қилган ҳужумини қайта-риша қатнашган эди.

Андижонни мудофаа қилишда 2-Фарғона алоҳида батальонининг ярим ротаси жуда катта хизмат кўрсатди. У Шишканов қўмондонлигига интернационал отряднинг командири ўртоқ Кужелло билан бирлашиб, босмачиларнинг Федченко — Владикино станцияни қўлга олиш ва Қозон полки-

Спасибов олдингй өтлиқ отрядга ўзи командирлик қилди. 24 сентябрда Мирпўстун<sup>1</sup> деган жойда бир ярим соатлик артиллерия тайёргарлигидан кейин Спасибов отлиқ аскарларни атакага бошлаб кетди. У моҳирона зарбалар бериб, душман орасига кирди ва ёлғиз ўзи 18 босмачини қириб ташлади. Жанг энг қизиган пайтида, уни душман ўқи ҳалок қилди.

Г. М. Бильдин сабиқ Алексеев заводи ёнида ўрнашиб олган босмачиларга қарши атакага кираётган пайтида ҳалок бўлди.

Қулоқлар «армияси» тарқалиб кетди. Монстров қолган одамлари билан Хитой чегарасидаги Иркештомга яширинди. У яна бош кўтаришга уриниб ҳам кўрди ва ҳатто 1919 йилнинг октябрида Иркештомда «Фаргона вақтли ҳукумати» тузди. Бироқ сабиқ рус подшосининг Қашқардаги консули, Британия империалистларининг содиқ гумаштаси Успенский иштирокида тузилган бу қўғирчоқ ҳукумат узоқ яшай олмади. Қулоқлар ҳаракатининг маглубиятга учрашига кўзи етган Монстров 1920 йилнинг бошларида Советларга қарши курашдан воз кечди.

Шарқий Фарғонадаги сентябрь операцияси Қизил Армиянинг катта ғалабаси бўлди. Шу вақтдан бошлаб ташаббус Совет қўмондонлиги қўлига ўтди. Қулоқбосмачилар қўшинининг тор-мор қилиниши душманни ваҳимага туширди ва босмачилар орасида парокандалик бошланди. Босмачиларнинг айрим отрядлари Совет қўмондонлигига таслим бўла бошладилар.

Жалолобод уездини душмандан озод қилгандан сўнг озиқ-овқат танглигини кечираётган Тошкентга 100 минг пуд буғдоӣ, 40 минг пуд кўмир ва кўргина чорва моллари юбориш имконияти туғилди.

В. В. Куйбишев 1919 йилнинг нояброда шундай деб ёзган эди: «Фарғона фронти сиёсий фронт бўлиб, у

---

этди. 1917 йил сентябрда у солдатлар оммасининг революцион рапбари даражасига кўтарилидни ва Коммунистик партия сафига кирди.

1918 йилнинг январида у 5-Оренбург Қозон полкининг полковой комитетига бошлилик қилди. 1918 йилнинг охирида Спасибов Туркеспублика ҳарбий революцион Советининг аъзоси қилиб сайланди. 1919 йилдан бошлаб у отрядларнинг бирида ҳарбий комиссар, кейинча Фарғона фронти революцион Ҳарбий Советининг раиси сифатида босмачиларга қарши олиб борилган жаңгларда актив иштирок қилди.

<sup>1</sup> Мирпўстун Ҳакант қишлоғи ёнида, ҳозир Андижон районининг Пахтаобод қишлоқ советига қарайди.



Жалолобод райревкоми. Ўртада қулоқ-босмачи галаларига қарши курашнинг иштирокчиси  
К. СУПУРГИБЕКОВ.

Бухоро ва Афғонистоннинг бизга бўладиган муносабатини белгилайди. Бу фронт тугатилмагунча ана шу давлатлар бизнинг кучимизга ишонмайдилар ва, демак, уларнинг Англия томонига оғиб кетишларига сабаб бўлади»<sup>1</sup>.

1920 йилнинг 21 февралида М. В. Фрунзе Тошкентга келди ва фронтга бевосита раҳбарлик қила бошлади. Туркфронт штаби ҳам Самарадан Тошкентга кўчирилди. Туркеспублика қўшинларининг штаби параллель ҳаракат қилмаслик учун тугатилди. Совет Туркистонининг кам сонли қисм, отряд группаларига бўлиниб кетган қўшинларидан Закаспий, Еттисув ва Фарғонада уч дивизия ташкил қилинди. Отлик қисмлардан тез ҳаракат қилиш ва душмани қувиб боришни талаб этадиган экспедицион операцияларда фойдаландилар; пиёда аскарлар, артиллерия ва инженерлик қўшинларидан эса йирик маъмурий ва саноат марказларини ҳимоя қилиш, темир йўлларни қўриқлаш учун фойдаланилар эди. М. В. Фрунзенинг кўрсатмаси билан Фарғона қўшинлари группаси Еттисувдан 7- ва 8- ўқчи бригадалар, 1-отлик аскарлар полкини кўчириб келиш ҳисобига мустаҳкамланган эди.

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 25-дело, 63-бет.

Инглизлар Помир орқали Қашқардан қурол келтириб, босмачиларни қуроллантирадилар. Бу чегара районини кузатиш иши ҳам кучайтирилди.

1919 йил 28 ноябрда Турккомиссия босмачиларга қарши курашнинг асосий тадбирларини кўзда тутган қарор қабул қилди. Босмачиларни қувлаб юрмасдан уларнинг катта таянч пунктларини қўлга киритиш масаласи илгари сурилди. Шу билан бирга кенг тушунтириш йўллари билан босмачиларни аҳолидан ажратиб, яккалаб қўйиш вазифаси қўйилди. Аҳолини ўзидағи қуролларни давлатга топширишини уюштириш ва бошқалар таклиф қилинди.

## КОММУНИСТЛАР — БОСМАЧИЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШ ТАШҚИЛОТЧИЛАРИ

Контрреволюцион босмачиликка қарши курашда Туркистон коммунистик партияси мустаҳкамланди ва чиниқди. Коммунистлар ишчи-дехқон давлатининг озодлиги ва мустақиллигини чет эл интервентлари ва уларнинг агентларидан ҳимоя қилишда олдинги сафларда бордилар.

Босмачиликни тезда муваффақиятли тугатиш учун курашга коммунистлар юборилди. Туркистон фронтига ёрдам кўрсатиш учун Туркистон коммунистик партияси аъзоларининг 25 проценти сафарбар қилинган эди.

Туркистон коммунистик партиясининг Марказий Комитетига Фарғонада коммунистларни сафарбар этиш ҳақида қўйидаги доклад ёзилганди: «Фарғона фронти учун Кўқонда 350 та партия аъзоси, Скобелевда 210 та партия аъзоси сафарбар қилинди». Бутун водийда 3000 дан ошиқроқ партия аъзоси сафарбар қилинган эди.

Совет Туркистонининг Россияга қайта бирлаштирилишигача босмачиликка қарши курашда партия дружиналари айниқса катта роль ўнаганди. Бундай дружиналар ҳамма жойда тузилган эди.

Андижон шаҳрида партия дружинаси тузишга боғлиқ бўлган бир ҳужжат келтирамиз:

**1-протокол** — Андижон шаҳар партия дружинаси Ҳарбий Коллегиясининг 1919 йил 13 июндаги мажлиси: шаҳар коммунистлари 1-конференциясининг шу йил 9 июлдаги ва коммунистик партия район комитетининг 12 июлдаги қарорларига мувофиқ партия дружинасини тузиш тўғрисидаги ахборотни эшилди.

**Қарор қилинди:** ҳозирги кескин вазиятни, Андижонда босқинчи шайкаларнинг изғиб юришларини, шаҳар ичидаги чиқаётган контреволюцион кучларга қарши кураш учун ҳарбий куч зарурлигини ҳисобга олиб, тезда эски шаҳарда 100 киши, янги шаҳарда 200 кишидан иборат партия дружиналари тузилсин ва уларни казарма ҳолатига кўчирилсин»<sup>1</sup>.

Бу қарор амалга оширилди. Шаҳарни Монстров ва Мадаминбеклар «армияси»нинг ҳужумидан ҳимоя қилишда жанговар тажриба ортирган Андижон партия дружинасида 1919 йилнинг охирида ёк 300 га яқин жангчи бўлганлиги ҳужжатлардан маълум бўлади.

Партия ташкилотлари коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ҳарбий ишни яхши ўрганиб олишлари учун уларга умумий ҳарбий таълим бера бошлаб, бу ишга ўзлари бошчилик қилдилар. Кўпгина партия ташкилотлари агар партия аъзолари умумий ҳарбий таълим системасида ўқимасалар уларга партия билети берилмайди ва улар партия мажлисларида иштирок эттирилмайди, деган қарор қабул қилдилар.

Туркистон ўлкасининг партия ташкилотлари қисқа муддат ичидаги ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди ва сони ўсади.


Архив материаллари ичидаги жанговар партия дружиналирига олишни илтимос қилиб берилган аризалар кўп учрайди. Андижон уездининг Ойим районидаги бир группа ёшлар ҳам империалист малайларига қарши кураш учун ўзларини жанговар дружинага олишни илтимос қилган эдилар. Фарғона обласи ёшлари, айниқса Кўқон ёшлари босмачи шайкаларга қарши жангларда актив қатнашдилар. Босмачиларнинг 300 кишилик отрядига қарши қаҳрамонона атака қилгани учун Кўқон темир йўл районининг комсомол аъзоларидан 7 киши Қизил таҳтага ёзилган эди<sup>2</sup>.

Отряд ва дружиналарга бирлашган ёшлар босмачиларга қарши сабот билан жанг қилиб, оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Ўзбек ёшларидан Абдулла Набиев комсомоллардан маҳсус қисм (ЧОН) ва комсомол дружинаси тузди<sup>3</sup>. Набиев ташаббуси билан тузилган ёшлар

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 149-фонд, 51-дело, 42-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон комсомоли тарихига доир, Тошкент, 1948 йил, 27-бет.

<sup>3</sup> Уша асар, 27-бет.



Фарғона фронтида гражданлар урушининг қатнашчилари

дружинаси босмачиларга қарши курашда кўрсатган ми-  
силсиз қаҳрамонлиги билан донг чиқарди. Ёшларнинг  
босмачиларга қарши курашда иштирок этиш тарихида  
бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Босмачиларга қарши курашда кўнгилли милиция  
отрядлари ҳам актив роль ўйнадилар.

Фарғона меҳнаткашлари бу даврда халқ милициясини  
тузишга катта эҳтиёж туғилганлигини сезар эдилар.  
Фарғонани тоғдан тўсатдан тушиб келадиган бандитлар  
шайкасидан қўриқлаш жуда зарур эди. Туркистон респуб-  
ликасининг Халқ Комиссарлари Совети кўнгилли мили-  
ция тузди.

Босмачиларга қарши курашда маҳаллий Советларнинг  
ташкилотчилик роли яққол қўринди. Улар халққа муро-  
жаатлар қабул қилдилар, жанговар отрядлар туздилар,  
босмачиларга қарши актив кураш олиб бордилар.

Коммунистлар билан бир қаторда қўлига қурол уш-  
лаб, ўз уйи ва оиласини ҳимоя қила оладиган ҳар бир  
меҳнаткаш босмачиликка қарши чиқди.

Масалан, Андижон Ижроия Комитети Фарғона фрон-  
ти қўшинларининг қўмондонига шундай деб жавоб ёзган  
эди: «Сизнинг шу йил 26 сентябрдаги 2129-сонли хатинг-  
изга жавобан қуйидагиларни билдирамиз: Асака ишли  
отрядларида 320 дружиначи бўлиб, уларнинг 327 милти-  
фи бор. Бу ерда партия дружиналаридан 60 кишилик  
отлиқ эскадрон ҳам тузилди».

Меҳнаткаш аҳоли социалистик ғалабаларни ҳимоя  
қилиш учун актив курашга кўтарилиган эди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш табақаларидан  
тузилган дружина ва қисмлар барча аҳолини ўз томонига  
оғдириб олиш учун жуда катта иш қилдилар. Уларнинг  
ташаббуси билан совет милицияси отрядлари тузилди.  
ундан ташқари, деҳқонлардан миллий батальон деб атал-  
ган алоҳида қисмлар тузилди.

Ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядлари тузилган ҳамма  
қишлоқларда улар бир-икки кўчани қўриқлар, қолган  
кўчаларни эса аҳоли девор уриб-тўсиб қўярди. Босма-  
чилар пайдо бўлган вақтда уларни аҳоли томдан туриб  
тош бўрон қиласарди.

Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани йирик қўрбо-  
ши Холхўжанинг ҳалокати 1920 йилнинг унутилмас жанг-  
говар эпизодларидан бири бўлди.

Отлиқ Қизил аскарлар отрядининг сиқуви остида



Андижонда босмачликка қарши курашгани кекса коммунистларнинг бир групласи

Холхўжа октябрь ойида чегара яқинидаги Иркештомга қараб қочган эди. Бу ерда у қамалда қолди: тинмай ёғаётган қор бу ердаги ягона йўл бўлган Қизиқ давонни босиб қолганди.

Босмачилар аҳолини ҳайдаб чиқиб, йўл очишга мажбур қилдилар. Қўрбоши шошилганидан ўзи олдинга тушиб олган эди. Шу пайт юқоридан жуда катта қор уйни думалаб тушиб Холхўжани, унинг тўрт саркардаси ва 40 аскарини босиб қолди. Булар шу ерда ҳалок бўлди.

## 1920 ЙИЛДА БОСМАЧИЛИКНИ ТУГАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР. МАДАМИНБЕКНИНГ ТАСЛИМ БЎЛИШИ. МИЛЛИЙ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ТУЗИЛИШИ ВА БОСМАЧИЛИКНИ ТОР-МОР ҚИЛИШДА УЛАРНИНГ РОЛИ

Фарғонада 1920 йилнинг бошида бир қанча босмачи группалари қолиб, булардан энг кўзга қўрингани Мадаминбекнинг шайкаси эди. Мадаминбекнинг босмачиларнинг қолган группаларини ҳам ўзига бўйсундириш йўлидаги ҳаракати натижа бермади. Қўқон уездиде Эргаш, Эшмат бойвачча, Исломқул деган қўрбошилар мустақил ҳаракат қилмоқда эди. Наманган уездиде Омон полвон, Фарғонада Кўр Шермат, Андижонда Парпи ва Маҳкам-Хўжа, чегарага яқин Гулча районида Муҳиддин ва бошқаларнинг шайкалари изғиб юришарди.

Ҳарбий разведка маълумотларига қараганда шайкалар сони қўйидагича бўлган. Қўқоннинг шимоли-шарқидаги Янги Қўрғон атрофида 800 кишига яқин Эргаш шайкаси; Марғилоннинг шимоли-шарқидаги Гўрбува ва Шаҳриҳон атрофида 600 кишилик Кўр Шермат шайкаси; Үшнинг ғарбидаги Аравон ва Булоқ боши атрофида 500 кишилик Холхўжа шайкаси; Жалолободнинг ғарбидаги Бозор қўрғон, Қўқон Қишлоқ, Ойим ва Жалолободнинг шимоли-шарқидаги Үзган атрофларида 1500 кишига яқин Мадаминбек шайкаси ҳаракат қиласарди. Ҳаммаси бўлиб босмачиларнинг 3400 та йигити бор эди<sup>1</sup>. Русларнинг

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 84-дело, 19—20-бетлар

800 га яқин кишидан иборат оқ гвардиячи қисмлари ҳам босмачиларга құшилди ва бирға ҳаракат қылды<sup>1</sup>.

1920 йили босмачиларга қарши олиб борилған жанг ҳаракатлари янги тактикаға үтиш билан харктерлади.

1919 йилдаги босмачиларни түзғитиб юборишга қаратылған операциялар яхши натижа бермади. Энди босмачиларнинг таянч базаларини тугатиши, уларнинг айрим группаларини қуршаб олиб, қириб ташлаш вазифаси күйилған эди.

1920 йил 13 январда Эргашнинг муҳим истеҳкоми бұлған Бечкир қалъасини ишғол қилишда мазкур тактика биринчи марта құлланди.

Эргашнинг үзи бир неча ҳамроҳлари билан қочиб кетди, аммо унинг кучлари бу жангда батамом заифластирилған эди.

1920 йили 21—27 январда Үш уездіда Холхұжа ва Құр Шермат шайкаларига қарши жанг қилинди. Мағлубиятга учраган бу шайкалар бориш қийин бұлған Гулча районига қочиб, бекиндилар.

Қызыл Армиянинг кетма-кет берган бир неча зарбалари, маҳаллий халқнинг Совет ҳокимияти томонига үтиши босмачиларнинг түзғиб кетишини тезлаштириди. 1920 йилнинг бошларыда босмачилар күплаб таслим бұла бошладилар. 31 январда 2600 кишилик Маҳкамхұжа ва Ақбарали отрядлари, 2 февральда 300 кишилик Парни шайкасы таслим бўлди.

Босмачи бошлиқларининг Совет құмандонлиги билан олиб борган музокаралари ва Қызыл Армия томонига үтишлари айрим ҳолларда разведка, қуролланиб олиш ва Совет ҳокимиятига қарши курашни яна бошлаб юбориш мақсадида қилинган тактик маневр эканлиги кейинчалик маълум бўлиб қолди.

Масалан, Раҳмонқул таслим бўлғандан сўнг бир ярим ой үтгач, яна душман лагерига қочиб кетди. 8 марта Совет құмандонлигига үз отряди билан Холхұжа келди, лекин ундан қуролсизланишни талаб қилинганда, у үз отрядлари билан орқасига қайтиб кетди.

Совет құмандонлиги босмачиларнинг бу ҳийласини

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА 110-фонд, З-опись, 84-дело, 19—20-бетлар. Бу ерда шуни айтиш керакки, бу маълумотлар жуда ҳам тахминий, чунки босмачиларнинг сони тез-тез үзгариб туради.

пайқаб олди. Аммо босмачилар орасини бузиб юбориш юзасидан олиб борилган ишлар тұхтатилмади. Совет құмандонлиги таслим бўлганлар авф этилади, деб босмачиларни таслим бўлишга даъват этди.

Совет құмандонлиги бунда халқнинг меҳнаткаш та-бақаларидан бўлган ва Совет ҳокимиятига қарши курашга алдаш йўллари билан тортилган оддий босмачилар муқаррар равишда тинч меҳнатга қайтишини кўзда тутган эди.

1920 йилнинг февралида Мадаминбекнинг қароргоҳини тугатиш учун жанг ҳаракатлари бошланди. Мадаминбекнинг қароргоҳи Қорақурт қишлоғида эди. Кўр Шермат Гўрбува — Шахрихон атрофидаги районларни эгаллаган эди. Туркистон дивизияси олдига аҳолининг иштирокида душманни тор-мор қилиш, Кўр Шермат ва Мадаминбекнинг қароргоҳларини эгаллаш, уларнинг бошқа районга ўтишига имконият бермаслик вазифаси қўйилган эди.

2-Туркистон дивизиясининг құмандони Бригадзе ўртоқ Куйбишевга 1920 йили 4 февралда: «Менинг эндиги муддаом ва ишончим 2—3 кун ичида Мадамин ва Кўр Шермат шайкаларини тор-мор қилиб, уларнинг Қорагўр ва Гўрбувадаги қароргоҳларини гарнизонлари билан ишғол қилишдир» — деб ёзган эди. «Душманни тугатиш юзасидан бизнинг вазифамиз кенг фронт бўйлаб душманга бирданига ҳужум қилишдир», дейилади яна шу ерда.<sup>1</sup>

Ўртоқ Бригадзе құмандонлигига үtkазилган операцияларда Скобелев, Андикон ва Наманган гарнизонлари иштирок қилди. Душманни ҳамма отрядлари билан ўраб олиб, Шахрихон ва Гўрбувадан қочиб кетишига қўймай, қўлга тушириш мўлжалланган эди. Бу жанговар вазифа муваффақият билан бажарилди. Фронт штабига ёзилган хабарда: «Гўрбува райони босмачилардан тозаланди. Кечгача душман томонидан ярадорларни ҳисобламаганда 300 киши ўлди<sup>2</sup>, — дейилади.

Фронт штабига Андикон шаҳридан 1920 йил 6 февралда шундай хабар ёзилган эди: Гўрбува, Қора Гўр ва Балиқчи атрофида зарба еган Мадамин ва унинг қўл остига бирлашган Холхўжа ҳамда Кўр Шермат шайкала-

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 98-дело, 17-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 163-дело, 8-бет.

ри Гулча истеҳкомини ишғол қилдилар. Мадамин Қора Тұхти — Чиғирчиқ давонларини эгаллаб, Гулчага үтадиган йўлларни қўриқлаб турибди»<sup>1</sup>.

Энди Қизил Армия қисмлари Мадаминнинг сўнгги таянч пунктларини тугатишлари керак эди. 2-Туркистон дивизияси Мадаминнинг сўнгги таянчи — Гулча истеҳкомини эгаллаб, уни Иркештомга қочиш имкониятидан маҳрум қилди. Чекинаётган босмачиларни қириб ташлаш учун Қора Тұхти атрофидаги барча довонларни ишғол қилиш, шу билан Мадамин шайкаларининг шарқ ва шимоли-шарқ томонга чекиниш йўлларини тўсиб қўйиш тўғрисида бўйруқ берилган эди<sup>2</sup>.

Гўрбува ва Шаҳрихон атрофларида Мадаминбекка қарши яхши ўтказилган операциялар бир қанча босмачи бошлиқларини Совет ҳокимиятига қарши курашнинг энди фойдаси йўқ деган хулосага олиб келди. Босмачи бошлиқлари, айниқса Мадаминбек ўз ҳалокатини сезиб, Совет ҳокимиятининг вакиллари билан музокара юрита бошлади. Музокаралар натижасида Мадаминбек таслим бўлди. 1920 йили 6 марта Мадаминбекнинг таслим бўлиши тўғрисида битим имзоланди. 8 марта Ўш шаҳрига Йўлчи ва Холхўжа бошлигига қолган шайкалар келишиди.

Босмачиларга қарши олиб борилган курашни якунлаб, В. В. Куйбишев шундай деган эди: «Менимча бу операциялар ҳарбий ҳужум билан сиёсий ишни бир-бирига усталик билан қўшиб, кураш олиб бориш натижасидир. Бу факторларнинг биронтаси ҳам якка ҳолда бундай яхши натижа бермасди... Шунинг учун келажакда, босмачиларни батамом йўқотмагунча бу факторларнинг биттасигагина бир ёқлама берилиб кетмангиз»<sup>3</sup>.

Оддий босмачиларнинг оммавий тартибда таслим бўлиши муносабати билан партия, совет ва ҳарбий органдари асиrlар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бордилар ва пухта текшириб чиққач, улардан доимий ҳарбий қисмлар туза бошладилар. Масалан, 600 кишилик Акбарали отряди Совет ҳокимияти томонига ўтгандан кейин бу отряддан ҳарбий қисм тузилган эди. Акбарали ўз сўзида: қолган йигитлар «Энди четда қолишлари

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись 82-дело, 82—83-бетлар.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись 82-дело, 83—84-бетлар.

<sup>3</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 79-дело, 80-бет.

гумон, улар Совет ҳокимияти томонига ўтадилар»<sup>1</sup> — деган эди.

Шуни эсда тутиш керакки, ерли йигитларнинг кўпчилиги босмачилар шайкасига ўз ихтиёри билан кирган эмас. Асир тушган бир босмачи шундай деган эди: «Мени қўрбошиларнинг бири ўз лагерига зўрлаб олиб кетди, ҳамиша даҳшат остида юрганлигим учун у ердан қочиб кетишнинг иложини сира тополмадим»<sup>2</sup>.

Орасида зўрлаб олиб кетилган кишилар кўп бўлгани учун душман кучлари мустаҳкам эмас эди. Оддий босмачилар ўзларига Совет ҳокимиятининг чинакам дўст эканлигини кўргач, ўз отрядларини ташлаб кета бошладилар. Бу ҳол улардан ҳарбий қисмлар тузишга имкон берди. Масалан: Эски Марғилондаги ўзбек отлиқ аскарлар полки ва бошқалар шундай отрядлар эди. Таслим бўлган босмачилардан 4-ўзбек отлиқ аскарлар полки ҳам тузилди.

Босмачиларнинг бўлиниб кетиши, босмачиликка алдануб қабул қилинган йигитларнинг Совет ҳокимияти томонига ўтиши ва улардан ишчи-деҳқонлар ишига содиқ курашчилар тарбиялаб етиштириш вазифаси сиёсийтарбиявий ишларни усталик билан олиб боришни ва хушмуомалаликни талаб қиласиди.

Мадаминбек шайкаси тор-мор қилиниб, ўзи Совет ҳокимияти томонига ўтгандан кейин Кўр Шермат энг ҳавфли душман бўлиб қолди. 1920 йилнинг ёзида унинг 6 мингга яқин йигити бор эди.

1920 йилнинг майида Мадамин Кўр Шерматни Совет ҳокимияти билан музокара олиб боришга ва қуролли курашни энди тўхтатишга кўндириш учун унинг олдига воситачи бўлиб борди. Аммо Мадаминнинг дипломатик миссияси унинг учун фожиали тугади. Мадамин 14 майда Кўр Шерматнинг Учқўрғондаги қароргоҳига келди. Шунда Кўр Шермат Мадаминни ушлаб олиб, унинг ашаддий душмани Холхўжа қўлига топширди. Холхўжа эса Мадаминбекни ўлдириб юборди.

1920 йилнинг кўкламида (3 дан 11 майгача) областни босмачилардан тўла тозалаш мақсадида Хўжанд ва Кўқон уездларида икки отлиқ аскарлар бригадаси ва тўрт ўқчи полки иштирокида операция ўtkазилди<sup>3</sup>. Опера-

<sup>1</sup> СССР ЦГАҚА, 110-фонд, З-опись, 98-дело, 117-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАҚА, 110-фонд, З-опись, 98-дело, 17-бет.

<sup>3</sup> СССР ЦГАҚА, 110-фонд, 4-опись, 168-дело, 57-бет.

ция тұла муваффақият билан тугади. М. В. Фрунзе бу операцияга яхши баҳо берди. Областда ҳаракат қилаётгаш ҳарбий қисмларга берган бүйругида у шундай деб ёзған әди: «Барча қаршилик күрсатаётган кишиларни құролсизлантириш ва құлға тушириш бобида ғайрат билан ҳарбий ҳаракат қылганингиз учун Ленин номидан ташаккур билдираман»<sup>1</sup>.

1920 йил 24 майда Фарғона областидаги барча мусулмон аҳолига М. В. Фрунзе имзоси билан мурожаат өзінен қилинди. Бу ҳужжат тарихий жиҳатдан дикқатта сазовор бўлгани учун уни бироз қисқартирилган ҳолда қўйида келтирамиз:

«Ўртоқ мусулмонлар! Сизга, қонга ботган Фарғона-нинг шаҳар ва овул халқларига, биз Совет ҳокимияти-нинг вакиллари мурожаат қиласиз.

Биродарлар! Икки йилдан ошиқроқ вақт ичида бутун Фарғона халқининг қони тўкилмоқда. Областнинг жафо-каш халқи икки йилдан ошиқроқ вақтдан бери ҳаловат нималигини билмайди ва тинч меҳнат қилолмаётир. Икки йилдан кўп вақтдан буён босмачилар шайкаси тинч аҳолини террор қилиб, уларнинг молларини, хотинларини ва ўғилларини олиб кетмоқда ҳамда энг охирги мол-мулк-ларидан жудо қиласиз.

Уларнинг талончилиги оқибатида бутун аҳоли зор инграмоқда, далалар экилмай, бекор ётибди, чунки экин майдонларини ҳайдашга ҳеч қандай от-улов йўқ. Минглаб ота-оналар ҳалок бўлган болаларига аза тутмоқдалар, илгари гуллаб-яшнаган бу бой ўлканинг бутун хўжалиги батамом хароб бўлиш олдида турибди.

Босмачи шайкаларининг бунчалик узоқ вақт хўжа-йинлик қилишига сабаб нима? Нега халқ шу маҳалгача Совет ҳокимияти атрофига уюшиб, қудратли куч билан муттаҳам босқинчиларни улоқтириб ташламади?

Бунинг учун Фарғона ҳокимияти ғоят айборд эканлигини таассуф этиб, эътироф қилиш керак.

Совет ҳокимиятининг Фарғонадаги дастлабки вакиллари ва ташкилотчилари ўз мартабаларига муносиб бўлиб чиқмадилар ва меҳнаткашларни ўз атрофига уюштириш ўрнига, уларни ўзларидан қочириб юбордилар. Уша вақтда Совет ҳокимияти қаторларига революция ва

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 235-дело, 127-бет.

камбағал деҳқонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ёт унсурлар суқилиб кирган эди...

Марказий Россия билан алоқа тиклангандан сўнг Туркистонда Совет ҳокимиятининг сиёсати кескин ўзгарди. Революцион ҳокимиятга ўзининг шахсий мақсадлари ни кўзлаб кирган барча ўғри ва муттаҳамлар ҳайдаб юборилди. Ҳокимиятга шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш мусулмон аҳоли жалб қилина бошланди. Ҳамма миллатлар тўла тенг ҳуқуқли бўлдилар. Айрим ҳокимият вакилларининг қонунсиз, ножӯя ҳаракатларига чек қўйилди. Қўшинларга марказдан куч келиб қўшилди ва уларда тартиб-интизом яхшиланди.

Бу тадбирларниг ҳаммаси мусулмон меҳнаткашларига Совет ҳокимиятининг моҳиятини очиб берди, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси фақат Совет ҳокимияти байроғи остидагина яхши турмушга эришиши мумкинligини кўrsatди. Буни Фарғона мусулмонлари ҳам яхши тушуниб қолдилар, улар энди босмачилардан юз ўғирдилар. Буни сезган айрим ҳушёр қўрбошилар аҳолининг кўнглидагини билиб, Совет ҳокимиятини танидилар. Фақат босмачиларниг ўғрилик-босқинчиликка берилган ва камбағал халқ ҳисобига бойиган энг бузик қисмигина ҳали қуролини ташламади.

Шу йилнинг баҳорига келиб, босмачилик тугагандай ва ниҳоят, тинч меҳнат ва осойишталик вақти келгандай бўлган эди. Афсуски, бу фақат хаёл бўлиб чиқди. Совет томонига ўтган босмачиларниг кўпчилиги бу ерда талончилик қилиш мумкин эмаслигини ва уларга ҳам бошқалар тенги ҳаёт кечириш кераклигини куриб, иккиланиб қолдилар... Улар қайтадан Кўр Шермат ва Холхўжа қароқчилари сафига қочиб кетдилар. Ана шундай қилиб тинчлик ва осойишталик ўрнига Фарғонада яна қон тўкила бошлади.

Буидай ҳолга барҳам бериш вақти етди. Босмачилик маразини иссиқ темир билан батамом куйдириб ташлаш, ўлкадан ўғри босқинчиларни темир супурги билан супуриб ташлаш пайти келди. Шу бугундан бошлаб халқ бошига оғат бўлган босмачиликка қарши шафқатсиз кураш олиб борилади. Совет ҳокимиятининг қатъий қарори шу ва менга Туркистон фронтининг қўмондони сифатида бу қарорни жуда қисқа муддат ичida бажариш тўғрисида бўйруқ берилган.

Бу бўйруқни бажариш учун мен Фарғона обlastига

катта мадад юбордим. Унинг вазифаси душманга бир нафас ҳам тинчлик бермай, уни қириб ташлаш ва обласдан ҳайдаб чиқаришидир. Бу вазифани бажаришда мен жафо чеккан барча мусулмон аҳолисидан ёрдам ва мадад кутаман. Халқ билсинки, Қизил Армия унинг душмани эмас, балки дўсти ва ҳимоячисидир. Биронта ҳам Қизил аскар, биронта ҳам ҳарбий қисм тинч яшаётган бирон деҳқонга қўл тегизолмайди.

Шуни билсинларки, қўшинлар тинч аҳолининг ҳар қандай мулкини бепул олишга ҳаққи йўқ, аксинча уларга қардошлиқ ёрдами кўрсатишлари керак. Аҳолининг армия эҳтиёжи учун берган ҳамма нарсасига пул тўланиши шарт. Айрим зарур ҳолларда дарҳол тўлаш учун пул бўлмаса, пул ўрнига ҳарбий қисмнинг муҳри босилган тилхат берилади ва кейинчалик шу тилхатга мувоғиқ олинган нарсага тўла ҳақ тўлашиди.

Қўшинларга мана шундай буйруқ берилган ва мен Қизил Армия қўшинлари ўтган қишлоқ ва овул аҳолисининг кўз ёши тўкилмас ва уларнинг шикоятларини эшигъ масам керак деб, ўйлайман. Башарти бирон жойда тинч аҳолига озгина бўлса-да, озор берилгудай бўлса, бу ҳақда дарҳол яқиндаги ҳарбий бошлиққа хабар қилинсин. Бундай безори ва босқинчилар учун Совет ҳокимиятининг жазо чораси битта: ўлим.

Ўз навбатида деҳқон оғайнилар, сизга ҳам Совет ҳокимияти талаб билан мурожаат қиласди. Сиз ҳаммангиз босмачиларни йўқотишида бир ёқадан бош чиқариб Совет ҳокимиятига мадад беришингиз керак. Қароқчилар шайжасини тез фурсатда яичиб ташлаш учун ҳамма чораларни кўриш лозим. Ҳар бир волостда, ҳар бир қишлоқда ҳамма босмачи ва уларнинг ҳомийларини дарҳол қуролсизлантириб, қамоққа олиш зарур...

Деҳқон оғайнилар! Ҳаёт марази бўлган босмачиларга қарши курашга тездан отланингиз! Дарҳол Совет ҳокимияти байроғи остига қардошларча дўстона оила бўлиб тўпланингиз»<sup>1</sup>, деган сўзлар билан тугаган эди мурожаат.

1920 йили Совет қўмондонлиги босмачиларни бундан кейин ҳам яккалаб қўйишга қаратилган бир неча чоралар кўрди.

<sup>1</sup> УзССР Ички ишлар министрлиги Фарғона область архиви, 121-фонд, 38-дело, 13-бет.

Кизил Армия қисмлари төр-мор келтирған босмачи отрядлари бошпана излаб тоғларга қочиб кетди. Жумладаң, Олай тоғ тизмалари босмачиларнинг макони булиб қолди. Бу тоғ тизмалари босмачи шайкалар вужудга келдиган жой булиб хизмат қиласади. Бу ёрда босмачилар Кизил Армиянинг зарбасидан қочиб, дам олиб ётар, куч түплар ва яна ҳужумга ўтар эди<sup>1</sup>.

Помир Британия империалистлари босмачиларни қуроллантирадиган ва кучайтирадиган асосий йул эди. Помирдаги чегараларни мустаҳкамлаш зарур булиб қолди.

Помирда мустаҳкам ўрнашиб олиш зарур... Уни бир минутга ҳам зинҳор назоратсиз қолдириб бўлмайди<sup>2</sup>. Фрунзе телефон орқали Куйбишевга: «Помирни ишғол қилиш ва қуриқлаб туриш учун камида 400 милтиқли кишидан отряд тузилиб, унга 4 та пулемёт ва 2 та замбарат берилиши керак»<sup>3</sup> деган эди.

1920 йил 7 майда Туркистон маҳаллий халқидан Кизил Армия сафларига чақириқ эълон қилиниши жуда катта ҳарбий-сиёсий тадбир бўлди. Бу вақеа маҳаллий халққа ғоят катта ишонч билдирилганлигидан далолат берар эди. Улуғ рус шовинистларининг умидсизлиги, Туркистон халқини қуроллантириш ғоят заарли деб қилган «башорат»ларига қарамай қилинган бу тадбирларнинг жуда тўғри эканлигини сўнгги вақеалар тасдиқлади. Чақириқ натижалари кутилгандан яхши булиб чиқди. Белгиланган чақириқ плани (30 минг) ошиғи билан бажарилди.

1920 йил 31 июлда Туркфронт бўйича чиқарилган буйруқда шундай дейилади:

«Туркистоннинг маҳаллий аҳолисини ўз мамлакати ҳаётини қуришга тўла жалб қилишдаги сўнгги тадбир ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш бўлди... Туркистоннинг вужудга келаётган пролетариати ўз вазифасини ҳамда вазиятнинг муҳимлигини тўғри тушуниб, Кизил Армия сафига минглаб кира бошлади. Туркистоннинг ҳамма бурчакларидан кун сайин келаётган маълумотлардан маълум бўлишича, минглаб ўзбеклар Кизил Армия сафини тўлдирмоқдалар. Биз аминмизки, улар шак-шуб-

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 33-дело, 5-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 33-дело, 6-бет.

<sup>3</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 33-дело, 6-бет.

жасиз яқин кунда ўлкани босмачилар ҳужумидаи ҳалоз қиласидар»<sup>1</sup>.

Совет тузумининг душманлари маҳаллий ҳалидан Қизил Армия қисмлари тузишга қаршилик кўрсатишга уринганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Аммо уларниң барча найранглари аҳолининг кучли ватанпарварлиги натижасида муваффақиятли равища енгилди.

Фарғона область революцион комитетининг Туркистон Марказий Ижроия Комитетига ёзган докладида шундай дейилади: «Олинган барча буйруқ ва декретлар дарҳол амалга оширилмоқда. Областниң ҳамма жойида босмачилар изғиб юргани туфайли мусулмонларни Қизил Армияга сафарбар қилиш тўғрисидаги декретнинг ижроси қийин кўринган эди. Ҳолбуки, Совет ходимларининг ғайрати билан бу иш тўғри ва ўз вақтида ўтказилмоқда»<sup>2</sup>.

Фарғона меҳнаткаш аҳолиси партия ва ҳукуматнинг Қизил Армия қисмларини тузиш тўғрисидаги қарорини бажаришга ўзининг энг шарафли ватанпарварлик бурчи деб қаради:

Сафарбарлик муваффақиятли ўтаётгани муносабати билан ўртоқ Фрунзе бош қўмондонликка маҳсус телеграмма юбориб, янги тузилаётган ҳарбий қисмларни командирлар билан таъминлашни сўраган эди. У шундай деб ёзган эди:

«Маҳаллий аҳолидан ҳарбий ишга ўргатилмаган 30000 дан ошиқ кишини сафарбар қилиш муносабати билан мусулмон комсостави мутлақо етишмаётir...

2-мусулмон пиёда қисми курси ва Москва отлиқ аскарлар курсидан чиқадиган мусулмон қизил офицерлардан 200 пиёда аскар ва 150 отлиқ аскар офицерларини юборишга наряд бериш тўғрисида буйруқ қилишингизни сўрайман.

Туркфронт қўмондони — **Фрунзе**.

Шу билан бир вақтда Тошкент пиёда аскарлари мактаби ҳузурида ҳам миллий қисмлар учун командирлар тайёрлашга киришилди. Қизил Армия уставлари ва бошқа ўқув қуроллари миллий тилларда нашр этилди. Армия-

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 4-опись, 442-дело, 2-бет.

<sup>2</sup> ЎзССР Октябрь революцияси Марказий Архиви 17/1-фонд, 156-дело, 355-бет.

даги партия ташкилотларини мустаҳкамлаш учун ерли халқдан 500 коммунист сафарбар қилинди<sup>1</sup>.

Кўп ўтмай Туркистон ўлкаси қўшинларининг қўмондени ўртоқ Фрунзе буйруғи билан Фарғонада қирғиз отлиқ аскарлари полки тузилди. Туркистон фронти Революцион ҳарбий Советининг фармойиши билан қирғиз отлиқ аскарлари полки ихтиёрига турли инструкторлардан ўн киши юборилди.

Миллий қисмларнинг босмачиларга қарши жанг ҳаракатларига жуда катта баҳо берилди. Туркистон дивизиясининг қўмондени ўртоқ Бригадзе ўртоқ Куйбишевга ёзган докладида: «Ўзбек қисмларининг жанговарлиги тўла қаноатлантираслик, агар уларни қўлга ола билсак... улардан намунали ҳарбий қисмлар тузиш мумкин» — деган эди.

Тинчлик, қон тўкмасдан аҳолини Совет ҳокимияти томонига ўтказиш йўли билан Қизил Армиянинг ҳарбий муваффақиятларини мустаҳкамлашнинг муҳимлигини кўрсатиб, ўртоқ Куйбишев шундай деган эди: «Фарғона фронтини қон тўкмасдан тугатиш мумкин, асосий эътиборни сиёсий ишга қаратиш керак. Сиёсий ходимларга кўпроқ эътибор беришингизни қатъий илтимос қиламан»<sup>2</sup>.

Партия, Совет ва ҳарбий органлар сиёсий ишни ҳарбий тадбирлар билан маҳкам боғлаб олиб бордилар. Туркистон фронтининг сиёсий бошқармасига мурожаат қилиб, ўртоқ Фрунзе: «Фарғонада аҳоли орасида олиб борилаётган сиёсий ишни мумкин қадар кучайтириш, уни ҳарбий тадбирлар билан боғлаб олиб бориш керак»<sup>3</sup> деган эди. Чиндан ҳам ерли аҳоли орасида олиб борилаётган барча ҳарбий тадбирлар катта сиёсий ишга асосланарди. Армия сиёсий ходимлари, область партия ташкилотларининг агитатор ва пропагандистлари Фарғона область аҳолиси орасида катта оммавий иш олиб бордилар.

Душмандан тозаланган аҳоли орасида ва фронт яқинидаги жойларда иш олиб бориш учун қўйидагича кўрсатма берилган эди:

<sup>1</sup> А. И. Зевелев. Туркистонда контреволюцион босмачиликнинг тор-мор қилиниши, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг илмий ахборотлари III-нашри, 1956 йил, 48-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 79-дело, 67—68-бетлар.

<sup>3</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 3-опись, 735-дело, 2-бет.

«1) Яқин жойдаги фронт орқаси Қизил Армия билан маҳкам боғлиқ бўлган бир вақтда граждан урушининг алоҳида шароитлари фронтга яқин жойлардаги аҳоли нинг Қизил Армия ва Совет ҳокимиятига муносабатини яхшилаш ва душмандан янги тозаланган жойларда Совет органлари тузиш вазифаларини қўяди.

2) Бу вазифани амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан пухта, маҳаллий шароитларга яхши мосланган, тез ишлайдиган қаттиқ интизомлик алоҳида аппарат тузиш зарур.

3) Дехқонлар ўртасида ишлашнинг қийинлиги ва чекка ўлка халқи турмушининг алоҳида хусусиятлари омма орасида коммунистик идея, партия ва Совет қурилиши вазифаларини эҳтиётлик билан тушунтириш учун қишлоқда ишлашга уста бўлган масъул ходимларни пухта танлашни талаб қиласди»<sup>1</sup>.

Бу кўрсатмаларнинг амалга оширилиши Совет қурилишини тезлаштиришда анча кўмаклашди. Шу билан бирга Фарғона обlastининг аҳолиси орасида партия X съездининг қарорларини кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Коммунистик партиянинг X съезди Совет республикасининг чекка ўлкаларида Коммунистик партиянинг — вазифаларини кўрсатиб берувчи қарор қабул қиласди. Бу қарорда партия миллий ўлка халқларининг хўжалигида ги чоризмдан мерос қолган қолоқликни тугатишлари, уларнинг ўз она тилида ўз матбуотини, мактабларини, маданий-оқартув кутубхоналарини ривожлантиришида уларга ҳар томонлама ёрдам бериши керак дейилган эди.

Фарғона область Ҳарбий комисариати ҳузуридаги сиёсий бўлим мудири ўз докладида қуйидагиларни ёзган эди: «1920 йил 1 мартда бир қанча қийинчиликлар енгилганидан ва бирмунча тажрибали ходимлар танланганидан кейин бўлим тузилди. Бу бўлим 2 ой мобайнида қуйидаги ишларни қиласди:

Бир ой ичida ҳарбий қисмлар, шунингдек ўзбек аҳолиси орасида 38 митинг, 40 мажлис, 18 лекция, 21 суҳбат ўtkазилди. Бир жойда баланд овоз билан газета ўқиб берилди». Сўнгра шу бўлим «меҳнаткаш аҳолини бутун куч ва воситалар билан Совет ҳокимиятига ёрдам бе-

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 2-опись, 109-дело, 15-бет.

ришга чақирган мурожаатнома чиқарди. Мурожаатнома ўзбек тилида 3000 ва рус тилида 2000 нусхада чиқарилди, дейилади.

Область қишлоқларида Совет мактаблари, рус ва мусулмон клублари, драма секциялари, қизил чойхоналар, агитпунктлар ташкил қилина бошланди. Кишлоқ аҳолисига Совет ҳокимияти олдида турган вазифалар кенг тушунтириб берилар эди. Ўртоқ Фрунзенинг ташаббуси билан революцион ҳарбий Совет ерли аҳоли орасида ишлаш учун маҳсус сиёсий-оқартув отряди тузди. Туркестон фронти революцион ҳарбий Советининг 1920 йили 27 июндаги қарорида шундай дейилган эди: «Фарғонада сиёсий-оқартув отряди тузиш ҳақида ахборот эшитилиб, қарор қилинди:

«Фарғона қишлоқ аҳолиси орасида ишлаш учун Туркестонни сиёсий бошқармаси ҳузурида тезда сиёсий-оқартув отряди тузилсин. Терма ҳарбий қисм отряд ихтиёрига берилсин... Отрядга агитатор кадрлар ва труппа биркитилсин»<sup>1</sup>.

Кенг миқёсдаги сиёсий-тарбиявий ишлар билан бир қаторда оммавий-маданий ишлар ҳам актив олиб борилди. Ерли аҳоли бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнаша бошлади. Митинглар кетидан маҳаллий активистлар кучи билан спектакль кўрсатилар ва концертлар берилар эди. Ўша вақтда концерт ва спектакллар Қўқон, Ўш, Наманган, Андижон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари ва бошқа жойларда кўп қўйиларди. Қўқон труппасини халқ труппаси деб атар эдилар, ундан Ҳамза номли ўзбек давлат драм театри етишиб чиқди. Бу труппа фақат шаҳарлардагина эмас, балки уездларга бориб ҳам концерт берарди. Ерли аҳоли орасида ҳамма жойда митинглар ўтказилар эди.

Шу даврда шаҳар ташкилотларининг активистлари уездлар аҳолиси орасида янада активроқ иш олиб бора бошладилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнаткаш аҳолининг асосий қисмини турмушнинг янги социалистик асосда қуришга жалб қилишга имкон берган эди.

Революцион ҳарбий советнинг Фарғона групласи Фарғона обкоми ва область революцион комитетининг ҳарбий-сиёсий экспедицияси жуда катта хилма-хил ишлар олиб борди. У шу ишларни бажариш учун 1920 йил-

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 163-дело, 72-бет

нинг ноябрида Фарғона ва Андижон уездларида 600 километрдан ошиқроқ йўл босиб ўтди. Экспедиция Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги энг узоқ қишлоқларга бориб, уларни советлаштириш учун қатор тадбирлар кўрди, маҳаллий халқ орасида кўп адабиётлар тарқатди ва босмачилардан зарар кўрган аҳолига катта моддий ёрдамлар берди. Экспедиция озиқ-овқат органлари ишида жуда катта бузилишлар топиб, уларнинг ишини тузатди. У қишлоқ камбағалларини уюштиришда катта ишлар қилди. Экспедицияга йўл-йўлакай босмачиларнинг майда-майда группаларига дуч келиб, улар билан жанг қилишга тўғри келди. Экспедициянинг сафари кўпгина жуда қимматли кузатишлар ва қишлоқда ишлаш тўғрисида анча хуносаларга олиб келди.

Сиёсий хабарлардан ерли аҳолининг кайфияти батамом ўзгарганлиги, унинг Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия томонига оғганлиги яққол кўриниб турарди. Туркистон КП Наманган уезд комитетининг ҳисоботида: «аҳоли совет вакилларини яхши кутиб олаётир» — деб ёзилган эди.

Бу ерда озиқ-овқат органларининг ишини яхшилаш, ерли аҳолидан озиқ-овқат олишдаги тартибсизликларга қатъиян чек қўйиш ҳам катта роль ўйнади. 1920 йил 20 майда Туркистоннинг революцион ҳарбий совети Фарғона обlastida ҳаракат қилаётган отрядларни озиқ-овқат ва керакли анжомлар билан таъмин этиш тўғрисида буйруқ чиқарди. «Босмачиларга қарши кураш шароити ҳарбий қисмларни майда отрядларга бўлиниб, ҳаракат қилишга мажбур этганини ва шу туфайли улар озиқ-овқат базасидан ажралиб қолаётганлигини ҳисобга олиб, Революцион ҳарбий Совет қиласи:

1) юқорида кўрсатилган шароитда ҳаракат қилаётган отрядларга ўз-ўзини таъмин этишга ижозат берилсиз, аммо ҳар қандай нарса ерли халқдан накд пулга олиниши керак. Пул бўлмаган ҳолларда концелярия бошлиғининг имзоси билан муҳр босилган расмий квитанция берилсин.

2) Бу квитанцияларни кўрсатган ҳамона Фарғона обlastinin ҳар бир хазинасидан тегишли кредит ҳисобига ҳақ тўлаш тўғрисида область молия комиссияси билан келишилсин»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 23-дело, 28-бет.

Фарғона меҳнаткашлари кенг оммасининг активлиги-ни ошириш учун «фронт ҳафтаси» эълон қилинди.

«Фронт ҳафтаси»да биргина Скобелев эски шаҳар аҳолисидан 1100 сўм пул ва кўп кийим-кечак йиғиб олинди. Яна муҳими шуки, областдан хабар берилишича: «бизнинг агитациямиз омманинг кўзини очди, уларнинг Совет ҳокимиятига бўлган ҳурматини оширди»<sup>1</sup>.

Совет ҳокимиятининг босмачилардан заарар кўрган аҳолига моддий ёрдам бериш юзасидан кўрган тадбирлари ерли халқда яхши таассурот қолдирди. Фарғона обlastининг Революцион ҳарбий Советига ана шу мақсадлар учун 50 миллион сўм пул ажратилган эди. Революцион ҳарбий совет область революцион комитетига аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўрган зарарини босмачилар олиб кетган от, араваларни, шунингдек Совет ҳокимияти томонидан юклатилган мажбуриятларни бажаришдаги зарарини қоплаш учун социал таъминот бўлимига зарур бўлган миқдорда пул ажратишни таклиф қилди.

Босмачилар зулмидан қутилиш учун ўз уй-жойини ташлаб қочиб кетган ва улар тор-мор қилингандан кейин қишлоғига қайтиб келган кишиларга, уларнинг уй-жой ва хўжалигини тиклашда ёрдам бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Уезд шаҳар революцион комитетига бундай кишиларга ёрдам кўрсатишни уюштириш топширилди.

Совет ҳокимиятининг босмачиларнинг босқинчилиги ва талончилигидан жабр кўрган аҳолига фавқулодда ёрдам кўрсатувчи органларининг қоидасида қуйидагилар ёзилган: а) чойхона ва овқатланиш пунктлари, болалар яслиси ва бошпаналар, ётоқхона ва амбулатория-шифохона пунктлари, касалхона ва ҳаммоллар ташкил қилинсин;

б) натура (паёк) ва пул билан ёрдам берилсин;  
в) заарар кўрган аҳолини яқин районларга кўчирилсин;

г) босмачилар ҳужуми вақтида хароб бўлган жойлардаги бутун қолган уйларга аҳолини зичроқ жойлаштирилсин ва маълум миқдорда мулк ва меҳнат мажбуриятлари юклатилсин».

Босмачилар олиб кетган от-уловларни экин мавсуми

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 2-опись, 409-дело, 152—155-бетлар.



Босмачилар бузган темир йўл кўпригини тузатиш.

бошланиш олдидан дехқонларга қайтариб бериш чорали-  
ри кўрилди.

Андижондан 1920 йил 20 апрелда ўртоқ Куйбишев  
номига олинган бир ҳужжатда шундай дейилади: аҳоли-  
ни озиқ-овқат билан таъминлаш масаласида қўлимиз-  
дан келган барча чораларни кўрмоқдамиз. Маҳаллий  
ташкилотлар... давлатга зарап етказмасдан, аммо дав-  
латнинг бурчи тариқасида... аҳолидан олинган тўрт минг  
отни қайтариб беришни зарур деб топади... Бу ишни жу-  
да тез, узоги билан 10 кун ичida уюштириш керак, чун-  
ки экин вақти ўтиб кетаяпти<sup>1</sup>.

1920 йилнинг ёзида Фарғона босмачиларининг бош-  
лиқлари яна бош кўтаришди. Аҳоли пунктларига, кор-  
хоналарга ҳужум қилиш, склад ва пахта заводларига ўт  
кўйиш кўпая бошлади. Август ойида босмачилар Фарғо-  
нада пахта заводларига 9 марта, темир йўлга 11 марта  
ҳужум қилди. Сентябрда пахта заводларига 15 ва темир  
йўлга 17 марта ҳужум қилинди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 2-опись, 456-дело, 5-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 3-опись, 881-дело, 30-бет.

Олтиариқ район революцион комитетининг раиси тұрт паҳта заводининг ҳаммасыга ҳам қароқчилар үт қўйиб юбориши<sup>1</sup>— деб хабар қилған эди. Буларнинг натижасыда Туркистан фронти Революцион ҳарбий Советига бор паҳтани тездан ташиб олиб кетишга тұғри келди. Туркистан фронти Революцион ҳарбий Советининг 1920 йил 27 июндаги қарорида Фарғонада чиққан күп ёнғинлар босмачи шайкаларнинг Совет ҳокимиятига қарши олиб бораётган қатъий курашининг формаларидан бирнедир дейилган эди. Фарғонадан паҳтани тезда ташиб кетиш, Андіжондан Марғилонга паҳтани қуролли кучлар иштирокида ташиш зарур, деб топилди. 2-Туркистан дивизиясининг қўмондонлигига жойларда паҳтани ҳарбий қисмлар иштирокида вагонларга орттирилсін деб буюрилган эди<sup>2</sup>.

Совет ҳокимиятининг қон тұқмасдан тинчлик үрнатышига инициишии ўзининг ғаразлы мақсадлары йўлида фойдаланған баъзи босмачи бошлиқларнинг хоинлиги, уларнинг янги-янги тұқнашишлар уюштириши, 1920 йилнинг ёзида шаҳар ва корхоналарга тинмай ҳужум қила бериши Турккомиссияни босмачиларни орасини бўлиб юбориши билан бирга уларни қурол кучи билан бостириш йўлига ўтишга мажбур қилди. Босмачи бошлиқлари билан ҳеч қандай музокара олиб борилмай қўйди.

Туркистан Марказий Ижроия Комитети ва Туркистан фронти Революцион Ҳарбий Советининг буйруғи билан 20 августдан бошлаб, Фарғонада ҳарбий диктатура режими үрнатилди.

«Фарғонада Совет ҳокимиятининг душманлари— дейилади буйруқда,— бизнинг ташкилий ишларимизга халақит бериш учун бутун кучларини сарфламоқдалар. Бу курашда ишчилар синфи ва деҳқонларнинг душманлари ҳамма воситаларни ишга солмоқдалар, халқ бойлигини нес-нобуд қилиш (заводларга үт қўйиш, темир йўлларни бузиб ташлаш ва бошқалар) ва ўлка экономикасининг ҳамма негизларини қўпориш усулларини кенг қўлланмоқдалар. Совет ҳокимиятининг душманлари ўзларининг ифлос ниятлари йўлида босмачиликдан фойдаланиб келдилар... Ана шу разилона ҳаракатлар оқибатида илгари гуллаб-яшнаган Фарғона ҳозир харобага

<sup>1</sup> Фарғона область архиви, 121-фонд, 88-дело, 40-бет.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, 1-опись, 23-дело, 70-бет.

айланди. Аҳоли хонавайрон бўлиб, босқинчи шайкаларнинг жабр-зулми остида эзилмоқда.

Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон фронтининг Революцион Ҳарбий Совети Фарғона обlastининг ҳарбий ва иқтисодий аҳволи граждан ва идоралар ишини бирлаштирадиган темир интизомли ягона ва мустаҳкам ҳокимият бўлган пролетариат диктатураси ўрнатишни талаб қилаётганини назарда тутиб, Фарғона обlastida Ҳарбий Диктатура ёълон қиласди».

Фарғонада бутун ҳокимият область ҳарбий Советининг қўлига ўтади<sup>1</sup>.

## ТУРКИСТОНДА РЕАКЦИЯНИНГ СЎНГГИ ТАЯНЧИ БЎЛГАН БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ЙИҚИТИЛИШИ

Бухоро амирлиги реакциянинг сўнгги таянчи бўлиб қолган эди. Совет ҳокимиятига қарши курашувчи интервентлар ўз планларини амир билан ҳамкорликда тузардилар. Барча реакцион кучларнинг асосий маркази бўлган «Қўқон мухторияти» тор-мор қилингандан кейин барча контреволюцион кучлар Бухорога тўпланган эди. Бухоро амири Бухорони Совет ҳокимиятининг барча душманлари учун бошпанага айлантириди. Амир актив жангларга тайёрлик кўрмоқда эди. Олинган маълумотларга қараганда, Бухоро амирлигининг вакиллари ҳамма жойда жуда кўп милтиқ ва ўқ-дорилар сотиб олмоқда эди. Шу билан бирга амир босмачиларни Советларга қарши курашда итоаткор қуролга айлантириш мақсадида, уларнинг бошлиқларига ёрдам берарди. У ғазоватда қатнашиш истаги бўлган обрўли мусулмонларнинг имзосини ўз агентлари орқали тўпламоқда эди. Шу мақсадда Бухородан Фарғонага панисломист ташвиқотчилар келиб, дехқонларни Совет ҳокимиятига қарши муқаддас урушга даъват қиласдилар.

Бухоро амири босмачи малайларни тақдирлаш учун алоҳида олтин фонд ажратиб, энг актив ҳаракат қилган босмачи шайка бошлиқларини мукофотлаб турди.

Атоқли совет саркардаси М. В. Фрунзе ички ва ташқи контреволюциянинг ҳарбий планини пайқаб ол-

<sup>1</sup> ЎзССР Октябрь Революцияси Марказий архиви 17/1-фонд, 156-дело, 342-бет.

ган эди. Совет ҳокимиятининг душманлари — деган эди у — бизни қўрқитиш ва Фарбий фронтдагина эмас, ҳатто Туркистон чегараларида ҳам бизнинг аҳволимизни оғирлаштириш учун ҳамма кучларини сарфламоқдалар. Разведка берган маълумотларга қараганда душманлари миз Эрон, Бухоро ва, иложи бўлса, Афғонистоннинг бизга қарши иттифоқини тузиш ва ҳали тугатилмаган Фарғона босмачиларидан фойдаланиб бизга жанубдан зарба бериш ниятида эмишлар<sup>1</sup>.

Эрон билан бевосита чегара дош бўлган Бухоро интервентлар учун қулай коридор бўлиб, душман у ердан Афғонистон орқали амирнинг армиясини ҳам, босқинчиларни ҳам курол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлаб туриши мумкин эди. Туркистон Совет ҳукумати амирнинг интервентлар билан тил бириктириш йўлидаги ҳамма уринишларини ҳушёрлик билан кузатиб турди.

1920 йилнинг ёзида Бухоро амири чет эл империалистларининг ёрдами билан Фарғонага босмачиларни кўплаб юбора бошлади. Бу «яқиндагина зўр бериб ўзига четдан... Эрондан ва ҳатто Деникиндан иттифоқчи излаб юрган Бухоронинг бизга қарши ошкора душманлик йўлига ўтгани ва очиқдан-очиқ курол кўтараётгани»дан далолат берарди... «5 августда Фарғона босмачилари ва руҳонийларининг вакиллари Советларга қарши биргалашиб ҳаракат қилиш мақсадида Бухорога келдилар<sup>2</sup>.

Бухоро амирлиги Қизил Армия қисмлари тор-мор қилган босмачилар учун бошпана бўлган эди. Босмачилар Бухоро амири томонидан ҳеч қандай тўсқинликка учрамай Фарғона обласидан бемалол Бухорога ўтиб кетар, у ерда дам олиб ва ўқ-дори тўплаб яна Фарғонага келардилар.

Бухоронинг бу сиёсати душманларни тамомила тугтишга имкон бермасди. Шу муносабат билан Туркфронт Революцион Ҳарбий Совети Бухоро амирлиги билан чегарани бекитишга қарор қилди.

Бухоро халқлари амирнинг контрреволюцион ниятларини пайқай бошладилар. Улар озодликка эришишининг бирдан-бир йўли амирликни йиқитиши эканлигини тобора тушуна бордилар. Бухоро коммунистылари революцион ҳаракатга бошчилик қилдилар.

<sup>1</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 116-дело, 47—48-бетлар.

<sup>2</sup> СССР ЦГАКА, 110-фонд, З-опись, 116-дело, 47—48-бетлар.

1920 йилнинг 16—18 августида Чоржўйда Бухоро Коммунистик партиясининг IV съезди бўлиб ўтди. Бу съезд золимни йиқитиш учун халқни қуролли қўзғолонга чақирди. Шундан кўп ўтмай, 1920 йилнинг августида Бухорода халқнинг революцион қўзғолони бошланди.

Бухоро аҳолиси Туркистон Совет Республикаси ҳукуматига мурожаат қилиб, амирликни йиқитиш учун ёрдам сўради. Совет Туркистони бу илтимосни бажариб, Бухоронинг эзилган халқларига ёрдам қўлини чўзди. Бухоро революционерларига мадад бериш учун Қизил Армия қисмлари етиб келишди.

Қаттиқ жанг ҳаракатларидан кейин 1920 йил сентябрда Бухорода деспотик феодал тузум ағдарилди.

Москвага — В. И. Ленинга қўйидагича хабар ёзиб юборилди:

«Эски Бухоро қалъаси Қизил Бухоро қисмлари ва бизнинг қўшинларимизнинг бирлашиб штурм қилишлари натижасида тўла ишғол этилди. Регистон устида Қизил байроқ ғолибона ҳилпирамоқда... Амир омон қолган яқин кишилари билан қочди».

Амирликнинг емирилиши билан ғарбий империалистларнинг Бухорони ўрта Осиёдаги ўзларининг контреволюцион қўрғонига айлантириш тўғрисидаги планлари барбод бўлди.

Бухорода революциянинг ғалабаси ва Совет халқ республикасининг тузилиши Туркистонда социалистик тузумни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Амирнинг ҳалокати революцияга қаршилик кўрсатаётган барча эксплуататор синфларнинг ва уларнинг агентлари бўлган босмачиларнинг мағлубиятга учраганлигидан дарак берар эди. Бухорода халқ ҳокимияти ўрнатилиши билан босмачилар ўзининг сўнгги ҳомийси ва таянчидан маҳрум бўлдилар.

**Якун ясайдиз.** Актюбинскда Белов армиясининг тор-мор қилиниши, сўнгра Закаспий ва Еттисув фронтларининг тугатилиши Совет Туркистонининг ҳарбий стратегик ва сиёсий аҳволини мустаҳкамлади ҳамда босмачиларга қарши курашда бурилиш бўлди. Халқаро империализмнинг интервентлар ва ички контреволюция кучи билан ёш Совет республикасини бўғиб ташлаш тўғрисидаги плани барбод бўлди. Бухоро ва Хивада Совет халқ революцияси рус пролетариатининг қардош-

ларча ёрдамига таяниб Ўрта Осиёдаги сўнгги деспотик режимни тугатди.

Коммунистик партия томонидан қабул қилинган ҳарбий ва сиёсий тадбирлар натижасида Совет ҳокими-яти босмачиликка қарши курашда Фарғона аҳолисининг ёрдами ва хайриҳоҳлигига таянди. Босмачиларга қарши курашга меҳнаткашлар тобора актив қатнашдилар. Як-каланиб қўйилган босмачиларга бир неча қақшатқич зарба берилди. 1919 йил сентябрида Шарқий Фарғонада қулоқ-босмачилар «армияси» тугатилди, 1920 йил январда Эргашнинг муҳим истеҳкоми бўлган Бечкир қалъаси олинди. 1920 йилнинг марта Мадаминбек таслим бўлди. Буларнинг ҳаммаси босмачиликнинг узил-кесил тор-мор қилинишига замин тайёрлаган эди. Оддий босма-чиларнинг оммавий таслим бўлиши билан нишонланган 1920 йил босмачиларнинг асосий кучларининг мағлуби-ятга учраган йили бўлди. Совет ҳокимияти кўрган сиё-сий ва иқтисодий тадбирлар натижасида босмачилик батамом тугатилди. Бу ҳақда кейинги бобларда сўз юри-тилади.

## ТУРҚИСТОНДА ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Тошкентга Бутун Россия Марказий Ижроия Комите-ти ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон комиссияси келмасдан олдин босмачиликни бостиришда ҳарбий ва сиёсий тадбирларнинг қайсиси устун туриши тўғрисида Ўрта Осиё партия-совет арбоблари орасида узоқ тортишув бўлган эди. Бунинг устига бу тадбирларнинг ҳар қайсиси бир-биридан ажратилиб, якка ҳолда олинарди.

1919 йили ноябрда Тошкентга Турккомиссиянинг ке-лиши билан ана шу беҳуда музокараларга чек қўйилди.

Составига Совет давлатининг атоқли ҳарбий ва сиё-сий арбоблари (М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Эли-ава, Я. Э. Рудзутак) кирган Турккомиссия ҳам, ҳарбий операцияларнинг стратегик планлари ҳам, сиёсий ишлар-нинг катта программаси ҳам партиянинг контрреволюция, жумладан, босмачиларга қарши курашда асло ҳарбий чоралар билангина чекланиб қолмоқчи эмаслигини таъ-кидлаб кўрсатган эди.

Лениннинг Туркистонга кенг ҳуқуқли комиссия юбориши партия Марказий Комитетининг Ўрта Осиёда вазият нақадар оғир эканлигига яхши тушунганлигидан далолат берар эди. В. И. Ленин, «чоризм ва великорусс буржуазияси ўзининг жабр-зулми билан қўшни миллатларда умуман великорусларга нисбатан жуда катта ғазаб ва ишончсизлик туғдирди, бу ишончсизликни сўз билан эмас, балки иш билан ўйқотиш керак»<sup>1</sup>, деб кўрсатган эди.

Босмачиларнинг пайдо бўлиши кишини ташвишга соладиган ҳодиса эди. Чунки миллий буржуазия бошлиқларининг ўрта деҳқонларнинг бир қисмини ўзларига эргаштира олганликлари Совет Туркистони раҳбар арбобларининг миллий масалада маълум хатоларга йўл қўйганликларидан далолат берар эди. Бу хатолар Туркистонни маҳаллий аҳолисининг миллий аламини ошириб, уларни Россия пролетариати билан яқинлашишини секинлаштирган эди.

Турккомиссия Туркистондаги ички сиёсий вазиятни ва партия ичидаги аҳволни ўрганиб чиқиб, партия ишида қатор нуқсонлар топди. Туркистон Марказий Ижроия Комитетига суқилиб кирган «сўл» эсерлар у ерда сепаратчилик кайфиятларини кучайтириб, Совет ҳокимиятини партияга қарши қўйдилар, партия Ўлка Комитетининг директиваларини бажаришни саботаж қилдилар. Жойлардаги маҳаллийчилик ва ўзбошимчалик Республи-



Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Турккомиссиясининг аъзоси

Я. Э. РУДЗУТАК.

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 26-том, 172-бет, Ўздавнашр.



Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Турккомиссиясининг аъзоси.

Ш. Э. ЭЛИАВА.

лика раҳбар органлари-нинг обрўини тушириб қўйган эди.

«Жойларда ҳокимиятчилик принципи,— дейилади Туркистон Коммунистик партияси-нинг III ўлка съездига резолюциясида, — практикада ва маҳсус Совет ходимлари томонидан уни амалга оширишда ярамас принцип эканлиги маълум бўлди»<sup>1</sup>.

Партия сафлари социал ёт унсурлар, троцкийчилар ва улуғ рус шовинистлари билан ифлосланган эди. Фарғонадаги каби партияга суқилиб кирган ёт унсур ва амалпастлар Совет ҳокимиятининг обрўйини туширмоқда эдилар<sup>2</sup>.

Баъзи жойларда, масалан, Ўш уездининг

тинч аҳолисини талаб ёмон ном чиқарган Петренко отряди каби отрядлар Совет ҳокимиятининг номи билан ниқобланиб олиб, безорилик қиласар эдилар. Бундай заарарли ҳаракатлар аҳолида норозилик туғдирадар ва босмачиларнинг ўз отрядларига одам ёллашини осонлаштиради<sup>3</sup>.

Турккомиссия олдида жуда масъулиятли вазифалар туради. У дехқонлар кўпчиликни ташкил қилган қолоқ мамлакат бўлган Туркистоннинг мураккаб социал ва миллий шароитларини ҳисобга олиб, Россия пролетариати билан чекка ўлка меҳнаткаш аҳолисининг Революцион иттифоқини мустаҳкамлаши керак эди. Бунинг учун аввало чоризмнинг сиёсати натижасида Туркистон-

<sup>1</sup> Туркестанский Коммунист, 1919 йил, 17 июнь.

<sup>2</sup> Ўша газета, 1919 йил, 8 июнь.

<sup>3</sup> Ўша газета, 1919 йил, 28 октябрь.

нинг Россиядан узоқлашиб, яkkаланиб яшаши, марказга бўлган ишончизлигини тугатиш керак эди. Бу муҳим вазифаларни амалга оширишдаги биринчи шарт Туркистон Коммунистик партияси сафларини большевиклаштириш, уни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ленинча миллий сиёсатнинг ҳар қандай бузилишларига ва энг хавфли ҳисобланган улуғ рус шовинизмига, мустамлакачилик ва миллатчиликка қарши кескин кураш бўлган эди.

Туркистонни Совет Россиясига қайта қўшиб олингandan кейин кўп ўтмай В. И. Ленин Туркистон коммунистларига хат билан мурожаат қилиб, Совет ҳокимиятининг чекка ўлкаларидағи муҳим вазифаларини қисқача асослаб берган эди.

«Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш,— деб ёзган эди Владимир Ильич,—эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тариҳий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-дехқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган маълум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Мен сизлардан бу масалага айниқса эътибор беришингизни,— Туркистон халқлари билан намуна кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни,— бошида Британия империализми турган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотиши чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни — бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашиングизни ва унинг директиваларига, яъни худди шу руҳда унга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директиваларга қаттиқ риоя қилишларингизни сизлардан жуда илтимос қиласман»<sup>1</sup>.

В. И. Лениннинг Туркистон Комиссияси ишига асос бўлган бу кўрсатмалари Туркистон коммунистларини ғоявий беқарорликка қарши курашда қуроллантирди ва ўюштиргди.

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тұғрисида, 1957 йил, 110-бет, Ўздавнашр.

Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Турккомиссия тузиш ва унинг вазифалари ҳақидаги қарорида шундай дейилган эди: «Туркистон халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳамда ҳар қандай миллий тенгсизликнинг ва бир миллий группанинг бошқа бир миллий группа ҳисобига бўлган имтиёзларининг йўқ қилиниши Россия Совет ҳукумати юргизаётган бутун сиёsatнинг асоси эканлиги ни ва унинг органларининг барча ишларида асоси қўлланма бўлиб хизмат қилишини, фақат шундай иш олиб боргандагина Туркистондаги туб меҳнаткашлар оммасининг Россия ишчи ва деҳқонларига нисбатан ишончсизлик билан қарашини, рус чоризмининг кўп йиллик ҳукмронлиги натижасида вужудга келган ана шу ишончсизликни узил-кесил бартараф қилиш мумкин» бўлади.

Мустамлакачилик ва миллий тенгсизлик сарқитларини узил-кесил тугатиш учун аввало ўз ҳаракати билан миллий адоватга замин ҳозирлаб бераётган улуғ рус шовинистларини яккалаб қўйиш ва ғоявий жиҳатдан тор-мор қилиш керак эди. Фрунзе, Рудзутак ва Куйбишев ўртоқларнинг кўрсатмасига биноан Туркистон Коммунистик партиясининг Ўлка Комитети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қўшма мажлиси (1919 йил 15 октябрь) Миллатлар Халқ Комиссарлигини тугатиш ҳақидаги хато қарорни бекор қилдилар.

Турккомиссия маҳаллий миллатларнинг ўзига хос маданияти, турмуши, традицияларига эҳтиёткорлик билан яхши муомалада бўлиш намуналарини кўрсатди. У Туркистон меҳнаткаш оммаси манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси фақат Совет ҳокимияти эканлигини уларга конкрет ишларда исбот қилиб, маҳаллий аҳолини социалистик маорифга тортиш, ўлкани бошқариш ишларига жалб қилиш учун, совет миллий маданиятини яратиш учун курашни қизитиб юборди.

Турккомиссия Туркистон Коммунистик партиясини барча ёт унсурлардан тозалаш ишларига бошчилик қилди.

Маҳаллий халқнинг ишончини қозониш учун сабот ва қунт билан олиб борилган ишга, уларни Совет органларига дадил жалб қилиш кўмаклашди. Ишга тайинлаш тартиби Совет қурилишининг демократик усули бўлган сайлаб қўйиш тартиби билан алмаштирилди. В. В. Куйбишев 1920 йил 22 июлда РКП(б) Марказий Комитетига

қүйидаги мазмунда телеграмма юборган эди: «Волость съездлари ҳамма жойда деярли тамом бўлди, натижасини ҳозир ҳисобга олиб бўлмаётир, аммо сайловлар яхши тугалланди деб умид қилишга ҳамма асос бор. Марказда, (яъни Тошкентда А. К.) бўлган ўзгаришлар ҳар ҳолда мусулмон камбағалларининг кайфиятига яхши таъсир кўрсатса керак, чунки улар билан Совет ҳокимияти ўтасидаги ғов йўқолмоқда»<sup>1</sup>.

1920 йили 13 ноябрда Туркеспублика Халқ Комиссарлари Совети жойларда совет аппаратларини тузишни энг муҳим вазифа, деб билди. Маҳаллий аҳолидан совет ходимларини тайёрлашга, бунинг учун шаҳар ва уездларда тегишли курслар очишга қарор қилинди.

Деҳқонларга нисбатан тутилган сиёсатдаги бузилишлар тўғриланганди. Туркистон Коммунистик партияси II съездининг (1918 йил декабрь) деҳқонлар тўғрисидаги қарорлари ярамас меньшевистик руҳ билан суғорилган эди. Деҳқонлар,— дейилган эди резолюцияда,— пролетариатнинг доимий иттифоқчиси бўлолмайдилар. Бу нотўғри кўрсатмалар нотўғри иш олиб боришга ҳам сабаб бўлди. Фарғонада меҳнаткаш ва камқувват деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш йўли билан деҳқонлар коммуналари тузила бошланди. Кейинча, Фарғона область Ижроия Комитети ва Турккомиссиянинг 1919 йил 10 декабрдаги қарорлари билан бундай коммуналар ихтиёрий ташкилотларга айлантирилди.

Аҳоли мол-мулкини тартибсиз мусодара қилиш ва озиқ-овқат сиёсатини бузилишига йўл қўйилган эди. Бу ишларга кейинроқ фош қилинган Англия жосуси Поворов бошчилик қилган эди.

Миллий тенгсизликни ва мустамлакачилик сарқитларини йўқотиш юзасидан Турккомиссия қўлланган қатъий чоралар улуғ рус шовинизмига қақшатқич зарба бериш билан бирга турли миллатчиларни ҳам батамом заифлаштириб қўйди.

Туркистон Коммунистик партиясидаги миллатчи-оғмачилар бошлиғи Рисқулов Турккомиссия келмасдан олдин мусулмонлар бюросини<sup>2</sup> партия Ўлка Комитетига

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг архиви, 122-фонд, 1-опись, 40-дело, 50-бет.

<sup>2</sup> Мусбюро — Туркистон Коммунистик партияси мусулмонлар секциясининг бюроси.

қарши қўйишга ҳаракат қилган ва фақат Мусбюргина маҳаллий меҳнаткашлар манфаатини ифода этади деб ҳисоблаб, унга ҳукумат функцияларини берган эди. Туркистон миллатчи-оғмачилари партия ва совет қурилишида миллий курияларда ўзича алоҳида иш юритишини, турли миллат меҳнаткашлари орасига сунъий ғов солиб, уларни айрим миллат, гуруҳларга бўлишни зўр бериб тарғиб қилдилар.

Миллатчи-оғмачилар ишининг муқаррар заарали оқибати шунга олиб келдики, Рисқулов ягона Туркレスпубликаси тузиш проектини ишлаб чиқиб, уни ўз тарафдорлари билан зўр бериб ҳимоя қилди. Рисқулов интернационализм байроғи билан ниқобланиб олиб, Туркистондаги ҳамма халқлар ягона турк қабиласидан тарқалган деб, бу халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳуқуқини инкор қилди. Шу билан бирга Рисқулов группаси турк компартияси тузишни талаб этди<sup>1</sup>.

Рисқулов группаси ўзининг барча муғомбирликлари, Туркистон партия съездлари қароридан норозиликлари, Турккомиссия устидан тўқиган ва Кремлга ёзган сонсаноқсиз бўхтон ҳамда уйдирмаларига қарамай, мағлубиятга учради ва яккаланиб қолди.

Рисқулов группасининг халққа қарши сиёсатини Турккомиссия фош қилиб ташлади.

Турккомиссия келган вақтда Тошкентда уч партия маркази: Туркистон Компартиясининг Ўлка Комитети, Мусулмон бюроси ва чет эл коммунистлари бюроси вужудга келган эди.

Туркистон Коммунистик партияси ягона партия Марказининг ташкил этилиши Туркистон Коммунистик партиясининг ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келди. Туркистон Компартиясини большевиклаштириш ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган бу тадбирларнинг ҳаммасини яқунлаб В. В. Куйбишев шундай деган эди: «Турккомиссия бу ердаги коммунистик ишда миллатчилик-оғмачилигига йўл қўймайди, съезд олди кампаниясини нормал ўтказишга, партия сафларини тозалашга киришишга имкон беради, яна энг муҳими, ҳоки-

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти, 122-фонд, 1-опись, 40-дело, 28-бет.

миятни ҳам, партияни ҳам маҳаллий аҳолининг энг қуий табақаларига яқинлаштиради»<sup>1</sup>.

РКП(б) Марказий Комитети 1920 йил 12 августдаги циркуляр хатида Туркистон Коммунистлари олдида турган вазифаларни конкретлаштириб берган эди:

«Аввало коммунистларнинг бурчи эзилган миллат меҳнаткашларининг ишончини қозонишdir... Миллий тенгсизликнинг барча сарқитларини таг-томири билан юлиб ташлаш керак... Ерсиз деҳқонларни ер билан таъминлаш ва қирғиз камбағалларига улардан тортиб олинган ери қайтариб бериш лозим. Туркистоннинг маҳаллий халқлари ўзбек, қирғиз ва туркманлардир. Совет ҳокимияти ҳам худди мана шу халқларнинг меҳнаткаш оммасига таянмоғи лозим. Меҳнаткашлар Советини мана шу асосда қуриш керак.

Маҳаллий халқнинг миллий-турмуш хусусиятларини ҳисобга олишда жуда эҳтиёткорлик кўрсатиш, унинг қолоқлигининг тарихий сабабларини яхши тушуниш, сақланиб қолган эски бидъат ва хурофотни Совет қурилиши процессида меҳнаткашларнинг ўзлари йўқотиб юборишлирини равshan англаш керак. Фақат Туркистон маҳаллий аҳолисининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари асосидагина бу ерда мустаҳкам Совет ҳокимияти тузиш мумкин...

Партия маҳаллий аҳолининг барча яхши пролетар ва пролетар бўлмаган меҳнаткашларини ўз байроби остига тўплаши ва уларни революцион билим билан қуроллантириб, меҳнаткашлар манфаати учун курашга бошлаб бориши керак.

Англия интервентлари, оқ гвардиячилар, Туркистонга қўшни мамлакатларнинг хон, бой ва уламолари меҳнаткаш халқа қуролли ҳужум қилишга доимо тайёр турдилар, Совет ҳокимиятига суқилиб киришга уринадилар. Жойларда маҳаллий камбағаллардан Қизил Армиянинг довюрак кадрларини тайёрлаш керак. Уларни ўз меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қурол ушлашга ўргатиш лозим. Совет Туркистони Шарқда Коммунистик революциянинг илғор постидир. Қани, ишга ўртоқлар!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг архиви 122-фонд, 1-опись, 40-дело, 50-бет.

<sup>2</sup> Уша ерда, 60—61-бетлар.

# ФАРГОНАДА СОВЕТ ҲОҚИМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ВА БОСМАЧИ ҚОЛДИҚЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ (1921—1923 йиллар).

1921 йилнинг бошланишида Андижон уездидаги Парпи шайкасига қарши катта операциялар ўтказилди. 18 январда бошланган жанг ҳаракатлари бу шайканинг тормор келтирилиши билан тугади. Парпининг ўзи оғир ярадор бўлиб, 9 апрелда ўлди.

Парпи ўлган ҳамона Андижон уездидаги хўжайнлик қилиш ҳуқуқи учун икки даъвогар — Истроил ва Маҳкамхўжа ўртасида кураш қизиб кетди. Бу кураш «бош қўмондон» Кўр Шерматнинг аралашуви билан тугади. Кўр Шермат Маҳкамхўжадан шубҳа қиласарди. У Маҳкамхўжани Совет ҳокимияти томонига ўтганини сира кечиролмас эди. Шунинг учун у Маҳкамхўжани ўлдиришга буйруқ берди. Маҳкамхўжа ўлдирилгандан кейин Истроил Кўр Шерматнинг ўнг қўли бўлиб қолди. Душман лагерида ана шундай ваҳшиёна қонунлар ҳукм сурарди.

Тез орада Истроил имзоси билан мурожаатнома тарқатила бошланди. Истроил Совет қўмондонлигига таслим бўлган босмачи йигитларнинг айрим беқарор қисмини ажратиб олишга уриниб, уларга афв эълон қилди. «Бизга қўшилган ҳамма қуролли-қуролсиз йигитларни,— ваъда қилди Истроилбек Фози (у ўзини шундай деб улуғлар эди),— биз бажону дил кенг қучоқ очиб қабул қиласиз»<sup>1</sup>. Аммо Истроилбек чақириқлари беҳуда кетди.

Аксинча, миллий контреволюция бошлиқларининг босмачиликни ҳалокатдан сақлаб қолиш йўлидаги ҳамма уринишларига қарамай, оддий босмачилар Совет ҳокимиятининг ғалабаларини кўриб, ўзларининг сохта йўлга тушиб қолганларини тобора яхши тушуна бошлаган эдилар. Айрим қўрбошилар бу кайфиятни кучайиб кетаётганлигини кўриб, 1921 йил бошланишида Совет қўмондонлиги билан янгидан музокара бошладилар. Айрим қўрбошилар, масалан Жонибек, таслим бўлди. Кўр Шермат сингари баъзи қўрбошилар ўзининг ўжарлиги билан музокарани онгли равишда барбод қиласарди ва кейин бу-

<sup>1</sup> УзССР Ички ишлар министрлигининг Андижон область архиви с/90-фонд, 85-опись, З-дело, 325-бет.

нинг учун масъулиятни Совет ҳукуматига юкламоқчи бўларди.

Қўрбошилар музокара бошлиши босмачиликнинг заифлашиб, шубҳасиз ҳалокатга юз тутганидан далолат берарди. Совет қўмондонлиги қўрбошиларнинг хиёнаткорлигини яхши билганлиги учун босмачилар олдига аввал сўзсиз тўла қуролсизланиш тўғрисида шарт қўйди. КўрШермат таслим шартларини рад қилиб, жанг ҳаракатларини қайта бошлаб юборди. Аммо энди ташаббус бутунлай Совет қўшинлари қўлига ўтган эди. Босмачилар Фарғонанинг бориш қийин бўлган узоқ тоғлик районларига бекиниб олиб, вақт-вақти билан, пайт топиб тўсатдан ҳужум қиласар эдилар.

1921 йилда Кўр Шермат, Истроил ва Муҳиддинга қарши операция олиб борилди. Гўрбувада ўз қароргоҳидан қувиб чиқарилган Кўр Шермат Чинобод қамишзорларида яшириниб, ўзининг ҳолдан тойдирилган отрядини тартибга келтира бошлади.

Сентябрь ойида Муҳиддин Гурунч — Мазор, Қўргонтепа, Султонобод атрофида темир йўлга яқинлашиб келди. У Ойим районини ишғол қилиб, Истроил шайкасини ўзига бўйсундирди. 1 октябрда Совет қўшинлари Муҳиддин шайкасига қарши жанг бошлади. Муҳиддин катта талафот бериб, тоқقا қочиб кетди. Муҳиддиннинг дўқпўписалариға қарамай, унинг оддий йигитлари орасида иккиланишлар кучая бошлади ва улар Советлар томонига ўта бошладилар.

Ноябрнинг бошларида Кўр Шермат шайкасига қарши операция ўтказилди. Қетма-кет мағлубиятга учраш натижасида унинг шайкасининг жанговарлик қобилияти бушашиб, Кўр Шерматнинг саркардалиқ эътибори тушиб кетди. Шарманда бўлган «бош қўмондон» ўз қўшинларини ташлаб, Бухоро амирининг агентлари билан алоқа боғлаш учун Шарқий Бухорога жўнаб кетди. Унинг қўшинлари Муҳиддин қўлига ўтди.

1921 йили ишчи ва деҳқонлар республикаси душманлар устидан ғалаба қозониб, тинч қурилиш йўлига ўтди. Ўз таянчини йўқотиб, кундан-кунга заифлашиб бораётган босмачилар темир йўлларни бузиб, корхоналарга ўтқўйиб, хўжаликдаги бузғунликни кескинлаштиришга ҳали ҳам уринарди.

Бу ҳол Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советини 1921 йил октябрда Фарғона областида фавқу-

лодда аҳвол эълон қилишга мажбур этган эди. Ҳалқ бойлигини қўриқлашда ва майда босмачи шайкаларини даф қилишда милиция муҳим роль ўйнаши керак эди. Кўп районларда ҳалқ милициясининг кўнгилли отрядлари тузилди. Масалан, Хўжанд уезди, Исфара волостининг аҳолиси босмачиларга қарши кураш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, Коммунистик партия район Комитетига қўйидаги таклиф билан вакиллар юборди.

1) Маҳаллий милиция отрядларини тузиш учун ерли аҳоли орасидан энг соғдил ва Совет ҳокимиятига хизмат кўрсатган ўртоқлар ажратилсан;

2) Бунига кетадиган харажатни зарур бўлган ҳолда аҳоли ўз зиммасига олади;

3) Ҳалқ милицияси босмачиларга қарши ташкилий равишда кураш олиб бориши учун ўзини ҳокимият органилари ихтиёрига бутунлай топширади.

1921 йилда Фарғонанинг бир оз тинчлана бошлаши Совет ҳокимияти душманларини қаттиқ ташвишга солди. Улар Совет кишиларининг тинч меҳнатини бузиш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Тахтидан йиқитилгандан кейин Афғонистонга қочган Бухоро амири Олимхон ҳали ҳам қурол кучи билан Бухорода феодал тартибларни тиклаш умидида эди.

Англия империалистлари томонидан ишга солинган Олимхон Хисор вилоятидаги Локай қабиласининг бошлиқлари билан алоқа боғлаб, уларнинг Совет ҳокимиятига қарши чиқишига кўндириди. Совет гарнизонларининг кам қувватлилигидан фойдаланиб, Шарқий Бухоро босмачилари, жумладан Иброҳимбек вақтинча ғалабага эришди. 1921 йилнинг нояброда Шарқий Бухорода пантуркизмнинг машъум арбобларидан бири, сиёсий авантюрист Анвар пайдо бўлди<sup>1</sup>. У амирнинг розилиги билан Шарқий Бухородаги барча босмачи кучларининг «бош қўмондони» қилиб тайинланди. Анвар пантуркистларнинг бошлиқлари билан, босмачиларнинг марказлари ва қўрбошилар билан алоқа боғлаш учун, уларни «буюқ Ўрта Осиё мусулмонлари давлати» га бирлашишга даъват қилиш учун Фарғона, Самарқанд ва Хиваға ўз эмис-

<sup>1</sup> Анвар пошшо (1881—1922) ёш турклар лидери, Туркиянинг собиқ ҳарбий министри, у Герман бош штаби билан мустаҳкам алоқада бўлган. Биринчи жаҳон урушида Туркиянинг мағлубиятга учрагани учун жазоланишдан қўрқиб Германияга қочиб кетган эди.

сарларини юборди. Бошида Айвар Дуйшамбадан Бойсунгача бўлган ерларни ўзига қаратган эди. Қизил Армиянинг жанг ҳаракатлари Айварнинг ҳарбий авантюрасини кўкка совуриб юборди. 1922 йилнинг августидаги пайдо бўлган «бош қўмондон» қарийб ҳамма қўшинларидан ажраб, ўзи жангда ҳалок бўлди.

1920 йил босмачиларга қарши жанг ҳаракатларидаги катта бурилиш йили бўлди. Энг ўткир ва тажрибали ҳарбий бошлиқ Мадаминбекнинг мағлубияти, унинг бутунлай таслим бўлиши, Бухоро амирининг йиқитилиши 1920 йилда эришилган ҳарбий ғалабалар бўлди. Бу ғалабалар 1921 йилда босмачиларни янада кўпроқ яккалаб қўйиш билан мустаҳкамланди. Босмачиликнинг ҳарбий кучи бутунлай барбод бўлди, унинг сиёсий жиҳатдан ҳеч қандай таъсири қолмади. Агар у бошида «миллат ҳимоячилари» шиори остига ниқобланган бўлса, 1921 йилда ёқ Совет ҳокимияти маҳаллий аҳолини ўз томонига агдариб олгандан кейин бутун ҳалқ босмачиликка тинч қурилиш ишларига душман куч сифатида қаради. Қўлига қурол ушлай оладиган ҳар бир киши босмачиликка қарши отланди. Янги иқтисодий сиёсатнинг қўлланилиши Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан конкрет чоралар қўлланиш масаласи Туркистон Коммунистик партиясининг VI съездидан кун тартибida туради. Туркистон Коммунистик партияси өнди қатъий равишда қишлоққа юз ўғирган эди.

1921 йил 1 июлда Фарғона обlastida озиқ-овқат развёрсткаси бекор қилинди.

VI съезд пишиб етилган иккинчи масалани — ер масаласини ҳам муҳокама қилди. Съезд маҳаллий ҳалқ билан бошқа ёқдан келган аҳолининг ерга, сувга бўлган ҳуқуқини тенглаштиришни ва маҳаллий камбағалларни бой, маноп ва рус қулоқлари эксплуатациясидан озод қилишни асосий, биринчи навбатдаги вазифа деб топди. Шунга мувофиқ ер реформасининг амалий плани тузиб чиқилди<sup>1</sup>.

Интервенция ва гражданлар уруши йилларида Фарғона водийси таланган ва харобага айлантирилган, Фар-

<sup>1</sup> КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг архиви, 61-Фонд, I-опись, 196-дело, 15-бет.



Ўз-ўзинни мудофаа қилиш дружиналари.

Фарғона экономикасининг асоси бўлган пахтачилик тушкунлика учраган эди.

1915 йилдан 1923 йилгача бутун Туркистон Республикасининг экин майдони тўртдан уч ҳисса камайиб кетди.

Фарғона областида 1915—1923 йиллар орасида бўлган барча экин майдонларининг миқдори ҳақидаги маълумотлар.<sup>1</sup>

(десятна ҳисобида)

	Н и л л а р				
	1915	1917	1920	1922	1923
Десятина . . .	945400	566400	376000	292000	240815

Шу вақт ичидаги Фарғона областиниң экин майдонлари қарийб 4 баравар камайиб, 1923 йилдаги экин майдонлари 1915 йилдаги экин майдонининг 25,4 процентини ташкил қилди.

<sup>1</sup> УзССР Октябрь Революцияси Марказий архиви, 88-фонд, 1-описъ 74-дело. 35—44-бетлар.

Босмачиллик чорвачиликка ҳам жуда катта зарар етказди. Фарғона обласида қорамол ва майда моллар сони жуда камайиб кетди. Масалан, қорамол сони Қўқон уездига 5 баравар, Наманган ва Андижон уездларида 4 баравар, Марғилонда 8 баравар камайган, майда моллар сони шу вақт ичидаги Наманган уездига 5, Марғилонда 12, Қўқонда 24 баравар камайиб кетган эди.<sup>1</sup>

Босмачи шайкаларнинг бебошлиги натижасида Фарғона обласи деҳқон хўжаликларининг ярмидан кўпи (Қўқон уездига 35,3 проценти, Наманганда 75, Андижонда 65,4, Марғилонда 92,3 проценти) зарар кўрган ва ҳароб бўлган эди.

Шундай қилиб, Фарғона обlastининг иқтисодий аҳволи жуда оғир эди.

Область деҳқонларининг моддий аҳволини яхшилаш учун Совет ҳокимияти уларга бир қанча енгилликлар берди. Фарғона учун озиқ-овқат солиғи 50 процентгача камайтирилди. Фарғонага юбориладиган юклар учун темир йўлга тўланадиган кира ҳақи икки баравар қисқартирилди.

В. И. Ленин Самарқанд коммунистларига юборган телеграммасида шундай деб ёзган эди:

«Ҳозир энг муҳими ишчи ва деҳқонларнинг аҳволини дарҳол яхшилашдир. Ҳозир ҳамма иш озиқ-овқат солиғи ҳам, деҳқончилик билан саноат ўртасидаги оборотнинг ривожланиши ҳам, майда саноатнинг ривожланиши ҳам, жойлардаги ходимларнинг ғайратига ва моҳирлигига боғлиқ»<sup>2</sup>.

Бизгача етиб келган ҳужжатлар Совет ҳокимиятининг қишлоқ хўжалигини тиклаш ва босмачиларнинг ваҳшиёна ҳаракатларидан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш юзасидан кўрган тадбирларини акс эттиради. Туркистон ҳукумати ирригация системасини тиклаш учун қарор ишлаб чиққанлиги қўйидаги ҳужжатлардан кўриниб турибди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети Қорасув, Чимён ва Хонобод аҳолисининг юборган илтимосларига жавобан қўйидагиларни эълон қилишни сўрайди:

«Туркистон Марказий Ижроня Комитети аҳоли Совет

<sup>1</sup> УзССР Октябрь Революцияси Марказий архиви, 88-фонд, 1-опись, 74-дело, 35—44-бетлар.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Урта Осиё ва Узбекистон тўғрисида 158-бет. Уздавиашр.

ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини тез фурсатда тиклаш учун қилаётган ҳаракатини яхши тушуниб олганлигини қониқиши билан қайд қиласди».

Сўнгра хатда:

«Марказий Совет ҳукумати ирригация системасининг хароб бўлганини кўриб, олтин ҳисобида олти миллион сўм пул ажратди. Бу жуда катта ёрдам, бундай ёрдамни Туркистон аҳолиси бирон ҳукуматдан олган эмас.

Бу ёрдамнинг реаллиги ҳақида аҳоли ҳозирги вақтда Шаҳрихон ва Андижонсойининг бош тӯғонини тиклаш, Кампирравотда Шаҳрихонсой ва Андижонсой қирғоқларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишларга қараб, фикр юритса бўлади.

Совет давлати Фарғонага кузда олиб келинган 250 000 пуд уруғлик ва бир неча минг чорва молларидан ташқари, яна 300 000 пуд буғдой ва иш ҳайвонлари юборади».

Фарғона область революцион комитети Туркレスпублика ҳукумати муҳокамасига Фарғонада қишлоқ хўжалигини тиклашга қаратилган бир неча таклифлар киритди:

а) Ғалла, чорва моллари ўтказиш ва областда товар обороти ўрнатиш учун дарҳол Хитой чегарасини очиб бериш;

б) Хароб қилинган хўжаликларга дарҳол ёрдам кўрсатиш мақсадида чегара районларида иш ҳайвони сотиб олиш учун тездан маблағ ажратиш;

в) Фарғона учун келгуси баҳорга 500 000 пуд маҳсус уруғлик фонди тайёрлаб қўйиш мақсадида Федерация кредитларидан маблағ ажратишни сўраш;

г) Ер органларига асосий кучлардан фойдаланиб, Фарғона ирригациясини тез суръатлар билан тиклаш вазифаси топширилсин;

д) Хароб бўлган жойларда... давлат солиги ва мажбуриятлари камайтирилсин».

Қардош Россия очлик азобини чекаётган Фарғона аҳолисига катта ёрдам кўрсатиб, кўп микдорда пул ва ғалла юборди.

Фарғонага Туркманистон, Самарқанд ва бошқа областлардан ғалла келтирилди. Барча шаҳар ва район марказларида овқатлантириш пунктлари очилиб, уларда 1921 йилда 10 мингга яқин киши овқатланар эди.

1921 йилга келиб, Фарғона Советларининг социал структураси тубдан узгариб кетди, унда камбағал (76

процент) ва ўрта ҳол дәхқонлар (23 процент) күпчиликни ташкил қиласы. Маҳаллий туб ахоли Совет қурилишига тобора күпроқ жалб этилиб, унинг салмоғы 85 процентта борган эди.

Совет ҳокимиятининг ана шу барча тадбирлари ахолига яхши таъсир күрсатди. Совет ҳокимияти сабот ва қунт билан ишлаб меҳнаткашларининг қўллаб-қувватлашига эришди. Улар фақат Совет ҳукуматигина меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоячиси эканлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

1922 йилнинг бошида босмачи кучлари бутунлай заифлашди. 1922 йил январида Шарқий Бухородан қайтиб келган Кўр Шермат бир оз куч тўплашга беҳуда уриниб кўрди. Бир ҳарбий обзорчининг ўткир ибораси билан айтганда, Кўр Шермат худди қутурган итдай Фарғона воғдийсининг у ёқдан бу ёғига халлослаб изғиб юаради. У афтидан аҳволнинг ниҳоятда мушкуллашганига ақли етиб, укаси Нурмат билан 1922 йили 26 октябрда Афғонистонга қочиб кетди.

Босмачилар ахолининг уюшиб берган зарбасига учраб ҳалокатга юз ўғирган эди. Уларнинг кўплаб таслим бўла бошлиши бунинг яққол далили эди. Баъзи отрядлар қўрбошиларнинг ҳар қандай уринишларига қарамай, уй-уйларига тарқалиб кетишиди.

Бунинг устига қўрбошиларнинг совет қўмондонлиги билан сулҳ тўғрисида музокара юритиш учун зўр бериб уринишлари ҳам босмачиларнинг заифлашганидан яққол далолат берар эди. Уларнинг чарчаганлиги ва умидсизликка учраганлиги кўриниб турарди. 1922 йил 17 апрелда Жонибек, Мулла ҳожи, Абдуллабек ва Фойиб понсотлар билан сулҳ тузилди<sup>1</sup>.

Апрель бошларида энг катта қўрбошилардан Муҳиддин ҳам музокара юрита бошлади. Совет қўмондонлиги Муҳиддиннинг қуролини топширган барча йигитларининг дахлсизлигини таъминлашга ваъда берди. Совет қўмондонлиги инсонпарварлик ва чидам билан музокара олиб борди ва бунинг натижасида Муҳиддин тарафдорлари билан оддий босмачилар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириди. Музокараларнинг муваффақиятсиз чиқиши босмачи йигитларининг Муҳиддиндан юз ўғиришинигина тезлатиши мумкин эди, холос. Муҳиддин музока-

<sup>1</sup> «Миллатлар ҳаёти», 1922 йил, 10-сон.



Халқ милиция отряди походда.

рани ҳар хил баҳоналар билан жуда чўзиб юборди ва олдидан кутилганидек бажариб бўлмайдиган шартлар қўйди. Муҳиддиннинг маккорлик қилиб, қасддан вақтни чўзаётганлигига икрор бўлган Совет қўмондонлиги музокарани тўхтатишни буюрди. 10 июнда жанг ҳаракатлари бошланди. Муҳиддиннинг ўжарлиги ўз қарамоғидаги босмачилар олдида унинг обрўсини тушириб юборди. Улар энди урушни истамас эдилар. Эндики курашнинг бефойдалиги равшан бўлиб қолган эди. Ҳамма босмачиларга қарши чиқа бошлади. Кечагина улардан жабр кўраётган қишлоқ халқлари бугун босқинчиларга ўzlари ҳужум қилиб, уларни қуролсизлантириб ҳукумат органларига топширмоқда эдилар. Бир ойга қолмай руҳий тушкунликка учраган Муҳиддин шайкалари тор-мор қилиниб, унинг ўзи таслим бўлишга мајбур бўлди.

Бир йиллик операциялар натижасида Шарқий Фарғона босмачилардан тозаланди. Босмачиларнинг айrim шайкаларигина Олой тоғларига яшириниб қолишиди.

Босмачи шайкаларини батамом тутгатиш давридаги жангларда аҳолининг ўзи актив иштирок этиши характерли ҳол бўлган эди. Кўпдан бери тинч меҳнатни орзу қилаётган халқ ҳамма жойда мамлакатни хароб қилаётган босқинчиларга қарши курашга отланган эди.

Босмачилардан энг кўп зарар кўрган Мойлисой қишлоғининг қуролсиз аҳолиси босқинчи шайкалардан би-

рини ушлаб, улардан тортиб олган 27 милтиқ ва 32 отни Совет құмандонлигига топширди.

Босмачилар яқындағина қоронғи тушгандан бошлаб талоңчилик қиласынан Құқон, Андижон сингари шаҳарларда халқ милициясінінг бирлашған ва фидокорона ҳаракатлари туфайли қайтадан тинчлик ва осойишталык ўриатилди.

Қорасув милицияси қисқа муддат ичіда 150 босмачи-ни қириб ташлади. Құргар милицияси бир неча шайка-ларни қуролсизлантириб, 280 милтиқ ўлжа олди.

1922 йил 4 іюлда Тошкентта юборилған телеграмма ўша вақтда халқ милицияси катта кучга айланғанлигини күрсатади:

«Фарғонада милициянинг күпчилиги (3 мингдан ошик-роқ жангчи от билан таъминланған ва яхши қуролланти-рилған эди) катта кучни ташкил этади. Үндан тұғри фой-даланилғанда, у босмачилар ва ёт элементларни йўқо-тишда жуда катта роль ўйнаши керак»<sup>1</sup>.

Партия ва Совет ташқилотлари Халқ милицияси от-рядларининг жанговарлық қобилятини ошириш ва улар-ни яхши қуроллантириш учун катта иш олиб бордилар. Натижада бу отрядлар энг йирик операциялар үтказиши-га қодир бўлдилар. Масалан, Олойда Нурмат мингбоши шайкасига қарши операция үтказиши тамомила Ўш уезд-шайкаш милициясига топширилған эди, у жуда юксак жанговарлик күрсатди.

В. И. Ленин «Озиқ-овқат солиғи» тұғрисидаги мақо-ласида шундай деб ёзған эди: «Ишчи ва деҳқонлар оммаси ўз аҳволини тезда яхшилаши керак... Озиқ-овқат солиғи ва у билан бөглиқ бўлған бир қанча чоралар бунга ёр-дам қиласажак. Бу билан биз майда ишлаб чиқарувчилар-да муқаррар бўладиган иккиланишларнинг иқтисодий томирига болта урамиз»<sup>2</sup>.

Ва сұнгра: «Деҳқонлар энди катта ишонч ва катта гайрат билан ўз хўжаликларини тиклаш ишига кириша-жаклар, бу эса энг асосий масаладир»<sup>3</sup>. Лениннинг иш-чилар билан деҳқонлар иттилоғининг келажакда мус-таҳкамланишига ва товар оборотини ривожлантириш

<sup>1</sup> СССР ЦГАКЛ, 110-фонд, 1-опись, 163-дело, 55-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 32-том, 405-бет, Ўздавнашр.

<sup>3</sup> Ўша асар, 408-бет.

асосида социализм иқтисодий негизининг мустаҳкамла-  
нишига бўлган қатъий ишончи тула оқланди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг самарали оқибатлари  
Фарғона водийсининг хўжалик ва сиёсий аҳволига яхши  
таъсир этди.

Ҳаёт тобора изга туша бошлади. Фарғонага Россия-  
дан 631 минг пуд ғалла келтирилди, бу ғалла дои экин-  
лари ҳисобига пахта экишини кўпайтиришга имкон берди.  
Қишлоқ билан савдо муомаласи ҳам жонланиб кетди.  
Деҳқонларга зарур бўлган саноат товарлари ва маҳсу-  
лотларни кўплаб келтира бошланди. Ётиб қолган корхо-  
налар ишга туширилди.

Совет ҳокимиятининг ёрдамидан руҳланган меҳнат-  
каш деҳқонлар, пахта экин майдонларини кенгайтири-  
бошлади. 1923 йили 170 минг десятина ерга, яъни 1922  
йилда экилганидан тўрт баравар кўп пахта экилди. Қишлоқ  
кооперацияси ҳам ривожлана бошлади. 1923 йилда  
Қишлоқ хўжалик банкаси 400 та кредит ширкати тузди.

Айрим жойларда босмачилар деҳқонларни ўлдириш-  
лар билан қўрқитиб, аҳолининг тинч меҳнатига халақит  
бериш учун жон-жаҳдлари ила уриндилар. Марғилон уез-  
дида қутурган Умарали қўрбоши экин эккан 54 деҳқони  
сўйдириб юборди ва бўйсунмаганларни калласидан  
минора қилдираман деб дуқ-пўписалар қилди.

Аммо бу, жони ҳалқумига келган душманнинг тарих  
филдирагини орқага айлантириш учун қилган энг сўнгги  
бехуда уриниши эди.

1923 йили Қизил Армия ва милициянинг енгил ва қи-  
рувчи отрядлари аҳолининг катта ёрдамига таяниб, Фар-  
ғона водийсини жиноий бандитларга айланган босмачи  
шайкалардан батамом тозалай бошладилар.

Марғилон ва Андижон уездларида аста-секин тинч-  
лик ва тартиб ўрнатилди. Наманган уездининг Чатқол  
дарё воҳасида ҳали Боястон қўрбоши бекиниб ётар, Қў-  
қон уездиде эса Исломқул ва Қорабой шайкаларининг  
қолдиқлари аҳолини террор қилар эди. Аммо кўп ўтмай  
бу ерларда ҳам тинчлик ўрнатилди. Августда қирувчи  
отрядлар Олой водийсини оралаб чиқиб, босмачиларнинг  
энг сўнгги уяларини тугатди. 80 та Қизил аскар ва 300  
та милиционердан иборат бўлган экспедицион отряд бир  
ойдан ошироқ вақт ичida Олой водийсини босмачилар-  
дан батамом тозалаб чиқди. Бу отряднинг жанг ҳаракат-  
лари итижасида Кўр Шерматнинг акаси Рўзимат, Ман-

ион понсад құрбоши, Тұхтамат, Мулла Евқочди понсад, Ашурбек понсад ва 50 дан ошиқ босмачи йигити асир олиниб, катта ҳарбий үлжалар құлға туширилди.

Фарғонанинг бошқа районларида Боястон, Исломқұл ва Қозоқбой құрбошилар асир туширилган эди.

Фарғона Советларининг XIII область съездіда босмачиликка қарши кураш натижалари якунланғанды. Съезд делегатлари «Энди областда құлига қурол олиб Совет ҳокимиятига қарши курашга чиқа оладиган бирон күч йүқ», деган хабарни зұр қувонч ва мамнуният билан қарши олдилар.

Юқорида баён қилинған материалларга асосан баъзи хуносалар чиқарамиз.

Фарғонада Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ва ички, ташқи душманлар устидан ғалаба қозонишига ҳарбий ва сиёсий тадбирларни бир-бирига түғри құшиб олиб бориши натижасида эришилди.

Сиёсий тадбирларга етарли баҳо берилмаслигига Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети ҳамда РКП(б) Марказий Комитетининг Турккомиссияси келгандан сұнг қатъий чек құйилди. Бу Комиссия Ленин күрсатмаларига мувофиқ собиқ подшо мустамлакаси халқларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий тенгсизлигини тугатиш, улар билан түғри муносабат үрнатиш ва Совет Россияси пролетариати билан Туркистан мәхнаткашлари оммасининг революцион иттифоқини мустаҳкамлашда катта ишлар қилди.

Туркистан Компартиясини большевиклаштириш ҳамда уни мустамлакачи ва миллатчи үнсурлардан тозалаш партияни ғоявий жиҳатдан жипслаштируди ва ташкилий мустаҳкамлади. Маҳаллий аҳоли мәхнаткашларини Советларга ва ҳарбий күчлар тузишга күплаб жалб қилиш, давлатни ва маданиятни миллий тилда ривожлантириш, босмачилардан зарар күриб, хұжалиги хароб бўлган мәхнаткаш деҳқонларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш, ва, ниҳоят, халқ хұжалигини тиклай бошлаган янги иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши — буларнинг ҳаммаси Фарғонада Совет ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлади ва унга маҳаллий аҳоли орасидан кучли таянч яратиб берди. 1921—23 йилларда Фарғонани босмачи қолдиқларидан озод қилиш бу тадбирларнин әнг муҳими бўлди. Фарғона аҳолиси Коммунистик пар-

тияга ва Совет ҳукуматига зўр миннатдорчилик ҳислари билан тинч меҳнатга қайтиб, осойишта ҳаёт кечира бошлилар.

## БОСМАЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АКТИВ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Босмачиларга қарши кураш кенг халқ ҳаракатига айланниб кетган ва унинг қатнашчилари мислсиз қаҳрамонлик, фидокорлик намуналарини кўрсатган эдилар. Афуски, бу курашда халқ ва унинг ичидан чиққан ҳарбий ва сиёсий ташкилотчилар ҳамда раҳбарларнинг роли ҳозиргача яхши ёритилган эмас. Бу темада ҳали кўп илмий-текшириш ишлари ёзиш мумкин.

Шундай бўлса-да, ҳозироқ Қизил Армиянинг, партия дружиналари, милиция ва халқ мудофаа отрядларининг жанговар ҳаракатларига бошчилик қилган машҳур қўмондонларнинг номини тилга олиб ўтишимиз лозим.

Булар биз юқорида кўрсатганимиз, 1919 йилда Андижонни қулоқ-босмачилар «армияси»нинг қуршовидан ҳимоя қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган Андижон уезд-комининг секретари Т. М. Бильдин ва Фаргона Революцион Ҳарбий Советининг раиси Д. И. Спасибовлардир. 1920 йилда Мадаминбек шайкасини тор-мор этишда бошчилик қилган 2-Туркистон дивизиясининг қўмондони Бригадзенинг ҳам революцион хизматлари катта.

Ўзбек халқининг меҳнаткаш оммаси орасидан Совет ҳокимияти учун курашчиларнинг бутун бир истеъододли ва жасур плеядаси етишиб чиқди. Босмачилар устидан ғалаба қозонища Пўлдош Охунбобоевнинг Мадаминбек билан бўлган жангларда қатнашган жанговар отряди катта хизмат кўрсатди. Тинч қурилишга ўтилгандан кейин П. Охунбобоев Совет Ўзбекистонининг ўзирик давлат арбоби дражасига кўтарили ва 20 йилга яқин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раислиги лавозимида хизмат қилди.

Совет давлатининг душманларига қарши олиб борилган граждандар уруши жараёнида халқларнинг интернационал дўстлиги вужудга келди ва меҳнаткашлар манфаатининг бирлиги мустаҳкамланди. Ўша оғир вақтларда Абдураҳмон Мадёров, Андижон ҳамда Кўқон уездининг революцион комитетларига бошчилик қилган



Босмачи шайкаларнинг 200 кишидан иборат отрядининг 14 соатлик ҳужумини қайтарган Исамбоев ўз-ўзини мудофаа қилиш отряди.

Р. Раҳимбобоев ва Қодир Тўрақулов Кужелло бошлилигига собиқ ҳарбий асирлардан тузилган интернационал отряд билан ёнма-ён туриб ва қулларига милтиқ олиб, Совет ҳокимииятини ҳимоя қилган эди. Қодир Тўрақуловнинг жанговар ҳаёти 1-Турк отлиқ аскар полкининг оддий аскарлигидан бошланиб, 1923 йилда Олой водийсини босмачи қолдиқларидан тозалаган экспедицион отряд составида Ўш революцион Комитетининг раиси лавозими билан тугади. Бу ерда Андижон ва Фарғона уездларининг ҳарбий комиссари В. Н. Сидоров ва Кўқон революцион комитетининг раиси, Фарғона фронти революцион Ҳарбий Советининг аъзоси ўртоқ. Т. Ўразбоев ва А. Охуновларни ҳам эслатиб ўтиш кедак.

Я. М. Горбунов 1918 йили корхоналарни қўриқлайдиган Скobelев ишчи отрядига кирди. 1920 йилда у асосий қисмини Ёр мозор кўн заводининг ишчилари ташкил қилган отрядга бошлилик қилди. Бу отряд ҳам Беш бош отряди сингари Холхўжа шайкасига қарши олиб борилган жангларда қатнашди, ҳамда Ванинова нефть заводини бузилиш ва ўт кўйилишдан сақлаб қолди. Я. М. Горбунов босмачиларга қарши курашда курсатган хизматлари учун Мехнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланди.



Фарғона фронти Реввоенсоветининг  
аъзоси  
Т. УРАЗБОЕВ.

коммунистдан қасос олиш ва унга дўқ уришлар эди. Аммо у партияга ва ўз эътиқодига содиқ бўлиб қолди. Унга ўлдирамиз деб ёзилган имзосиз хатлар ҳам таъсир қилолмади.

Ярим йилдан сўнг, 1919 йили Мадаминбек шайкасининг каллакесарлари Казбекнинг отаси—Иброҳим охунни қийнаб ўлдиришди. Унинг қирқилган калласи аҳолига даҳшат солиш учун уч кунгача Қўқон-қишлоқда осиб қўйилди, унинг уйини эса босмачилар талаб ва ўт қўйиб кетишиди. Ўша йилнинг ўзида босмачилар кўппа-кундузи Казбекнинг онаси Тожи бибини чопиб кетишиди.

Душманнинг қасослари мардана халқ курашчисининг иродасини буколмади. К. Супургебеков 1919 йилнинг ку-

Жойларда Совет ҳо-  
кимиятининг дастлабки  
ташкilotларига оғир  
шароитларда иш олиб  
боришига тўғри келган  
эди. Бой ва муллалар  
большевикларнинг иши  
натижасида аҳоли ора-  
сида ўз таъсирларини  
йўқотиб қўйишдан қўр-  
қиб, «тўртингилар»<sup>1</sup> га  
қарши чиқдилар.

Эксплуататор синф-  
ларнинг агентлари, бос-  
мачилар турли дўқ-пў-  
писалар билан дастлаб  
ки коммунистларни тўғ-  
ри революцион йўлдан  
тойдирмоқчи бўлдилар.  
1918 йилда партия са-  
фига кирган Қазбек Су-  
пургебековга нисбатан  
ҳам шундай йўл тутил-  
ган эди. Унинг укасини  
синфий душманлар то-  
монидан ўлдирилиши

<sup>1</sup> Революциянинг дастлабки йилларида большевиклар тарафдор-  
ларини «тўртингичи» деб юритар эдилар. Большевик кандидатлари  
сайловда 4-сонли рўйхатда ёзилган эди.

зида қулоқ-босмачи қүшилари қуршаб олган Андижонни мудофаа қилишда актив қатнашди.

Оддий кишиларни ва ҳатто айрим онги паст, сиёсий ҳаётдан узоқ кишиларни Совет ҳокимиятининг иши учун актив курашчилар сафига олиб келган йўллар турлича эди.

Бу соҳада разведкачи Шаропатхон Каримованинг тақдири диққатга сазовордир. У ўз эрининг босмачиларга қушилиб кетиб, саёҳ юра бошлаганига сира чидай олмади. Оилада жанжал чиқди. Шаропатхон Эрини тўғри йўлга солишга уриниб кўрди, аммо эри унга қулоқ солмади. Шаропатхоннинг юрагида унинг турмушини бузган босмачиларга нисбатан ғазаб ўти авж олди. У 1921 йилнинг баҳорида Андижон босмачилариға қарши кураш олиб бораётган сиёсий бюргага келиб, Хакант қишлоғи ёнидаги Писта Мозор деган жойга қирувчи отрядни бошлаб боришга хоҳиш билдириди. У жой Шаропатхоннинг эри ёлланган Жўра ёғчи шайкасининг қароргоҳи эди.

Келган отрядни босмачилар ўқقا тутди, жанг бошланиб кетди, бу жангда Шаропатхоннинг эри ҳам ҳалок бўлди.

Бу тўқнашув разведкачи Шаропатхоннинг жанговар йўлининг бошланиши эди, у кейин қирувчи отрядларга жуда катта хизматлар кўрсатди. Шаропатхон жанговар топшириқни бажариш вақтида ҳалок бўлди. Бандитлар унга тўсатдан ҳужум қилиб, қийнаб ўлдирдилар. Босмачилар Шаропатхонни қулоқ-бурнини кесиб, чалажон ҳолида отнинг думига бойлаб судратди.



Ёр мозор ишчи отрядининг командири  
я. м. ГОРБУНОВ



Андижон ва Қўқон уезди революцион комитетларининг бошлиги  
Р. РАҲИМБОБОЕВ  
(чапдан иккинчи)

Андижондаги Беш бош заводининг (ҳозирги 6-ёғ завод) ишчиларидан тузилган партизанлар отряди ҳам шонли хизматлари билан шуҳрат қозонган эди.

Совет кишилари коммунизм жасур курашчиларини ёрқин хотираларини ўз қалбларида абадий сақлайдилар.

## ХУЛОСА

Меҳнаткаш ўзбек халқининг халқаро империализм агентлари бўлган босмачиларга қарши кураши Совет Ўзбекистони тарихида муҳим даврdir. Босмачилар тор-мор қилиниши билан Туркистонда кенг миқёсда социалистик қурилиш учун шароит яратилди. Россия билан Туркистон халқларининг ҳаётни социалистик асосда қайта қуришдаги бирлиги тобора мустаҳкамланиб борди.

Туркистоннинг Совет Россияси билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари кенгайди. Коммунистик партия раҳбарлик қилган Туркистон меҳнаткашлари босмачиларга қарши куаш даврида барча совет халқлари билан

муқаддас дүстлик алоқаларини мустаҳкамладилар. Барча совет халқларининг ёрдамида, Коммунистик партия раҳбарлигига Узбекистон меҳнаткашлари қисқа муддат ичидага ўз халқ хўжалиги ва маданиятини социалистик асосда қайта қурдилар, социалистик экономикаси ва маданиятини тез суръатлар билан ривожлантиришга эришдилар. Узбекистонда Совет ҳокимияти даврида замонавий йирик синоат вужудга келтирилди. Унинг қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланиб, бутунлай ўзгариб кетди. Пахтачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун Узбекистон икки марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бу ютуқларга гражданлар уруши давридаги шонли ғалабалари туфайли эришдилар.

КПСС XX съездиде Совет Иттифоқида коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини тузиб берди. XX съезд қарорларида Совет тарих фани олдига катта вазифалар қўйилди. Бу съезд совет жамиятининг тарихини илмий жиҳатдан пухта ўрганиб чиқиши, тарих фактларини талқин қилишда догматизм ва субъективизмни тугатиш зарурлигини таъкидлаб кўрсатди. Босмачиликка қарши кураш тўғрисида ёзилган ушбу обзордан партия XX съездиде қарорлари нуқтаи назаридан, фикримизча, қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин.

1. Социалистик революция Фаргонада Совет ҳокимиятини эълон қилиб, ишлаб чиқариш воситаларини меҳнаткашлар қўлига олиб берди. Социалистик революция жараёнида Ўзбекистондаги аҳолининг барча социал табақалари синфларга ажraldi. Бир томонда асосий қисми руслардан иборат бўлган кам сонли революцион пролетариат пайдо бўлди, у билан маҳаллий камбағал деҳқонлар иттифоқлашишди. Иккинчи томонда реакцион олчоқ рус ва миллий буржуазия ва феодал-қулоқлар бирлашди.

Революция озодлик олиб келаётган ўзбек деҳқонларининг фақат синфи онги ўсгандагина (бу мураккаб процесс эди), у рус пролетариати билан ўзининг синфи бирлигини ва манфаатларининг ажралмаслигини тўла тушуниб олгандагина революцион пролетариат билан иттифоқ тузса оларди.

Бу тарихий процесс икки йўл билан: ё деҳқонлар батамом социал қулликка тушиб, ўзининг табиий иттифоқчиси бўлган рус пролетариати ва революцион Россиядан ажраб, чет эл империализмининг зулмига тушиб қолиши

еки уларнинг синфий оиги ва миллий ғурури ошиб бориши натижасида рус пролетариати билан интернационал алоқани мустаҳкамлаши, барча деҳқонларни, демак, бутун ўзбек халқини ўз тарихининг ижодчисига айлантириши, социализмга, меҳнаткаш халқнинг манфаатларини тўла ифода этувчи Совет ҳокимиятига юз ўгириши билан тугаши мумкин эди.

Ўзбек халқи тараққиётининг Туркистонга хос бўлган ана шу конкрет-тарихий шароитида учинчи йўл йўқ эди.

2. Фарғонада пролетар революциясига қарши жавоб тариқасида феодал-бойлар мажбуран ёлланган деҳқонлардан босмачи отрядлари туздилар. Деҳқонларни аскарликка мажбуран чақириш реакцион диний ва миллатчилик байроби остида ташвиқот юргизиш йўли билан олиб борилди. Подшо амалдорларининг зулмидан эзилган деҳқонлар аввало қисман бу таъсирга берилган эдилар. Босмачиларнинг ҳарбий ҳаракатлардан кўзлаган мақсади — Туркистонда Совет тузуми ўрнатишга йўл қўймаслик эди.

Лекин социалистик революциянинг «Халқа — тинчлик, деҳқонларга — ер, ишчиларга — нон!» деган шиорлари деҳқонларга яқин ва тушунарли бўлиб чиқди. Бу шиорларни турмушда амалга ошираётган ёш Совет ҳокимиятининг ишларини меҳнаткаш деҳқонлар қўллаб-қувватлади, диний ва миллатчилик шиори остида олиб борилаётган «фазовот» эса халқларни хароб қилаётган эди.

Деҳқонларнинг аста-секин пролетар революцияси томонига ўтиб бориши босмачи ташкилотларининг таянчини заифлаштирган эди. Улар Фарғона обlastida таянчиғини йўқотиб, Туркистоннинг ташқарисидан мадад излашга мажбур бўлдилар.

Британия империализми босмачиларнинг «фазавот» ини ошкора қўллаб-қувватлади ва авж олдирди. Шу тариқа ички контрреволюция ташқи интервенция билан бирлашиб кетди. Алданган деҳқонларнинг бир оз қисмини босмачи отрядларига ёллаш деҳқонларнинг ўсиб келаётган синфий ва миллий онгига тўқнашди. Деҳқонларнинг синфий ва миллий онгининг ўсиши уларнинг босмачилардан юз ўгиришига олиб келди. Нихоят деҳқонлар босмачиликнинг ички ва ташқи контрреволюция қуроли эканлигини тушуна бошладилар.

3. Фарғонада пролетар революцияси Бутун Россиядаги сингари кескин синфий кураш вазиятида ўтди. Туркистон ва Фарғона обlastida бу революция ошкора миллий-

озодлик кураши тусига кирди. Чунки, феодал-бойларга қарши кураш аслда чет эл мустамлакачилигини ўрнатмоқчи бўлган ташқи интервенцияга қарши кураш, миллий озодлик учун, социализм учун кураш бўлган эди.

4. Коммунистик партиянинг Фарғонада социалистик революцияга раҳбарлик қилиш практикаси «революцияни экспорт қилиш» тўғрисидаги империализм пропагандасини бутунлай чиппакка чиқарди.

Ленинчи рус коммунистлари Ўрта Осиёning революцион меҳнаткашларига уларнинг ички ва ташқи контреволюцияга қарши курашларида биродарлик ёрдами кўрсатдилар ва асло зўрлик билан революцияни марказдан «келтириб» ўрнатмадилар. РКП(б) миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳуқуқини эълон қилиб, амалда миллий сиёсатнинг ана шу ленинча принципини амалга оширди. Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати аслида мустамлакачилик шовинизми бўлган улуф рус шовинизмига ҳам, ўзбек халқини қайтадан ғарбий империалистлар мустамлакаси асоратига тушириши мумкин бўлган маҳаллий миллатчиликка ҳам қатъиян қарши эди. Ўзбек меҳнаткашларига интернационал ҳамкорликни ўргатган Коммунистик партия уларга социалистик революция ғалабаларини ҳимоя қилишда мадад берди.

Коммунистик партия Россиянинг революцион марказларидан энг яхши кадрларни Туркистонга юборди. Бу кадрлар маҳаллий аҳоли орасида сабот билан, тинмай фидокорона иш олиб борди. Партия ўзининг сиёсий тадбирларини иқтисодий алоқаларни кучайтириш, Россия ва Ўзбекистон ўтасида ғалла, машина, газлама, пахта ва бошқа товарлар алмашиш йўли билан ҳам мустаҳкамлаб борди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг революцион Россия билан алоқалари аввало иқтисодий ва маънавий-сиёсий алоқалар бўлиб, бу ўзбек халқининг ўзини тиклаб олишига ва ўз авангарди — коммунистлар раҳбарлигига ўз ҳаётida тинч социалистик асосда революцион ўзгаришлар ясаш учун куч тўплашга имкон берди.

Бу ёрдамлар ўзбек меҳнаткашларига иқтисодий мамнунчилик ва мустақиллик келтирди. Уларнинг сиёсий ва миллий онгини оширди. Равшанки, ана шундай шароитлардагина ҳар қандай халқ ўз йўлини онгли равишда ва эркин танлаб олиши мумкин. Ленинчиларнинг мақсади

фақат ана шу эди. Социалистик ривожланиш қонунлари ва тарихий процесснинг илмий, марксистик билимлари билан қуролланган, ленинчи коммунистлар ўзбек халқининг ўзи социалистик тараққиёт йўлини танлаб олишига ва социализм йўлига кирган рус халқи билан бир сафга туришига амин эдилар.

Демак, «революцияни экспорт қилиш» эмас, балки ташкилий-сиёсий иш олиб борища ўзбек коммунистлари билан тажриба алмашиш, рус коммунистларининг ҳукмронлик қилиши эмас, ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаб олиши учун Совет ҳокимиятини ўзбек халқининг ўз қўлига беришгина Фарғонада социалистик революциянинг ғалабасини ва Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишини таъмин қилган эди.

5. Маълумки, буржуазия тарих фани социалистик революцияни қонли воқеа деб тасвирлайди. Уларнинг фикрича, социалистик революция муқаррар қон тўкиш ва террор йўли билан амалга оширилар эмиш. Бу бўхтонни бир амаллаб асослаш учун буржуазия тарихшунослари онгли равишда тарихни сохталаштириб кўрсатдилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Фарғонада социалистик революцияни РКП(б) раҳбарлигига амалга оширишнинг асосий формаси иқтисодий ва ташкилий характердаги тадбирлар бўлиб, бу тинч йўл билан социалистик қайта қуриш ва халқ онгини ошириш, унга мустақиллик бериш мақсадларига қаратилган эди. Ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиб кетишига нима сабаб бўлди? Бунга етарли кучга эга бўлмаган ва кундан-кунга заифлашиб бораётган ички контрреволюция кучлари ўзбек халқининг миллий манфаатларини поймол қилиб, Туркистоннинг ички ишларига аралашаётган империалистлар билан тил биритирганлиги сабаб бўлди.

Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, интервенция кучлари қўллаб-қувватлаган контрреволюцион реакция социалистик революцияда қон тўкишга мажбур қилган эди.

6. Меҳнаткашларнинг босмачиларга қарши ҳарбий кураш масаласи мазкур брошурада текширилган воқеаларнинг энг муҳимларидан биридир. Туркфронт қўмон-донлиги гражданлар урушининг Фарғона жангларида ҳаммадан аввал ҳарбий курашнинг тинч революцион мақсадларга мувофиқ келадиган воситаларини қўлланган эди.

Қизил Армия қўмондонлиги маҳаллий аҳолини босмачиликка қарши курашга кўплаб жалб қилиш йўли билан революцион қуролли кучларнинг оммавий таянчини мустаҳкамлаган эди. Қизил Армия ўтказган барча операцияларда тинч аҳолини ва унинг мол-мулкини ҳар қандай хавф-хатардан ва ҳарбий ҳаракатларга боғлиқ бўлган турли фалокатлардан сақлаш асосий мақсад қилиб қўйилар эди. Қизил Армия қисмлари маҳаллий аҳолига доимо моддий ва меҳнат ёрдами кўрсатар эдилар, унинг сиёсий органлари эса ўзбек халқининг кенг оммаси ўртасида сиёсий-тарбиявий ва тушунтириш ишлари олиб борардилар. Революцион армиянинг меҳнаткаш халқ билан ажралмас бирлиги ана шу равища мустаҳкамланган эди.

Маълумки, Ўзбекистондаги ҳарбий ҳаракатларда Иваново-Вознесенск ҳарбий қисмлари кенг иштирок этганлар. Бу қисмларнинг Ўзбекистонга келишига сабаб, бу қисмлардаги кишиларнинг Ўрта Осиё шароитини жуда яхши билғанлиги эди. Россияда ҳеч ким паҳтанинг асосий харидори бўлган Иваново-Вознесенский кишиларичалик Ўзбекистон билан маҳкам боғланган эмас эди. Россиядаги бошқа кишилар ўзбек халқининг ички проблемаларини Иваново-Вознесенск тўқимачиларичалик яхши тушунолмас эдилар.

Иваново-Вознесенсликларнинг Ўзбекистонга келиши рус ва ўзбек халқларининг қардошлиқ дўстлигини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Ана шу вазиятда интервенциячи, мустамлакачилар ташкилоти бўлган босмачиликнинг вужудга келиши, кибрли чет эл ҳарбий инструкторларининг ҳарбий операцияларни ўтказишида халққа қарши усусларни қўлланиши, маҳаллий аҳолининг моддий бойликларини талаб хонавайрон қилиши — буларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятининг сиёсатига бутунлай қарама-қарши эканлиги яққол кўриниб қолган эди.

Босмачилар ҳарбий мағлубиятга учради. Бу мағлубиятга сабаб: пролетар революциясининг улуғвор сиёсий озодлик ғоялари, меҳнаткаш аҳолининг Совет ҳокимияти томон қатъиян юз ўгириши ва Қизил Армияга ёрдам бериши, босмачиларга нисбатан нафрат ҳисларининг ўсиши, кейинча оддий босмачиларда ҳам ана шундай ҳисларнинг пайдо бўлиши эди.

7. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Турккомиссияси тузилиши, унга маҳаллий вазифаларни бажаришда

ҳам, революцион Россия билан алоқа қилишда ҳам кенг ҳуқуқлар берилиши Коммунистик партияning миллий сиёсатига асосланган эди. Партия халқлар дўстлигининг асоси бўлган ўзаро ишончга эришишни ўзининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблар эди. Улуғ Ленининг «... турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилганда гина конфликтларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади», деган кўрсатмаси ана шу равища амалга оширилаётган эди.

Турккомиссиянинг Ленин принциплари асосида олиб борган ишлари ерли миллий кадрларнинг кенг ташаббусига суюнгани учун ҳам жуда муваффақиятли борар эди. Бу кадрлар орқали Комиссия ўзбек халқининг чинакам ҳаётини яхши билиб борар ва унинг учун энг актуал бўлган масалаларни тезликда ҳал қила оларди.

Ўзбек ва рус халқларининг қардошлиқ дўстлигини мустаҳкамлашда, ўзбек меҳнаткашлар оммасини революцияга жалб қилишда миллий кадрларни тарбиялашда, Туркистон Коммунистик партиясини большевиклаштириш ва ташкилий жиҳатдан кучайтиришда, аҳолининг меҳнаткаш табақаларини кенг миқёсда совет қурилишига тортиш ишларида Турккомиссиянинг роли бениҳоя катта бўлган эди.

1921 йилга келиб, айниқса янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва аҳолига нормал иқтисодий ҳаёт ўрнатишида катта ёрдам кўрсатиш муносабати билан Фарғонада Совет ҳокимиятининг обрў-этибори жуда ошиб кетди. Кенг меҳнаткашлар оммаси ўз мустақиллиги учун курашган тўрт йил мобайнида бу ҳокимият ва унга раҳбарлик қилувчи Коммунистик партия уларнинг туб миллий ва социал манфаатларини, тинчлик, меҳнат, тўқ турмуш ва тараққиётининг энг ишончли ҳимоячилари эканликларини амалда тушуниб олган эди. Энди Туркистонда Совет ҳокимияти аҳолининг меҳнаткаш табақалари, жумладан дехқонлар ўртасида зўр таянчга эга бўлди.

Бу мураккаб ва оғир курашда ўз кучларини синаган, ўз иттифоқчиларини таниб олган, ўзининг мустақил миллий давлатига эга бўлган, шу йўсинда ўз тақдирига ўзи хўжайин бўлиб олган ўзбек халқининг бу катта ғалабаси уни социализм сари йўллади.

Совет ҳокимиятининг ана шу ғалабаси натижасида чет эл ҳарбий интервенциясининг қуроли бўлган босмачиликка кескин ҳарбий зарба берилди. Ниҳоят у кенг миқёс-

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
Фарғонада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши . . . . .	9
Қўқон „буржуа мухторияти“—миллатчи контреволюциянинг маркази . . . . .	19
Босмачилик Англия — Америка империалистларининг қабиҳ планларида . . . . .	28
Қамалдаги Туркистонда Фарғона босмачиларига қарши ку- раш (1918—1919 йиллар) . . . . .	34
Интервенция ва ички контреволюцияга қарши курашда бу- рилиш даври . . . . .	49
Шарқий Фарғонада қулоқ — босмачи кучларининг тор-мор қилиниши (1919 йил сентябрь) . . . . .	54
Коммунистлар—босмачиларга қарши кураш ташкилотчилари 1920 йилда босмачиликни тугатишга қаратилган ҳарбий-сиё- сий тадбирлар. Мадаминбекнинг таслим бўлиши. Миллий ҳарбий қисмлар тузилиши ва босмачиларни тор-мор қилишда уларнинг роли . . . . .	61
Туркистонда реакциянинг сўнгги таянчи бўлган Бухоро ами- лигининг йиқитилиши . . . . .	66
Туркистонда ленинча миллий сиёsatнинг амалга оширилиши Фарғонада Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши ва бос- мачи қолдиқларининг тугатилиши (1921—1923 йиллар) . . . . .	83
Босмачиларга қарши курашнинг актив қатнашчилари . . . . .	86
Хулоса . . . . .	94
	106
	110

*На узбекском языке*

**А. КОКАНБЛЕВ**

**Борьба за установление и упрочение  
Советской власти в Фергане**

*Госиздат УзССР—Ташкент—1958*

**Редактор Р. Р. Абдураҳмонов**

**Техредактор Ф. К. Рахматуллин**

**Корректор М. Абдурасулов**

Теришга берилди 30/I 1958. Босишга рухсат этилди 12/IV 1958. Формат 84×108<sup>1/32</sup>.  
3,75 босма л. Шартли босма л. 6,15. Нашр. л. 6,5. Тираж 3000. Р 06083. Индекс с/з

Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти Тошкент, Полиграф кўчаси, 74.  
Шартнома № 458-57.

Ўзбекистон ССР Министрилиги Главиздатининг 1-босмахонаси  
Ҳамза кўчаси 21. Заказ 597. Баҳоси 1 с. 50 т.